

№ 2 (13)
2016

**Журналга 2010 йилда
асос солинган**

**© Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Археология институти**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
Y. G'ULOMOV NOMIDAGI ARXEOLOGIYA INSTITUTI**

**АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ АРХЕОЛОГИИ ИМЕНИ Я. ГУЛЯМОВА**

O'ZBEKISTON ARXEOLOGIYASI

АРХЕОЛОГИЯ УЗБЕКИСТАНА

**МУНДАРИЖА
МАҚОЛАЛАР**

Максудов Ф.А. Зараутсой қоя расмларининг янги талқинига доир	3
Абдуллаев Б.М. Қадимги Фарғона урбанизациясининг айрим хусусиятлари	13
Анарбаев А.А. Араблар босқини ва суғд-турк зодгонларининг тақдири	23
Абдулгазиева Б. XI-XII асрлар Кува сополлари тадқиқотига доир	31
Сулейманов Р.Х. Бабаджанов Б.М. Шоназаров Ш.Б. Қарши шаҳридаги Хўжа Абу Убайд Жарроҳ меъморий зиёратгоҳ мажмуасининг қабртош ёзувлари	43
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК	
Бердимуратов А.Э., Богомолов Г.И., Уно Такао, Бегматов А. Кофирқалъа шаҳар харобасидан топилган будда тасвирли муҳр	51
ЁШ ТАДҚИҚОТЧИ МИНБАРИ	
Раҳмонов Х.Ў. Илк ўрта аср Суғд қишлоқ маконларининг ўрганилиш тарихига доир	61
Сайпов С.Т. Ўрта аср Миздахканининг сопол кружкалари	65
Қдырнийазов О.-Ш. Пулжой масжиди	73
Ахмедов Ж.З., Хошимов Х.Б. Археологик объектларни музейлаштириш муаммолари (Фарғона водийси ёдгорликлари мисолида)	79
ФАН ТАРИХИ	
Қличев О.А. Пойкентнинг илк изланишлари тарихидан (Л.А. Зимин тадқи- қотлари ва расмий ёзишмалари асосида)	83
ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ	
Аскарлов А.А. Икки қадимшуноснинг бир муаммога доир баҳслари ҳақида	91
АХБОРОТ	
Саидов М. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институтида 2016 йил биринчи ярмида ўтказилган илмий тадбирлар хусусида	96
Рахимов К. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2015 йилда ўтказилган археологик тадқиқотларга бағишланган ҳисобот сессияси” хусусида (Самарқанд, 19-20 апрел 2016 йил)	98
ЮБИЛЯРИМИЗ	
Шухрат Тешабоевич Одиловнинг 60 йиллигига	101

ОГЛАВЛЕНИЕ

СТАТЬИ

- Максудов Ф.А.**
К новой трактовке наскальных росписей Зараутсая 3
- Абдуллаев Б.М.**
Некоторые особенности урбанизации древней Ферганы 13
- Анарбаев А.А.**
Арабское нашествие и судьба тюрко-согдийской аристократии 23
- Абдулгазиева Б.**
К исследованию керамики Кувы XI-XII вв. 31
- Сулейманов Р.Х. Бабаджанов Б.М. Шоназаров Ш.Б.**
Находки надгробных эпитафий при благоустройстве средневекового некрополя Абу Убайдаллах ал-Джаррах в Карши 43

МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

- Бердимуратов А.Э., Богомоллов Г.И., Уно Такао, Бегматов А.**
Буллы с буддийским сюжетом с городища Кафиркала 51

Трибуна молодого исследователя

- Рахмонов Х.У.**
К истории изучения сельских поселений раннесредневекового Согда 61
- Сайпов С.Т.**
Керамические кружки средневекового Миздахкана 65
- Кдырниязов О.-Ш.**
Мечеть Пульжая 73
- Ахмедов Ж.З., Хошимов Х.Б.**
Проблемы музеефикации археологических объектов 79

История науки

- Кличев О.А.**
Из истории первого исследования Пайкента (на основе исследований и официальной переписки Л.А. Зимина) 83

Критика и библиография

- Аскарлов А.А.**
Дискуссия двух исследователей по одной проблеме 91

Хроника

- Саидов М.**
О научных мероприятиях проведенных Институтом археологии АН РУз в первой половине 2016 года 96
- Рахимов К.**
"Отчетная сессия, посвященная археологическим исследованиям, проводившимся на территории Республики Узбекистан в 2016 году" (Самарканд, 19-20 апреля 2016 года) 98

Наш юбилей

- К 60 летию Адылова Шухрата Тешабаевича 101

Главный редактор
д.и.н. Темура Ширинович Ширинов

Редакционный совет:

к.и.н. А.Э. Бердимуратов
(председатель)
акад. А.А. Аскарлов
д.и.н. Ванг Цзяньсинь (Китай)
д.и.н. Ф. Грене (Франция)
акад. А.П. Деревянко (Россия)
д.и.н. М.Ш. Кдырниязов
д.и.н. П. Лериш (Франция)
д.и.н. Б.Х. Матбабаев
к.и.н. Ш.Р. Пидаев
акад. Э.В. Ртвеладзе
д.и.н. Р.Х. Сулейманов
д.и.н. У. Такао (Япония)
к.и.н. Г. Ходжаниязов

Редакционная коллегия:

к.и.н. А.А. Анарбаев
к.и.н. Т.Дж. Аннаев
к.и.н. А.Х. Атаходжаев
к.и.н. Г.И. Богомоллов
к.и.н. Ф.А. Максудов
к.и.н. Д.К. Мирзаахмедов
к.и.н. М.Х. Пардаев
(Ответственный секретарь)
к.и.н. А.А. Раимкулов
к.и.н. М.А. Реутова
к.и.н. В.Д. Рузанов
с.н.с. М.М. Саидов
к.и.н. Б.К. Сайфуллаев
к.и.н. С.С. Суюнов
к.и.н. М.М. Хужаназаров

На обложке:

Булла из памятника
Кафиркала

Адрес редакции:

140151, Самарканд,
ул. акад. В. Абдуллаева, 3
Телефон: (8-366) 232-12-90

Журнал зарегистрирован
в Агентстве печати и
информации
Республики Узбекистан
Удостоверение № 0592

Сдано в набор 11.08.2016
Подписано в печать 26.09.2016

Формат 60x84¹/₈

Усл.печ.л. 11,85

Тираж 200 экз. Заказ 387

Отпечатано в Институте
археологии АН РУз
140151, Самарканд,
ул. акад. В. Абдуллаева, 3

МАҚОЛАЛАР

СТАТЬИ

ARTICLES

УДК: 902.01 (7.031.1)

К НОВОЙ ТРАКТОВКЕ
НАСКАЛЬНЫХ РОСПИСЕЙ ЗАРАУТСАЯ

© 2016. Ф.А. Максудов

Институт археологии Академии наук Республики Узбекистан

Ключевые слова: *наскальные росписи Зараутсая, охота и собирательство, примитивное земледелие, древняя мотыга, древняя одежда, распределение труда.*

Мазкур мақола ўтган юз йилликнинг бошида Жанубий Ўзбекистонда топилган Зараутсой қоя тоши расмларининг янги талқинига бағишланган. Хусусан, муаллиф расмлардаги одамсимон шаклларнинг бир кўринишигагина тўхталиб, уларни эгик меҳнат қуроллари шаклидаги оддий қўл чопқилари билан экинларга ишлов бераётган ибтидоий экин-тикинчилар деб изоҳлайди. Бу янги талқиндан келиб чиқадиган ҳулосалар тўғрисида фикр юритилади. Марказий Осиё тарихида кийим-кечак ва эркак-аёллар ўртасида меҳнат тақсимотининг илк Зараутсой қоя расмларида кўрсатилган бўлиши мумкинлигига эътибор қаратилган.

ON NEW INTERPRETATION OF ZARAUTSAY ROCK PAINTINGS

F.A. Maksudov

The article presents a new interpretation of the Zarautsay rock paintings found in South Uzbekistan at the beginning of the last century. In particular, the author focuses on one of the plots of anthropomorphic figures, which are treated as early farmers working in the field with primitive hoes, shown as bended tools in the hands of the figures. Conclusions derived from the new interpretation are discussed. The article also pays attention to the fact that, perhaps, this site has the earliest depiction of clothing and labor division based on gender in the history of Central Asia.

Обнаруженные в начале прошлого века наскальные росписи Зараутсая, пожалуй, и сегодня считаются одними из самых знаменитых шедевров древнего изобразительного искусства Средней Азии. С момента открытия, уникальные зараутсайские сюжеты привлекали внимание отечественных и зарубежных исследователей, предлагавших различные трактовки и датировки этого памятника культурного наследия. Однако, как показывает обзор литературы, интерпретация некоторых, на наш взгляд, важных сюжетов, принципиально влияющих на датировку самой живописи, до сих пор остается спорной.

Первые сведения о росписях, обнаруженных в скальных навесах ущелья Зараутсай, появились в печати в начале 1940-х годов. Скальные навесы Зараутсая расположены на высоте 2000 метров н.у.м. в горах Кугитанга (юго-западные отроги Гиссарского хребта), в 100 км к северо-западу от г.Термеза, на территории Шерабадского района Сурхандарьинской области. Наскальные росписи были обнаружены еще в начале прошлого столетия, но впервые их детально обследовал Г.В. Парфенов, под руководством которого зафиксированные изображения были скопированы А.Ю. Рогинской (Рогинская, 1950). По разным подсчетам, в округе было обнаружено несколько десятков скальных ниш с многочисленными, но плохо сохранившимися изображениями, часто, в виде нечетких пятен. Основная же часть известных сюжетов лучшей сохранности происходит из навеса под названием Зараут-Камар, число, характер и датировка которых были позднее уточнены исследователями

(Окладников, 1966; Формозов, 1969; Кабиров, 1976; Шер, 1980; Коробкова, 1989; Ширинов, Хужаназаров, 1998).

В 2011 году в составе экологической экспедиции по укреплению заповедных территорий Узбекистана нам удалось побывать в ущелье Зараутсай, осмотреть и сфотографировать несколько ниш с наскальными изображениями. Скальный навес Зараут-Камар в виде неглубокой пещеры расположен при входе в ущелье на отвесной скале, на высоте около 9 м от русла сезонного ручья. Имеет высоту от 3 до 4 м, ширину от 3 до 5 м и углубляется почти на 3 м. Вход в пещеру с восточной стороны. На внутренних стенах навеса выполнены рисунки и надписи различных периодов. Интересующие нас древние изображения нанесены на верхних частях северной и западной стен навеса густой темно-красной краской (охрой) на фоне желтовато-бежевого известкового натека и, таким образом, представляют собой монохромные силуэтные росписи. Лишь три изображения являются контурными. Некоторые из контурных фигур наполовину закрашены, что говорит о нанесении сначала контуров, которые затем закрашивались. Археологическими исследованиями, проводившимися ранее, культурных наносов в пещере не обнаружено. Видимо, это связано с тем, что труднодоступное расположение и малые размеры пещеры были неудобны для использования ее под жилище (Формозов, 1969; Коробкова, 1989).

Так как описание сюжетов в росписях Зараутсай неоднократно публиковалось в печати, вкратце остановимся на основных деталях рисунков. Исследователями выделяются три композиции, связанные, как считается, исключительно со сценами охоты на копытных животных (Рис. 1, 2, 3, 4). Одна композиция на северной стене состоит из 19 антропоморфных фигур и одного крупнорогатого травоядного животного, скорее всего, дикого быка-тура (Рис.1, 2). Здесь выделяются два типа антропоморфных фигурок. Первый тип – это фигурки с длинными тонкими телами. Каждая фигурка имеет привязанный к поясу сзади (или сбоку) длинный тонкий предмет, достигающий до пола (Рис. 5). Этот тип составляют 4 фигуры. В руках у них нарисованы предметы, похожие на натянутые луки; в композиции также имеется несколько отдельных «летающих» стрел в направлении от «человечков» к центральной фигуре дикого быка. Сами «человечки» направлены «лицом» к быку и как бы окружили его. Эти фигурки определены как охотники на диких животных.

Более неопределенным является второй тип, который составляют фигурки с коническими, расширяющимися книзу, плащами-накидками. У каждой фигурки имеется «в руках» или «торчащий сбоку» тонкий предмет, изогнутой под прямым углом формы. У некоторых фигурок данного типа задняя часть этих длинных изогнутых «палкообразных» предметов «торчит» с «задней стороны» фигурок, что определяется по расположению ступней (Рис. 6). Такие «человечки» составляют большинство антропоморфных фигурок – их 15. Ноги и головы обоих типов изображались одинаково.

На второй композиции изображена сцена охоты за бегущими копытными, по форме массивных голов которых можно предположить, что это быки-туры (Рис.7). Ниже, параллельно животным имеются изображения трех бегущих в том же направлении других животных, определение которых до сих пор вызывает споры. Одни исследователи считают их собаками, помогающими в охоте, когда как другие видят в них джейранов. На некоторых животных исследователи видят вонзившиеся «дротики» (Формозов 1966, с. 19). В композиции выделяется шесть антропоморфных фигурок. Две фигурки по нашей классификации можно отнести к первому типу, т.е. тонкие, удлиненные «человечки» с натянутыми луками. Остальные четыре фигурки, как считают исследователи, опять же «одеты» в плащи-накидки, но они



Рис.1. Зараутсай. Композиция 1. (По А.Ю. Рогинской)



Рис.2. Зараутсай. Композиция 1. Прорисовка



Рис.3. Зарутсай. Зарутсай. Композиция 2. (По А.Ю.Рогинской)



Рис.4. Зарутсай. Композиция 3. (По А.Ю. Рогинской)

как бы размахивают руками и поэтому их силуэтная форма не коническая, а в виде полукруга (Рис.7). Однако, на наш взгляд, нарисованы здесь не замаскированные люди, а настоящие птицы. Судя по относительным размерам и форме это, скорее всего, дрофы или аисты, размахивающие крыльями. Этот тип фигур нами выделен условно в третий тип антропоморфных фигур.

Третья композиция также посвящена охоте на копытных, два травоядных животных здесь определены как винторогие козлы (Коробкова 1989, с.168) из-за формы удлинённых и как бы скрученных рогов (Рис. 4). Позади бегущих животных изображены две фигуры первого типа с натянутыми луками. В композиции нарисовано несколько «летающих» стрел и, видимо, отдельно луки.

Как считают исследователи, все три композиции посвящены сценам охоты, где охотники с луками и стрелами (первый тип) охотятся на копытных. В частности, А.А. Формозов приводит следующие аргументы: в зараутсайских росписях не встречаются ископаемые виды, луки получили широкое распространение только в мезолитическое время, треугольные наконечники стрел с широким основанием позже не прослеживается связь с земледелием и скотоводством, которое получило широкое развитие на юге Узбекистана в эпоху бронзы. Так, эти основные хронологические признаки позволили исследователям датировать памятник эпохой неолита-энеолита (Формозов 1951, с. 214-215).

Проблематичной остается трактовка антропоморфных изображений, выделенные нами в два типа. Разберем их по отдельности.

Тип 1. (Рис. 5). Определение этого типа фигурок как охотников, запечатленных в момент облавной охоты на диких животных, ни у кого не вызывает сомнений. Учитывая, что фигурки людей в правой и левой частях первой композиции направлены друг против друга, одни исследователи даже считали, что древний художник здесь изобразил сцену борьбы двух охотничьих групп за добычу (Хужаназаров, 2011, с. 74). Интересна трактовка привязанного к поясу охотника предмета. Многие исследователи считают, что к поясам охотников привязаны «магические хвосты» (Формозов, 1966, с. 19), чему можно найти множество параллелей в этнографических описаниях традиций некоторых изолированных племен, в быту которых охота является одним из основных типов хозяйств. Однако, в этом отношении, на наш взгляд, можно также предположить, что к поясам охотников привязаны копья или дротики. Было бы логичным также видеть в этих предметах колчаны для стрел, но по переданной форме они слишком длинны и единичны.

Тип 2. (Рис. 6). Пожалуй, наиболее интересными и загадочными являются изображения второго типа «человечков». По этому поводу предлагалось множество гипотез. В частности, некоторые исследователи считают, что фигурки, изображенные в плащах – это предки-родоначальники, помогающие своему племени в охоте, и поэтому они идут впереди. Сзади идут охотники с луками и стрелами (Формозов, 1951, с. 216). Другая группа исследователей видела в них ряженных охотников, замаскированных под крупных птиц (дроф, страусов и т.д.), в руках которых изображены бумеранги, трещетки для отпугивания животных или дротики (Хужаназаров, 2011, с. 74).

Однако, по нашему мнению, вопреки всем предыдущим интерпретациям связь между сценой охоты и вторым типом антропоморфных фигур не выявляется. Во-первых, ни у одной фигуры второго типа (человечки с плащами-накидками) нет луков и стрел. Во-вторых, все фигуры этого типа изображены в весьма спокойном состоянии, о чем ранее также указывали исследователи (Окладников, 1966) и даже некоторые из них направлены «лицом» в противоположную сторону, нежели на

сцену охоты. В-третьих, в третьей композиции, что изображена на западной стене навеса, и по стилю считающаяся синхронной первым двум композициям, на сцене охоты изображений второго типа вообще нет, охотятся здесь лишь фигуры первого типа. В-четвертых, некоторые фигуры второго типа как бы наклонились и взгляд их сосредоточен вниз. И, наконец, последнее – изогнутый под прямым углом предмет, «торчащий» из-под плаща фигур второго типа весьма напоминает примитивную мотыгу (Рис.6). Думается, что предметы в руках зараутсайских фигур второго типа должны трактоваться как деревянные или роговые мотыги, возможно, какие-либо серповидные орудия. Все это наводит на мысль, что фигуры второго типа не имеют дело с охотой, а занимаются мотыжным земледелием, их количество в композиции превалирует и они стоят в ряд (Рис. 1). Если такая трактовка верна, то имеющиеся у нас представления о происхождении земледелия в регионе и о процессе перехода от присваивающего хозяйства к производящим формам экономики необходимо пересмотреть.

Древнейшие мотыги и вкладышевые серпы схожих форм, сделанные из дерева и рогов животных (в роговых оправках) известны по материалам археологических раскопок неолитических поселений на широкой территории Евразии, а также по образцам изобразительного искусства, происходящих из памятников ранних земледельцев Ближнего Востока (Рис. 9, 10). Мотыги-копалки из рогов оленя в Европейской части континента могли использоваться в поисках качественного сырья (кремния) для орудий труда. Однако, в зараутсайских росписях фигурки с «мотыгами» стоят в ряд и, по нашему мнению, отражают групповую работу в поле.

На наскальных рисунках, обнаруженных недалеко от селения Охна в Южной Фергане изображены две человеческие фигуры, обращенные в одну сторону. У каждой фигуры в руках имеется длинный предмет, конец которого раздвоен как вилы и согнут под прямым углом по отношению к рукоятке. По мнению обнаружившего эти рисунки исследователя, так древний художник изобразил обработку почв с помощью примитивных мотыг, сделанных из рогов винторогого козла (Рис. 8) (Шацкий, 1973, с.118-119).

Как свидетельствуют палеогеографические исследования, предположительно с VIII-VII тыс. до н.э. в Средней Азии устанавливается так называемый атлантический оптимум, когда наступило региональное потепление и стабилизация природных условий после последнего ледникового периода. В этот период в благоприятных экологических нишах предгорных областей от Анатолии и Загроса до Индии и Тибета широко распространяются дикорастущие злаки. Как показывают исследования древнейших культурных центров, так развиваются природно-экологические условия, способствующие интенсификации собирательства, основу которого на начальном этапе составляла жатва диких злаков с помощью вкладышевых орудий. В этом отношении интересен факт обнаружения У.И. Исламовым при раскопках мезолитической пещеры Мачай, расположенной в исследуемой географической зоне (восточные склоны Кугитангского хребта) костяного орудия с пазом для кремневых микролитических вкладышей, очень напоминающее вкладышевые жатвенные ножи раннеголоценовых памятников Ближнего Востока (Исламов, 1975).

Интенсификация процесса жатвы постепенно способствовало охране естественных участков с дикорастущими злаками, за которыми был необходим уход. Так разрабатывались различные способы удаления сорных растений, которые мешали росту необходимых злаков. Это привело к использованию палок-копалок, которыми собиратели пользовались еще с древнейших времен для выкорчевывания корнеплодов. Но теперь палки-копалки стали использоваться для удаления сорняков и раз-




Рис.5. Заратусай. Композиция 1. Охотники (1-тип фигурок)




Рис.6. Заратусай. Композиция 1. Земледельцы (2-тип фигурок)





Рис.7. Заратусай. Композиция 3. Птицы – аисты, дрофы (3 тип фигурок)

рыхления почвы. Вскоре человек начал использовать ветки деревьев и рога оленя, где основной ствол использовался в качестве рукоятки, а первый отросток-сучок – в качестве копающей части. Это были первые мотыги, с помощью которых интенсивное собирательство постепенно переходило к примитивному земледелию (Рис. 9, 10). Видимо, именно такие примитивные мотыги держат в руках антропоморфные фигурки в первой композиции Заратусая.



*Рис.8. Фергана. Мотыжное земледелие.
Наскальные рисунки эпохи ранних
металлов (?) (По Г.В. Шацкому)*



*Рис.9. Древний Египет.
Деталь навершия булавы правителя
Скорпиона II. Человек с мотыгой.
Додинастический период.
IV тыс. до н.э.*

Исходя из вышеописанной интерпретации можно по-новому оценить значение наскальных росписей Зараутсай в освещении древнейших периодов истории Центральной Азии. В частности, расположение памятника на высоте 2000 метров н.у.м. моря показывает, что и в Средней Азии как на Ближнем Востоке раннее земледелие началось в предгорной зоне. Здесь в силу благоприятных природно-экологических условий широко распространялись многие растения, которые привлекли внимание собирателей. Использование палок-копалок для выкапывания корнеплодов, жатва с помощью вкладышевых орудий послужили толчком для интенсификации собирательства. Опыт по разрыхлению почвы и очистке участков от сорных растений с помощью мотыг (тяпок) впоследствии пригодился при ведении примитивного земледелия, когда специализировавшиеся на интенсивном сборе дикорастущих злаков собиратели из предгорной полосы спустились на равнину. С интенсификацией собирательства постепенно видоизменялась морфология злаковых растений, которые уже к моменту продвижения ранних племен из предгорных зон на равнинные участки были одомашнены. С началом орошаемого земледелия эволюционируют и орудия труда земледельцев, появляются каменные мотыги и серпы повторявшие поначалу формы примитивных орудий.

Не менее важным является изображение одежды в виде плащей-накидок, которые, видимо, оберегали собирателей от неблагоприятных погодных условий. Зараутсай, на данный момент, возможно, является самым древним памятником Средней Азии, где четко изображена одежда. По рисункам трудно сказать, из какого материала сделаны эти плащи, но, по крайней мере, известна их форма. Начало использования одежды является одним из самых важных событий в истории человечества. Однако, прямых археологических доказательств, свидетельствующих о времени,




Рис. 10. 1,2,3 – древнейшие мотыги и копалки из Англии и Бельгии, V- IVтыс. до н.э.
4,5,6 – древнейшие серпы Триполья и Англии, неолит; 7,8 – работа с мотыгами в Древнем Египте, неолит

когда человек начал одеваться, пока не обнаружено. Исследователями предлагаются различные даты, основанные на косвенных доказательствах.

Оригинальное решение данной проблемы предлагается генетиками, которые путем анализа молекулярных (генетических) часов для выявления периода происхождения подвида платяных вшей (*Pediculus humanus*) получили дату 72,000±42,000 тыс. лет тому назад, т.е. этот подвид адаптировался к одежде человека в период 112,000-32,000 лет тому назад. Таким образом, активное использование одежды, даже если взять максимальную дату, появилось не так уж и давно, в период среднего палеолита (Kittler et al., 2003, с. 1414).

Археологическими материалами подтверждается раннее появление шитых плащей-накидок, которые использовались уже в период верхнего палеолита в Восточной Европе. На стоянке Сунгирь (недалеко от Владимира), было обнаружено погребение мужчины, умершего 23,000 лет тому назад, реконструкция одежды которого показала, что она состояла из глухого короткого плаща, сшитого из замша или меха, которое надевалось через голову (Бадер, 1984, с. 233). Плащ-накидку, сшитую из кожи одомашненной овцы, носил также охотник эпохи энеолита-бронзы из Альп (5,300 лет тому назад), прозванный Этци, мумифицированный труп которого был найден на границе между Австрией и Италией в 1991 году (O'Sullivan et al., 2016, с. 2). Видимо, зараутсайские собиратели-земледельцы носили подобные глухие плащи (без разрезов спереди), надевавшиеся через голову, что можно наблюдать по рисункам.

Известно, что разделение труда по половому признаку произошло в глубокой древности, когда члены племен мужского пола начали специализироваться в охоте, а женщины в собирательстве. Вероятно, изображая характерные черты этих двух видов присваивающих хозяйств в росписях Зараутсая, древний художник впервые засвидетельствовал различия гендерных ролей в своем обществе. Это ставит наскальные рисунки Зараутсая в ряд важнейших памятников не только Узбекистана, но более обширной географии.

По поводу датировки Зараутсайской живописи среди исследователей нет единого мнения, хотя многие согласны, что приемлема дата раннего голоцена, т.е. мезолита-неолита. Основываясь на новой трактовке, можно предложить дату VII-V тыс. до н.э., исходящую из некоторых хронологических признаков как начало интенсификации собирательства с постепенным переходом к примитивному земледелию в период, когда глобальное голоценовое потепление достигло южных районов Центральной Азии.

Использованная литература

- Бадер Н.О.** Раздел о сунгирьских погребениях // Палеолит СССР. М., 1984.
- Исламов У.И.** Пещера Мачай. Ташкент, 1975.
- Кабиров Дж.** Древнейшая наскальная живопись Зараутсая // Первобытное искусство. Новосибирск, 1976.
- Коробкова Г.Ф.** Мезолит Средней Азии и Казахстана // Мезолит СССР. М., 1989.
- Окладников А.П.** Верхнепалеолитическое и мезолитическое время в азиатской части СССР // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л., 1966.
- Рогинская А.Ю.** Зараут-Сай: Записки художника. М.-Л., 1950.
- Формозов А.А.** О наскальных изображениях Зараут-Камара в ущелье Зараут-Сай // СА. 1966, №4.
- Хужаназаров М.М.** Памятники наскального искусства Узбекистана и проблемы их менеджмента // Вопросы менеджмента памятников культурного наследия. Алматы, 2011.
- Шацкий Г.В.** Рисунки на камне. Ташкент, 1973.
- Шер Я.А.** Петроглифы Средней и Центральной Азии. М., 1980.
- Шуринов Т.Ш., Хужаназаров М.М.** Наскальные изображения Узбекистана // Bulletin of SCST of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, 1998, № 2.
- Kittler et al.** Molecular Evolution of *Pediculus humanus* and the Origin of Clothing // Current Biology, 2003. Vol. 13.
- Niall J. O'Sullivan, Matthew D. Teasdale, Valeria Mattiangeli, Frank Maixner, Ron Pinhasi, Daniel G. Bradley & Albert Zink.** A whole mitochondria analysis of the Tyrolean Iceman's leather provides insights into the animal sources of Copper Age clothing // Nature – Scientific Reports, 2016.

УДК: 902 (903)

ҚАДИМГИ ФАРҒОНА УРБАНИЗАЦИЯСИНИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИ

© 2016. Б.М. Абдуллаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти

Калит сўзлар: Фарғона водийси, шаҳарсозлик, диний тафаккур, Чуст, Эйлатон ва Шўрабошот маданиятлари, сув иншоотлари, давлатчилик, Довон давлати, урбанизация.

Статья посвящена изучению урбанизационных процессов в древней Фергане. Представлены характерные черты развития городской культуры в эпоху бронзы и раннего железа, а также обоснован мощный всплеск урбанизации в период античности. Освещена проблема своеобразного решения древними зодчими планирования городов и монументальных сооружений, имевших в своем основании религиозные представления о мироздании.

SOME FEATURES OF ANCIENT FERGANA URBANIZATION

B.M. Abdullayev

Article is devoted to studying urbanization processes in ancient Fergana. Representative features of developing city culture in Bronze and Early Iron Age were shown, and also a powerful splash of urbanization during the antiquity period is shown. The problem of characterful solution by ancient architects of planning the cities and monumental installations which had in their base the religious impressions about the creation, is illustrated.

Урбанизация ибораси фанда икки хил талқин қилинади. Биринчисига кўра, бу жараён индустриал шаҳарнинг жамият тараққиётига таъсири деб белгиланса, иккинчисига кўра, у маданий-тарихий тараққиётнинг турли босқичларида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёни, ҳамда уларнинг ҳар хил шароитларда амалга оширилишини билдиради (Зоны и этапы урбанизации, 1989. С. 3). Мазкур мақола водий шаҳарсозлигининг илк даврларидан бошлаб илк ўрта асрларгача қамраган жараённи ёритади.

Урбанизация жараёнларининг асосини ташкил қилувчи шаҳарсозлик маданиятига оид водий ёдгорликлари охириги 80 йил мобайнида кўплаб олимлар (А.Н. Бернштам, Ю.А. Заднепровский, В.И. Спришевский, Е.А. Давидович, Т.Г. Оболдуева, Н.Г. Горбунова, Г.А. Брыкина, В.И. Козенкова, А.А. Анарбаев, Б. Абдулғозиева, Б.Х. Матбобоев, Г.П. Иванов ва бошқалар) томонидан ўрганилган ва уларда бу муаммо бўйича сўнги бронза давридан ўрта асрларгача кўплаб материаллар тўпланган. Уларнинг танқидий ўрганилиши эса Фарғона водийси шаҳарсозлиги бу даврлар мобайнида маълум тадрижий (эволюцион) тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини кўрсатади. Бироқ бу тадқиқотларда урбанизацион жараён муаммолари одатда иккинчи даражали бўлиб, улар қисман ўрганилган. Бунинг натижасида, бир қатор масалалар ўз ечимини топмаган. Жумладан: шаҳарсозликнинг илк шаклланиш хусусиятлари; деҳқончилик хўжалигини ривож ва ирригация иншоотларининг урбанизацион жараёнларига таъсири; ҳар бир тарихий давр учун алоҳида хусусиятли бўлмиш ёдгорликнинг ўз давридаги воҳа ёки маълум савдо йўллари тизимида жойлашган ўрни; Фарғона шаҳарсозлигида диний тафаккурнинг аҳамияти; водий шаҳарсозлигининг тадрижий тараққиётини

кўшни регионлар билан таққослаш, ҳамда ўзига хослик ва умумийликни аниқлаш шулар жумласига киради.

Тадқиқотларимиз давомида Фарғона урбанизацион жараёнлари қуйидагича даврлаштирилди: 1) Илк шаҳарлар даври – мил. авв. XII-IV (III) асрлар; 2) антик давр шаҳарсозлиги – мил. авв. IV – мил. IV асрлар; 3) ўрта асрлар даври шаҳарсозлиги – V-XIII асрлар.

Илк шаҳарлар даври (Чуст ва Эйлтон маданиятлари) бўйича умумлашма хулосалари олдинги тадқиқотчилар натижаларини янги археологик қазилмалар билан солиштириб ўрганилиши жараёнида олинди. Чуст маданияти унинг асосий тадқиқотчиси томонидан мил.авв. XII-VII асрлар (сўнги бронза даври) билан белгиланади, бироқ у бу даврни қадимийлашиши мумкин деб айтган (Заднепровский, 1962. С. 70). Бу фикр кейинчалик қисман радиоуглерод таҳлили (мил.авв. XX-XIV ва IX-VIII асрлар) ва спектрал анализ натижалари (мил.авв. XIV-VII асрлар) билан тасдиқланди (Заднепровский, 1997. С. 77; Рузанов, 1999. С. 34). Хозирги вақтгача 80 дан ортиқ чуст маданиятига тегишли ёдгорликлар аниқланган, бироқ фақатгина иккитасида яъни Далварзин (25 га) ва Чуст (4 га) ёдгорликларида тўлақонли археологик тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифнинг бевосита иштирокида археологик қазилмалар чуст маданиятининг марказий шаҳри Далварзинда 2003-2005 йиллари олиб борилган. Ёдгорлик Андижон вилоятининг Жалақудук туманида жойлашган бўлиб, майдони 24 га ва замонавий ер сатҳидан 3-5 м баланд. Қўлга киритилган топилмаларни ўрганиш бизнинг “Далварзин шаҳри унинг барча фаол даврларида мунтазам кенгайиб ва таъмирланиб тургани” ҳақидаги фаразларимизни тасдиқлади (Абдуллаев, 2005; 2007).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида Далварзин шаҳри тарихий топографияси уч босқичдан иборат бўлганлиги аниқланди (Абдуллаев, 2007; Абдуллаев, 2010; Матбабаев, Абдуллаев, 2011). Одатда Чуст манзилгоҳлари табиий мудофааланган (бир томондан сув ҳавзаси бошқа тарафдан ботқоқликлар билан ўралиб, фақатгина бир томондан кириш имконини берадиган) дарё ёки сой дельталарида жойлашарди ва асосий мудофаа иншоотлари шу йўл устида туриши мантиқан тўғри эди. Далварзиндаги дастлабки манзилгоҳнинг ўтроқ аҳолиси Қорадарёни қадимги дельтасида жойлашган (Заднепровский, 1962. С. 11) ва бу анъана бошқа ёдгорликларда ҳам қўлланилган.

Биринчи босқичда 2 гектардан каттароқ майдон атрофи ўзаро боғлиқ уйлар билан айлана шаклида ўраб (Абдуллаев, 2005. С. 132), ташқи тазийқдан муҳофазаланган аҳоли деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан ҳаёт кечирганлар.¹ Кейинчалик бу қўрғон уйларининг ташқи деворлари йўналишида мудофаа деворлари билан ўралиб, бўлғуси шаҳар аркига (D-III)² айлантирилган. Аркнинг дарвозаси унинг жануби-шарқий қисмида, яъни шаҳарни “асосий яшаш” ҳудуди (D-I) билан боғланган. Аркнинг дарвозасидан унинг марказий майдонига қадар ер сатҳига уч қатор шағал тўшалган (Заднепровский, 1971. С. 401), бироқ унда диний марказ вазифасини ўташи мумкин бўлган маҳобатли бино қолдиқлари топилмаган.

Ўтроқ ҳаёт тарзи ва у билан боғлиқ хўжалик юритиш равнағи аҳолининг демографик ўсишига, ҳамда дастлабки қўрғон атрофида (асосан жануб ва жануби-шарқда) янги қўрғонларнинг³ пайдо бўлишига олиб келди. Натижада, қўшимча 18 гектар майдонда уй-жойлар қурилган. Қабилалраро уруш ҳавфи янги қўрғонларни ўз ичига олган мудофаа деворлари қад кўтарилишига олиб келди. Демак, иккинчи босқичда шаҳарнинг “асосий яшаш” қисмидаги мудофаа девори аркдан ташқаридаги янги қўрғон уйларининг ташқи деворлари йўналишида ўралган ва бу

ҳолат ўзининг археологик тасдиғини топган (Матбабаев, Пардаев, Абдуллаев, 2005. С. 66).

Узоқ муддат шаҳарнинг “хайвонлар сақлаш” қисми (D-II) ботқоқликлар билан химояланган, бироқ маълум давр ичида, тахминимизча, хўжалик юритиш фаолияти таъсири ва Қорадарёнинг шимол томонга табиий силжиши сабабли ботқоқликлар аста-секин қурий бошлаган, ҳамда кўчманчи қабилалар босқини ҳавфи ортганлиги туфайли учинчи босқичда бу ер ҳам асосан тупроқ уйими (лумбоз) ва қисман хом ғиштли мудофаа деворлари билан ўралган.

Тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

Шаҳар атрофи мудофаа деворлари (D-II қисмидан ташқари) ва аркнинг ички девори қурилиши аҳоли даҳа (квартал)ларининг ташқи деворлари йўналишига бўйсунган. Гарчи дастлабки кўрғон (кейинчалик арк) маълум режага асосланган бўлсада, Далварзиннинг қолган қисмлари дарё дельтасининг рельефи бўйлаб аҳолининг демографик ўсиши натижасида келиб чиқадиган зарурат туфайли кенгайганлиги сабабли шаҳар таснифи трапеция шаклига эга бўлган (расм 8);

Дастлабки ташқи мудофаа деворлари шаҳарнинг шимоли-ғарбий (D-III) қисмида фундаментсиз қад кўтарилган. Бу девор уч бор қайта таъмирланиб қурилган, ваҳоланки бу кўрсаткич D-II қисмининг шимолий девори учун – бир босқич ва D-I қисмининг шарқий девори учун – икки босқичга эга бўлган;

D-I қисмининг шарқий деворининг қад кўтарилишида турли қурилиш материаллари (пахса, хом ғишт ва гувала) ва қуриш услублар (фақат пахса ёки ғишт билан, уларнинг комбинацияси, лумбоз, жуфт ғишт деворлар оралиғини тупроқ ва қурилиш материалларининг синиқлари билан тўлдириш)дан фойдаланилган;

D-II қисмининг атрофи D-I ва D-III лардан кўра кечроқ мудофаа деворлари билан ўралган;

D-II қисмининг мудофаа деворлари лумбоз тупроқ асосида қурилишининг сабаби унинг уй хайвонлари сақлаш жойи ва дастлаб атрофи ботқоқликлардан иборат бўлган;

Шаҳарнинг фақатгина D-I ва D-III қисмлари учун умумий шимолий мудофаа деворида блокли пахсадан фойдаланилган;

Кейинги антик ва ўрта аср шаҳар ва кўрғонларининг муҳим қисмини ташкил қилган маҳобатли биноларнинг асоси бўлмиш тагкурси (платформа-стилобат) Фарғонада сўнги бронза даврида пайдо бўлган.

Чуст маданиятига доир яхши ўрганилган кичик шаҳарча ҳаробаси шу ном билан аталиб Наманган вилоятининг Чуст шаҳри ёнида жойлашган, майдони 4 га. Унинг ҳам уч томони сой ва ботқоқлик билан ўралган, фақат шимоли-ғарбида 1,5 га майдонда мудофаа тизими бўлган⁴.

Биздан олдинги тадқиқотчиларнинг (Спришевский, 1963; 1972) натижаларини танқидий ўрганиш асосида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

1) Чуст шаҳрининг асосий мудофаа иншоотлари ушбу маданиятнинг ривожланган даврида барпо қилинган;

2) Қурилишда пахса ва хом ғишдан фойдаланилган, бироқ лумбоз асосида деворлар топилмаган;

3) Қадимий меъморларнинг маҳаллий рельеф имкониятларидан тўла фойдаланишга интилиши туфайли мудофаа иншоотлари такомиллашиб борган;

4) Синиқ чизикли мудофаа девори бурилишларининг асосида манзилгоҳ рельефи турган, бироқ айнан шу тасодиф душманга ён томондан бериладиган зарбани кучайтирилишига олиб келган бўлиши мумкин ва айнан шу химоя услуги кейинчалик тўрт бурчакли буржларнинг яратилишига замин бўлгандир.

5) Диаметри 10-11 м бастсионсифат айлана иншоотнинг мавжудлиги кейинги даврларда шаҳар ва кўрғонларда кенг тарқалган дарвоза олди хоналари ва буржларининг Фарғона водийсида пайдо бўлишига асос бўлган;

Сўнг бронза даврида чуст маданиятида рўй бераётган урбанизацион жараёнлар бир томондан аҳолининг демографик ўсиши ва уларни хўжалик юритишининг асосини ташкил қилувчи деҳқончилик худудини кенгайтириб бориш зарурати билан боғлиқ бўлган. Бу жараёнларни ўрганган тадқиқотчининг фикрига кўра бу давр аҳолиси асосан дарёларнинг қадимги ўзанларидаги воҳаларда истиқомат қилганлар, чунки у давр суғориш технологияси имкониятлари бу ўзанлардан узоқлашмаган ҳолда деҳқончилик қилиш шароитини берган. Тадқиқот натижаларига кўра чуст маданияти ёдгорликлари Фарғона водийсининг шимоли-ғарбидан жануби-шарқигача узунлиги 230 км келадиган энли худудда жойлашган бўлиб, унда 15 та гуруҳ воҳалари ўзларининг марказий шаҳарлари билан мавжуд бўлганлиги аниқланган (Заднепровский, 1988. С. 120).

Улардан энг яхши ўрганилганларига Ғова-Косонсой (маркази Чуст 4 га ва жойлашган майдони – 1000 км²), Ўзган (Деҳқон 5 га, майдони – 250 км²) ва Қорасув (Хўжамбоғ 4 га, майдони – 300 км²) воҳалари киради. Воҳа ёдгорликларининг асосини майдони бир гектардан камроқ бўлган тепаликлар ташкил этган. Воҳа ва ёдгорликлар гуруҳларининг оралиғи 20-30 км ни ташкил этган. Ёдгорликлар сони, гарчи уларнинг жойлашиши катта худудни ўз ичига олсада, шимоли-ғарб томонга қараб сийраклашиб борган. Агар Қорасув воҳасида 12,5 кв. км га битта ёдгорлик (жами 24 та) тўғри келган бўлса, Ўзган воҳасида (жами 12 та) бу кўрсаткич 20 кв. км ни ва Ғова-Косонсойда (жами 12 та) 85 кв. км ни ташкил қилган (Заднепровский, 1981. С. 24-26). Бу ҳолат биринчи ўринда шу давр суғориш технологияси билан деҳқончилик қилишнинг чекланган имкониятлари билан боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан маданият маркази (Далварзин)дан узоқлашиш ва этник жиҳатидан яқин бўлмаган кўчманчи Қайроққум маданияти соҳиблари тахзийқи остида қолганликлари билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Илк шаҳарсозлик даврининг иккинчи босқичи фақатгина Эйлатон ёдгорлиги билан белгиланади. Гарчи водийнинг бошқа жойларидаги антик ва ўрта асрлар ёдгорликларининг қуйи қатламларида эйлатон даврига оид сопол наъмуналари аниқланган бўлсада шаҳар ёки кўрғон қолдиқлари топилмаган. Бу шаҳарнинг таснифига кўра баъзи тадқиқотчилар Эйлатон ёдгорлигини кўчманчи маданият соҳибларига тегишли деб изоҳлашади. Эйлатон маданияти иборасини фанга олиб кирган тадқиқотчи Ош вилоятидаги илк темир даври ёдгорликларини ўрганиш жараёнида, бу маданиятга оид қабр-кўрғонлардан бошқа манзилгоҳ топа олмагач, ўз хулосаларида эйлатон-шўрабошот иборасини қўллаган (Заднепровский, 1960. С. 169). Қулочоқ кўрғонини тўла ўрганиб чиққан бошқа тадқиқотчи фикрига кўра Шўрабошот маданияти соҳиблари маълум вақт Октом-Қўнғай (Эйлатонга яқин) маданияти вакиллари билан бирга умргузаронлик қилганлар (Гаврющенко, 1970. С. 19). Бу ҳолат эса бошқа тадқиқотчига Эйлатон ва Шўрабошот маданиятлари бир вақтда истиқомат қилишган (Иванов, 1999. С. 19), деб хулоса беришига асос бўлган. Охирги уч йил давомида Қўштепа-2 ёдгорлигида олиб борилган тадқиқот натижаларимиз ҳам бу икки маданият соҳиблари камида мил.авв. IV-III асрларда бирга мавжуд бўлганлигидан далолат бермоқда (Абдуллаев, 2016а. С. 11; 2016б. 60-бет). Ҳозирда Эйлатон маданиятидан фарқли Шўрабошот маданиятига оид шаҳар ва кўрғонлар сони 50 дан ортиқ (Заднепровский, 1994. С. 42).

Ҳозирда бу мунозараларга тўла изоҳ бериш алоҳида мақоланинг вазифаси, шу сабабли юқорида белгиланган йўналишда давом этамиз. Эйлатон харобаси

Андижон вилоятининг Избоскан туманида Қорадарёнинг қадимий ботқоқли этагида жойлашган. Дастлаб⁵ у тўрт бурчак буржлар билан кучайтирилган икки қатор мудофаа деворларига эга ҳолда сақланган бўлиб, ташқи шаҳар майдони 200 га ва ички шаҳар майдони 20 га бўлган. Эйлтон чуст маданияти шаҳарларидан фарқли параллелограм шаклида бўлган. Шаҳарнинг арк қисми бўлмаган.

Эйлтонда фойдаланилган қурилиш техникаси ва материаллари чуст маданияти меъморчилигидаги билан бир қатор ўхшашликларга эга:

Қурилишда гувала, хом ғишт (мудофаа деворлари) ва пахсадан (уй-жойлар) фойдаланилган;

Мудофаа иншоотлари лойдан қилинган пойдевор устига қурилган;

Ғиштлар чок бостириб урилган;

Мудофаа деворлари иккита параллел ҳолат уралган ғиштли девор (ташқи қисми теккис, ички қисми эса тартибсиз) нинг оралиғи одатда гувала ва хом ғишт парчаларини лойга қориштириб тўлдириш орқали бунёд этилган;

Маълумки эйлтонликлар чуст маданияти соҳиблари сингари асосан деҳқончилик билан шуғулланганлар. Шундай бўлсада бу маданиятлар шаҳарларининг ҳажм ва шаклида анчагина фарқлари бўлган. Бироқ эйлтонлик меморлар нафақат ўзидан олдинги маданият соҳиблари тажрибаларидан фойдаланганлар балки уларда шаклланаётган баъзи мудофаа тизимига доир ғоялар (буржлар)ни амалда қўллашган. Шу билан бирга эйлтонликлардаги режали мудофаа деворларининг қурилиши улар атрофида хандак қазилганидан далолат беради, чунки Ўрта Осиёдаги бошқа қадимий шаҳарлар тарихида ҳам бундай ўхшашлик бўлган (Воронина, 1964. С. 42).

Шундай қилиб, Чуст ва Эйлатон маданиятларини Фарғона илк шаҳарсозлик даври эволюциясининг икки босқичи деб аташга имкон беради. Уларда нафақат ўзига хослик ва умумийлик, балки ривожланишдаги кетма-кетлик аниқланган: 1) Далварзиндан фарқли Эйлатон шаҳри ягона муҳандислик режасига асосан барпоо этилган, бироқ унинг арк қисми бўлмаган. Эҳтимол бу сиёсий ҳаётда кўчманчилар мавқеи ортиб бошқарув улар қўлига ўтганлигидандир (Горбунова, 1984. С. 102); 2) Иккала босқич мудофаа деворлари монолит қилиб қурилган. Агарда Далварзинда асосан пахса ва қисман хом ғишрдан фойдаланилган бўлса, Чуст ва Эйлатонда асосан хом ғишрдан фойдаланилган. Иккала босқич шаҳар иншоотларида қисман гуваладан фойдаланилган. Бу эса маданиятларнинг кетма-кетлигидан далолат беради; 3) иккала босқичда ҳам тўғри тўрт бурчакли ва тамғаланган хом ғиштлардан фойдаланилган. Бироқ чуст маданияти соҳиблари хом ғиштларининг ҳажмлари орасида катта фарқ бўлиб (Далварзинда – 53-55x27-38x8-13 см, Чустда – 30-60x27-28x5-8 см), таркибига сомон қўшилмаган ва қирралари аниқ эди. Эйлатон хом ғиштли деярли бир хил ҳажмли (40-46x39-40x8-9 см), таркибида сомон бўлиб, қирралари аниқ чиқмаган ва шу сабабли улар кўпроқ эзилган гувалага ўхшарди; 4) Далварзин ва Эйлатон мудофаа деворларидаги ўхшашлик уларнинг кўшдевордан иборат бўлиб, унинг ичи қурилиш чикитлари (пахса ва хом ғишт парчалари)ни қалин лой билан қориштириб тўлдирилганлигидандур. Бундай мудофаа деворларни қуриш услуби сўнгги ўрта асрларгача сақланиб қолган; 5) тўрт бурчак буржларнинг шаклланиш жараёнини ҳам Далварзин, Чуст ва Эйлатон шаҳарлари мисолида кўришимиз мумкин. Далварзинда фақатгина дарвоза олдида деворнинг бўртиб чиққан жойи аниқланган бўлса, Чустда синиқ чизиқли айланма деворида келгуси тўрт бурчак буржлар кўриниши аниқланган. Ниҳоят, Эйлатонда тўрт бурчак буржлар мудофаа деворларининг таркибий қисмини ташкил қилган; 6) Чуст илк дарвозасининг ўнг томонида бастионсимон иншоот бўлган бўлса, Эйлатон

ички шахрининг шарқий дарвозаси икки томондан буржлар химоясида бўлган ва ўнг буржда дарвоза олди хонаси топилган.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштирсак, Фарғона шаҳарсозлиги сўнги бронза ва илк темир даврларида маълум тадрижий тараққиёт босқичларини ўтиб келгуси даврда мукаммал шаҳарларнинг вужудга келиши учун асос яратган. Гарчи бу даврларда шаҳарсозлик маданиятининг тамал тоши яратилган бўлсада, Фарғона водийсининг деярли барча худудларини қамраб олган урбанизацион жараёнлар антик даврда амалга оширилади.

Антик даври шаҳарсозлигининг тадрижий ривожига ҳақида 2000-2005, 2012-2016 йиллари ЎзР ФА Археология институти Андижон отряди Мингтепа⁶, Сарвонтепа, Чордона, Қўштепа-2 ёдгорликлари ва Оқтепа микроҳасида олиб борган казишма материаллари, ҳамда олдинги тадқиқотчилар (Бернштам, 1946; 1952; Заднепровский, 1960; 1962; 1985; Гаврющенко, 1970; Салтовская, 1971; Горбунова, 1977; 1983; 1984; 1985; 1987; 1991; 1994; Горбунова, Козенкова, 1974; Горбунова, Оболдуева, 1988; 2002; Абдулгазиева, 1988; Шигин, 1984) изланишлари натижалари маълумот беради.

Бу давр урбанизацияси катта тараққиётга эга бўлиб, уларнинг характерли хусусиятлари илк (мил.авв. IV-I асрлар) ва сўнги (I-IV асрлар) антик босқичларида ажралиб туради.

Илк босқич шаҳарсозлик маданияти тўғрисида Шўрабошот, Қорадарё ва Мингтепа шаҳарлари, Кулунчоқ ва Қўштепа-2 мудофаа кўрғонлари, ҳамда Хўжамбоғтепа ва Мирзоолимтепа ёдгорликларида қўлга киритилган маълумотлар орқали кўриш мумкин.

Шаҳарлар одатда тўрт бурчак шаклга эга бўлиб, атрофи буржлар билан кучайтирилган монолит мудофаа деворлари билан ўралган. Кўпинча шаҳар қуриш учун жойлар икки-уч томондан сой, ботқоқлик ёки жар кўринишидаги табиий химояга эга бўлган. Қолган жойда эса мудофаа деворлари қурилиши жараёнида уларнинг олд томонидан сунъий хандаклар барпо қилинган. Ҳарбий стратегик жихатидан шаҳарлар воҳага кириш-чиқиш йўлларини назорат қилиш имконини берувчи тепаликларга қурилган. Бунга ёрқин мисол қилиб Қорадарё шаҳрини олиш мумкин. Унинг арки тўрт бурчак шаклда бўлиб, ташқи деворлари қалинлиги 3 м эга, лекин улар буржлар ва камончилар шинаклари билан кучайтирилмаган (расм 24). Аркнинг шаҳар юзидан 10 м баландликда жойлашганлиги тадқиқотчиларга уни ҳуқумдор қароргоҳи деб белгилашга имкон берган (Заднепровский, 1960. С. 146). Гарчи камончилар шинаклари мил.авв. II асрда Мингтепада аниқланган бўлсада, Фарғона водийсида кўп тарқалишга улгурмаган.

Мил. авв. IV-I асрлар урбанизацияси тараққиёти бевосита мил.авв. I минг йилликнинг ўрталарида кенг кўламда водийда олиб борилган ирригация иншоотларини барпо этилиши билан боғлиқ (Береналиев, 1975. С. 154; Заднепровский, 1991. С. 192-195; Заднепровский, 1991. С. 195-196; Матбабаев, Машрабов, 2011. С. 68). Натижада, ҳар бир янги ирригация иншоотлари бўйларида ўнлаб манзилгоҳ ва кўрғонлар барпо этилган. Тадқиқотларимизга кўра (Абдуллаев, 2016а; 2016б) кучли мудофаага эга бўлган қалъалар каналлар бўйида ҳар 4-5 км.да қурилиб, уларга шу худудга зарур сув тақсимотини назорат ва мудофаа қилиш вазифаси юклатилган. Албатта, бундай кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бир томондан аҳолининг демографик ўсиши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан давлатчиликнинг равнақи билан белгиланган. Демак, Довон давлатининг шаклланиш даврини ҳам мил. авв. IV-III асрлар билан белгилаш ҳақиқатга яқинроқ. Тўғри, бу ҳақда яна бир фарғонашунос хитой манбаларида маълумот бўлганлигини

айтиб ўтган (Матбобоев, 2002. 10-бет), бироқ айнан қайси манбадалиги кўрсатилмаган.

Илк антик босқичи учун ёдгорликлар сони аниқ белгиланмаган. Айрим маълумотларда Шўрабошот маданиятига оид ёдгорликлар 50 дан ортиқ деб кўрсатилган бўлса, базиларида фақатгина Шахрихонсой бўйида 40 та ёдгорлик аниқлангани берилган. Ваҳоланки бу каби сув иншоотлари, у қадар катта узунликга эга бўлмасада, бир неча ўнлаб қурилганлиги аниқланган (Береналиев, 1975. С. 150).

Юқорида келтирилган ҳолат олдинги даврларда фақат табиат инъом этган катта бўлмаган воҳалардагина эмас, балки анча кенг ҳудудда деҳқончилик билан шуғулланиш имконини берган. Зеро, бу иншоотларнинг узунлиги бир неча 100 м дан 100 км. гача борган (Береналиев, 1975. С. 151-157; Матбабаев, Машрабов, 2011. С. 68). Бу эса ўз навбатида шаҳарсозлик кўламини кенгайтириб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни содир эттирган. Ўз ўрнида эса бу вазият эски воҳа мудрофаа тизимларини янада мураккаблаштириб, уларни ўзаро боғланишларини мустаҳкамлади. Фикримизча, бу даврларда шаҳарлар шаклланиши ҳам айнан воҳа мудрофа тизимларини такомиллаштириш орқали савдо йўлларининг ҳафсизлигини ошириш туфайли раванқ топган.

Аҳамиятлиси шундаки, бу даврнинг деярли барча сунъий суғориш иншоотлари асосан Шўрабошот маданиятига оид ёдгорликлари жойлашган ҳудудда аниқланган. Шу билан бирга Мингтепа ёдгорлигида асосан қизил ангобли сопол идиш парчалари топилганлиги⁷ Довон давлатининг шаклланишида бевосита Эйлатон маданияти соҳиблари ва кўчманчи қабилаларнинг иштирокини (Горбунова, 1984. С. 102) шубҳа остига қўймоқда, ёки у ҳали фанга номалум давлат асосида бунёд бўлганлигига ишора қилмоқда. Энг асосий хулосалардан бири шундаки, агар давлатчиликнинг шаклланиши бевосита кенг кўламда ирригация иншоотларини барпо қилиш билан боғланса, демак бу давлатнинг пойтахти ҳам водийнинг айнан шарқий қисмида бўлганлигидан далолат беради.

Ҳозирда, тадқиқотчилар томонидан бу давр ёдгорликлари Фарғона водийсининг энг кўп ўзлаштирилган шарқий қисмини эгаллаганлиги такидланади. Бу ерда хитой солномалари (Шицзи)га кўра 70 шаҳар бўлиб, давлат сарҳадларида 300000 кишилик аҳоли истикомат қилган (Бичурин, 1950. С. 149, 186). Водийнинг антик даври учун 1000 ортиқ ёдгорлик аниқланган (Заднепровский, 1985. С. 306). Энди ҳар бир шаҳарга 10 тагача қишлоқ ёки алоҳида уй хўжалиги тўғри келишини инобатга олсак, шу давр учун 700-800 ёдгорлик бўлган дейиш мумкин. Яъни тадқиқотлар натижасида бутун антик даври учун аниқланган ёдгорликларнинг $\frac{4}{3}$ қисмига тенг бўлади. Яъни илк антик босқичида урбанизацион жараёнлар кенг кўламда олиб борилганлиги ва қай даражада шаҳарсозлик ривожланганлигини тасаввур қилиш мумкин. Бу давр учун иқтисодий-сиёсий марказ сифатида майдони кўламига кўра энг йириги саналмиш Шўрабошот (70 га) ва Мингтепа (42 га) шаҳарларини келтириш мумкин.

Антик даврининг иккинчи босқичи (I-IV асрлар) Фарғона урбанизацияси тарихида алоҳида ўринга эга. Дарё ва каналларнинг бошларидаги сув тақсимлаш иншоотлари маҳсус қалъа-қўрғонларнинг барпо этилиб, улар деярли сўнгги ўрта асрларгача ўз фаолиятларини тўхтатмаган. Археологик тадқиқотларда асосан I-IV асрларга оид иншоотлар қолдиқлари аниқланган (Давидович, 1966; Шигин, 1984), бироқ мантиқан уларнинг шаклланиши мил.авв. IV-I асрларда бошланган дейиш тўғрироқ. Шу билан айнан иккинчи босқичга оид 300 дан ортиқ⁸ ёдгорлик аниқланганлиги ҳисобга олинса, Довон давлатининг аҳолиси ҳам бир неча бор кўпайганлигини қайд қилиш мумкин.

Бу босқич учун шаҳарларнинг деярли барча асосий элементлари топилган: кучли химояланган арк; камончилар галереяси (шинак) ва буржлар билан кучайтирилган мудофаа деворлари; дарвоза олди мудофаа иншоотлари; ташқи девор олдида хандаклар; воҳадан тоғларгача уланиб борган “сигнал” буржлари (Абдуллаев, 2004. С. 47). Бу давр ёдгорликларидан энг мукаммал ўрганилганлари Мингтепа, Каламиштепа, Сартепа, Косон ва Окбура шаҳарлари, Биловуртепа, Арктепа, Ашт, Куюктепа ва Кўштепа-2 қўрғонлари, Каркидон воҳаси комплекси, ҳамда Оролтепа кичик қўрғонларидир. Уларнинг кўпчилигини бирлаштирувчи жихат – арklarининг хоч (крест) симон режа асосида қурилишидир. Антик даврининг иккинчи босқичи биринчисидан фарқли қўшимча мудофаа элементлари пайдо бўлиши билан бирга арklar режаси мураккаблашади, бироқ улар кичик қўринишга эга бўлган. Масалан, водийда ўрганилганлар ичида энг каттаси хисобланган Мингтепа арки хажми Ўрта Осиёдаги бошқа йирик ва пойтахт шаҳарлар (Тупроққалъа, Афросиёб, Далварзин, Эски Термиз Канка ва б.) аркидан 3-5 баровбар кичик бўлган (Абдуллаев, 2006).

Фарғона шаҳарсозлигида бошқа тарихий-маданий регионлардаги сингари диний дунёқараш ва унинг айрим меъзонлари катта ўрин эгаллаган. Тадқиқотларимизга кўра, сўнги бронза давридан антик давр якунига қадар шаҳарсозлик маданиятида бино ва иншоотларнинг шакллари (таснифи) маълум диний меъзонлар билан боғлиқ бўлган. Бу асосан иншоотларнинг айлана ва квадрат (тўрт бурчак) шакллари орқали қадимий меъморлар диний дунёқарашнинг негизи бўлган осмон ва ер сиймоларининг ўзаро таъсири ва боғлиқлигини беришга ҳаракат қилинган. Бу шакллар дастлаб Евроосиёнинг Ўролдан Енисей дарёсига қадар кенг ҳудудда истиқомат қилган Андроново маданиятига оид қабр-қўрғон иншоотлари ва айлана шаҳарларида аниқланган (Абдуллаев, 2013). Андроново маданиятининг дунёқарашининг асосини ташкил қилган айлана ва квадрат феномени Тожикистоннинг Бишкент водийсидаги Тулхор қабр-қўрғони (мил. авв. XIII-X асрлар) очилганда эркаклар майити олдида квадрат ва аёллар майити олдида айлана алтар, лекин улар бирга дафн қилинсалар алтарлар ҳам икки хил бўлганлиги қайд қилинган. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра қўшқабрларда алтарлар ўрнига тош плиталаридан дунё чархпалаги тимсолини берувчи хоч (свастика) рамзи қўйиларди (Берентъес, 1981. С. 8). Бироқ бошқа тадқиқотчи хочни қуёш тимсоли, деб тақдирлаган (Мандельштам, 1968. С. 106-107). Шундай қилиб, айлана ва квадрат шакллари Андроново маданияти соҳиблари учун коинотнинг ўзига хос модели бўлган, ҳамда улар фалакнинг марказий ўқи хисобланиб, борлиқ унинг атрофида айланган (Зданович, 2003. С. 7).

Бу рамзлар Ўрта Осиёнинг кўплаб иншоотларида ўз аксини топган. Масалан: Қўйқирилган қалъа, Хатра ёки Ктесифон. Сосонийлар даврида оташпарастрларнинг айлана шаклидаги иншооти “дунё маркази” саналиб, бутун дунё ҳокимияти тимсолини англатарди (Берентъес, 1981. С. 14).

Фарғона учун Далварзин шаҳрининг арки айлана режасига эга бўлган. Гарчи водийнинг сўнги бронза даврдаги аҳолиси келиб чиқиши ва маданиятига кўра турли бўлишига қарамай шаҳарлар режасининг айланадан квадратга ўтиши Андроново маданиятидага шундай жараёнлар билан ўхшаш бўлган (Абдуллаев, 2010. С. 65-66).

Антик даврида водий шаҳарсозлигида Бишкент ёдгорлигидагидек айланани квадратга жойлаштириш тимсолини берувчи “соляр” (қуёш) рамздан фойдаланилган. Бунга Биловуртепа-2, Арктепа ёдгорликларини мисол қилиб олишимиз мумкин. Албатта, бундай режали иншоотлар кам учрайди, бироқ

манзилгоҳларнинг умумий планировкасида айлана ва квадрат комбинацияларига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, сўнгги антик даврига оид Андижон вилоятидаги Октепа микровоҳасини тадқиқоти натижаларига кўра, 300 гектардан кўпроқ худудда 20 та ёдгорлик аниқланган. Уларнинг марказидаги Юмалоктепа (диаметри 70 м) айлана шаклида бўлиб, атрофидаги тепаликлар тўрт бурчак шаклига эга бўлган. Марказий Юмалоктепа ҳали тўла ўрганилмагани учун унда ҳам хочсимон тасниф бор, деб таъкидлаш қийин, бироқ воҳа иншоотлари қурилишида қадимий диний тасаввурларга асосланган коинот модели қурилган бўлса ажаб эмас.

Хулоса қилиб айтганда, шаҳарларнинг таснифи ва маҳобати шаклланишига водийнинг қадимги аҳолиси онг-шууридаги диний қадриятлар қанчалик таъсир кўрсатганлигидан далолат берган, ҳамда бу ҳолат сўнгги бронза давридан сўнгги антик давригача ўрганилган ёдголикларда кузатиш мумкин. Кейинги илк ўрта асрлар даврида зардуштийлик дини кенг тарқалган бўлиб, ундаги меъморий иншоотлар ўзига хос ва олдингилардан фарқли бўлган. Бу давр иншоотлари ҳам бевосита диний қарашларга асосланганлиги аниқланган, бироқ бу бошқа мақола мавзусидир.

Изоҳлар

- ¹ Бир-бирига зичлаб қурилган уйлардан айлана шаклида кўрғонлар барпо қилиш Яқин Шарқнинг протоурбанизация даврига оид ўтrockлашаётган кўчманчиларда аниқланган (батафсилроқ қarang: Абдуллаев, 2010а; 2010б; Abdoollayev, 2010).
- ² Шаҳар қисмлари уларнинг очилиш вақтида унинг тадқиқотчиси Ю.А. Заднепровский томонидан белгиланган, шу сабабли, улар ўзгартирилмаган ҳолда келтирилмоқда.
- ³ Бу ерда уйлар эмас, айнан кўрғон иборасини ишлатишимизга сабаб шундаки D-I яъни шаҳарнинг “асосий яшаш” қисмининг жануб томони замонавий қабристонга айлантирилган ва 2004 йили дала тадқиқот ишлари вақтида янги қабр очилаётганда эни 1,2 метрдан қалинроқ пахса девор аниқланган бўлиб, фикримизча қадимда у Чуст маданиятига мансуб қабила уруғига тегишли кўрғон девори бўлган.
- ⁴ Бу мудрофаа тизими ҳақида куйидаги адабиётларда батафсил маълумот берилган: Абдуллаев, 2006; 2007; Матбабаев, Абдуллаев, 2011.
- ⁵ Ҳозирги кунда Эйлтон ички шаҳрининг шарқий ва ғарбий деворлари сақланган (Абдуллаев, 2014. С. 243).
- ⁶ 2012-2016 йй. Ўзбек-Хитой халқаро археологик экспедицияси олиб борилган.
- ⁷ Қизил ангобли идишлар фақат Шўрабошот маданиятига оид ва Эйлтонда учрамайди (Заднепровский, 1960а. С. 42; Горбунова, 1977. С. 53).
- ⁸ Тадқиқот натижаларига кўра, фақат Андижон вилоятида антик даврининг иккинчи босқичида 240 ёдгорлик аниқланган (Абдулгазиева, 1995. С. 46).

Фойдаланилган адабиёт

- Абдулгазиева Б.* Восточная Фергана в древности и раннем средневековье // Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Самарканд, 1988.
- Абдулгазиева Б.* Исследования поселения Чордонатепа // ИМКУ. Ташкент, 1991. Вып. 25.
- Абдулгазиева Б.* Керамика гончаров поселения Камолтепа // ОНУ. Ташкент, 1995. № 5-8.
- Абдуллаев Б.М.* Некоторые итоги изучения фортификации Ферганы // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. Ташкент, 2005.
- Абдуллаев Б.М.* Цитадели в оборонительной системе древней Ферганы // Вестник МИЦАИ. № 3. 2006.
- Абдуллаев Б.М.* Возникновение и этапы развития фортификации Ферганы в древности и средневековье // Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Самарканд, 2007.
- Абдуллаев Б.М.* Қадимги Фарғона мудрофаа иншоотларида кўчманчилар маданияти излари // Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти аънаналари. Тошкент, 4-5. 10. 2010б.
- Абдуллаев Б.М.* Об элементах кочевой культуры в фортификационных сооружениях Ферганы // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Самарканд -Ташкент, 2010а.

- Абдуллаев Б.М.** Архитектурные формы градостроительства древней Ферганы // Археология Узбекистана. 2013. № 2.
- Абдуллаев Б.М.** Некоторые итоги раскопок 2014-2015 гг. на памятнике Коштепа-2 // Археология Узбекистана. 2016. № 1.
- Абдуллаев Б.М.** Отчет о раскопках на памятнике Коштепа-2 в Андижанской области // Архив фонда ИА АН РУз. Ф.8. О.1. Д. 201. Самарканд, 1916а.
- Абдуллаев Б.М.** Фарғона водийси антик ва илк ўрта асрлар даврида урбанизация жараёнлари // Уструшона Буюк ипак йўлида, унинг минтақалараро сиёсий-иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантиришдаги ўрни. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Гулистон, 15-16. 03. 2016б.
- Воронина В.Л.** Из истории среднеазиатской фортификации // СА. 1964. № 2.
- Гаврюшенко П.П.** Кулунчакское укрепленное поселение // Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1970.
- Горбунова Н.Г.** Кугайско-Карабулакская культура Ферганы // СА. М., 1983. № 3.
- Горбунова Н.Г.** Некоторые особенности формирования древних культур Ферганы // АСГЭ. 1984. № 24.
- Горбунова Н.Г.** Памятники Керкидонской группы в Южной Фергане // АСГЭ. М., 1985. Вып. 26.
- Горбунова Н.Г.** Памятники Керкидонской группы в Южной Фергане // АСГЭ. М., 1987. Вып. 28.
- Горбунова Н.Г.** Поселение Арк-тепе в южной Фергане // РА. М., 1994. № 4.
- Горбунова Н.Г.** Поселения Ферганы первых веков нашей эры (некоторые итоги исследования) // СА. М., 1977. № 3.
- Горбунова Н.Г.** Строительная техника древней Ферганы // Древние памятники культуры на территории СССР. Л., 1991.
- Горбунова Н.Г., Козенкова В.И.** Поселение Сым-тепа // АСГЭ. М., 1974. Вып. 16.
- Горбунова Н.Г., Оболдуева Т.Г.** Городище Каламыш-тепе в Фергане // Судьба ученого. К 100-летию со дня рождения Бориса Александровича Латынина. С-Пб., 2002.
- Горбунова Н.Г., Оболдуева Т.Г.** Поселение Арал-тепе в Фергане // АСГЭ. М., 1988. Вып. 29.
- Давидович Е.А.** Раскопки замка Калаи-боло // МИА. М., 1954. № 66.
- Заднепровский Ю.А.** Археологические памятники южных районов Ошской области. Фрунзе, 1960.
- Заднепровский Ю.А.** Городище Эйлатан: К вопросу о датировке памятника // СА. 1960а. № 3.
- Заднепровский Ю.А.** Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. М., 1962. № 118
- Заднепровский Ю.А.** Раскопки на Дальверзинском поселении // АО 1970. М., 1971.
- Заднепровский Ю.А.** Городище Биловур-тепе // КСИА. М., 1985. Вып. 184.
- Заднепровский Ю.А.** Динамика развития оседлоземледельческой культуры Ферганы // Аральский кризис (историко-географическая ретроспектива). М., 1991.
- Заднепровский Ю.А.** Ошское поселение: к истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. Бишкек: Мураб, 1997.
- Зоны и этапы урбанизации.** Тезисы докладов региональной конференции. Наманган, 1989.
- Матбабаев Б.Х., Пардаев М.Х., Абдуллаев Б.М.** Новое об оборонительных стенах городища Дальверзин // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. Ташкент, 2005.
- Матбабаев Б.Х., Абдуллаев Б.М.** Оборонительные сооружения древней Ферганы. Ташкент, 2011.
- Матбабаев Б.Х., Маширабов З.З.** Древний и средневековый Андижан. Ташкент, 2011.
- Матбобоев Б.Х.** Қадимги Фарғонада илк давлатчилик излари // О'zbekiston tarixi. Toshkent, 2002. № 1.
- Нильсен В.А.** Становление феодальной архитектуры Средней Азии в V-VIII вв. Ташкент, 1966.
- Рузанов В.Д.** Еще раз о хронологии чувствской культуры Ферганы // РА. 1999. № 4.
- Салтовская Е.Д.** Северо-западная Фергана в древности и раннем средневековье // Автореф. дис. ... канд. ист. наук. Душанбе, 1971.
- Толстов С.П.** Древний Хорезм. М., 1948. С. 195; Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Ташкент-Самарканд, 2000.
- Шигин А.Е.** Сары-Курган – крепость в Фергане // СА. М., 1984. № 1.

УДК: 902 (903.2)

АРАБЛАР БОСҚИНИ ВА СУҒД-ТУРК ЗОДОГОНЛАРНИНГ ТАҚДИРИ

© 2016. А. Анарбаев

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг тарихий-маданий вилоятлари, Суғд, Тошкент, Фарғона, Хитой, Силла, Корея, аристократия, араб босқини

Как известно, начиная с первых веков нашей эры, торговцы из таких историко-культурных областей как Согд, Ташкент и Фергана занимались торговлей в нескольких городах Китая. Накануне арабского нашествия эти торговцы торговали почти во всех городах Китая и Силы. В частности, торговцы из Узбекистана торговали, примерно, в 30 городах Китая. В особенности, они имели свои крупные кварталы в таких столичных городах Китая как Чанъан, Луоянг и столице Силы Кенчжу. С наступлением арабов многие знатные семьи самаркандцев, бухарцев, уструшанцев, ташкентцев и ферганцев нашли убежище в городах Китая и Силы. Некоторые личности, вышедшие из среды этого населения как Ан Лушан сыграли важную роль в политической и экономической жизни Китая и Силлы. По нашему мнению, вышеописанные статуи, видимо, были установлены великим личностям – выходцам из историко-культурных областей Узбекистана в знак благодарности за службу государству Силла и Китайской Империи.

THE ARABIC INVASION AND FATE OF THE TURKO-SOGHDIAN NOBLEMEN

A.A. Anarbayev

It is known, that beginning from the first centuries CE the traders originated from such historical-cultural regions as Soghd, Tashkent and Ferghana were engaged in trade in several towns of China. On the eve of the Arabic invasion these traders were present in most of the towns of China and Silla. In particular, the traders from Uzbekistan were occupied in trade in approximately 30 towns of China. Specifically, they had large neighborhoods in the capital towns of China such as Changan and Luoyang as well as in Kenchju, the capital of Silla. With the invasion of the Arabs the noble families from Samarkand, Bukhara, Ustrushana, Tashkent and Ferghana found refuge in the towns of China and Silla. Some persons, originated from this population like An Lushan had played an important role in the political and economic life of China and Silla. We think that the abovementioned monuments, perhaps, were put for great persons originated from the historical-cultural regions of Uzbekistan as a sign of gratitude for the service they have provided to the State of Silla and the Chinese Empire.

Араблар босқини арафасида Ўзбекистон худудида Суғд, Чоч, Фарғона ва бошқа бир неча конфедратив давлатлар мавжуд бўлиб, сиёсий жихатдан Турк ҳоконлиги тасаруфида бўлса ҳам, лекин улар амалда мустақил сиёсат олиб борганлар. Хусусан, бу нарса Афрсиёбнинг 3 чи девори ичидан топиб ўрганилган Суғд подшоси Вархуман саройларидан бирининг деворий суратларида ўз аксини топган. Аниқроқ қилиб айтганда, элчиларни қабул қилиш маросими акс этган ғарбий деворда, подшо Вархуманнинг улуғворлиги ва у Турк ҳоконлиги химоясида эканлиги ифодаланган (1-расм). Сиёсий ҳаётда давлатни ҳукмдор (подшо) бошқарган. Унинг ички ва ташқи сиёсати “Оқсоқоллар кенгаши” томонидан доимий назоратда бўлган. Агар ҳукмдор ички ва ташқи сиёсатда қонун меъёрларини бузса, унда уни Оқсоқоллар кенгаши томонидан ҳокимиятдан четлаштирилган (Анарбаев, 2013. С. 487).

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ҳам Ўрта Осиёнинг ҳамма худудларида бири-бирига ўхшаш бўлган. Ижтимоий табақаланишда юқори ҳукмдор қатлами бир ҳил бўлмаган. Уларнинг энг юқори ҳукмдор қатламининг келиб чиқиши юечжиларга бориб тақалади. Ундан кейин йирик ер эгалари—деҳқонлар, сўнг ўрта ҳол ер эгалари - иккинчи даражали деҳқонлар турган. Муғ тоғидан топилган ҳужжатлар ичида А 9 ҳужжатида бой ва савдогар, оддий халқ ва ибодатхона хизматкорлари тилга олинган (Лившиц, 1962. С. 95-100). Бундай фарқланишни Панжикент деворий расмларида ҳам кўришимиз мумкин (Беленицкий, 1973. Живопись: 1- 35). Шахсий мулк давлат томонидан ҳимоя қилинган.

Ўзбекистоннинг Марказий ва шимолий-шарқий худудларида яшаган халқ икки тилда, суғд ва туркийда гаплашган. Ҳамма жойда диний толерантлик ҳукм сурган. Уларлар орасида ўзаро қиз олиб, қиз бериш кундалик ҳаёт тарзига айланган. Бу борада Муғ тоғидан топилган археологик ашёлар орасида никоҳ шартномаси ҳақидаги ҳужжат (док. № 3-4) диққатга сазовордир. Унда турк йигити Уттегин ва суғд қизи Чатта орасидаги оилавий қонунга асосланган мажбуриятлар ўз аксини топган (Лившиц, 1962. С. 17-45). Шартнома тенг ҳуқуқлилик ва оилавий қонун нормалари асосида тузилган.

Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу даврда шаҳар аҳолисининг асосий қисмини бой-бадавлат деҳқонлар ва савдогарлар ташкил қилган. Шаҳардаги йирик ер эгаси деҳқон ёки бой савдогарнинг турар жойи икки қаватли бўлиб, камида 17-19 хонадан иборат бўлган (Распопова, 1990. С. 75-90, рис: 16-25). Бундай турар жойлар ўзининг монументал кўриниши ва ички жиҳози билан ҳукмдор саройидан қолишмаган. Ҳатто қишлоқларда ҳам ўзига тўқ ер эгалари - ўрта ҳол деҳқонлар шаҳардаги ҳашаматли уйларга ўхшатиб турар жойлар қуришган. Бу даврда шаҳар ҳаёт тарзи жамият тараққиётининг асосий мезонига айланади. Шунинг учун Хитой манабаларида баъзи бир қишлоқлар ҳам шаҳарлар қаторига киритилган. "Таншу"да милодий эранинг VII асри ўрталарида Фарғонада 6 та йирик ва 100 га яқин кичик шаҳарлар борлиги тилга олинади (Бичурин, 1950. Том II. С. 319).

Суғд, Уструшона, Чоч ва Фарғонада дарё ва сой ҳавзаларидаги унумдор ерларнинг асосий қисми ўзлаштирилиб, суғориб деҳқончилик қилинган. Минглаб гектар ерларга хилма-хил қишлоқ хўжалик экинлари экилган, бир неча юзлаб гектар ерларда боғлар ташкил қилинган. Қишлоқ хўжалигида, асосан, бошоқли ўсимликлар ва пахта экилган. Боғдорчиликда ширин-шакар мевалар етиштирилган. Масалан, Фарғонада узумчилик ривожланган бўлиб, баъзи-бир оилалар ундан бир неча тонна вино тайёрлаб, узок йиллар сақлаш сирини яхши билишган (Бичурин, 1950. Том II. С. 161). Маҳаллий ҳунармандлар оддий уй рўзғор буюмларидан тортиб то Хитой ипак матоларидан қолишмайдиган хилма-хил матолар тайёрлай олган.

Бу даврда ички ва ташқи савдо ҳар томонлама ривожланади. Суғд-турк савдогарлари Буюк ипак йўлида Шарқ билан Ғарбни боғловчи асосий кучга, суғд тили эса ўзаро мулоқот тилига айланади. Хитой қадимда бутун дунёга копмас, порох, ипак матолар ва қоғоз етказиб бергани ҳаммага маълум. Хитой ҳам атроф давлатлардан ўзига зарур бўлган товарларни олган. Хусусан, Фарғонадан Хитойга самовий тулпорлар, узум ва узум маҳсулотлари ва пахта экспорт қилинган. Самарқанддан эса саноат маҳсулотлари билан бирга мевалар ҳам экспорт қилинган. Хитой манбаларида Самарқанднинг олтиндек товланиб турадиган шафтолилари ва уларни Хитой императори саройига юборилиши ҳақида маълумотлар бор (Шефер, 1981. С. 161-163). Натижада, Ўзбекистон худудидаги шаҳар ва қишлоқлар ҳар

томонлама ривожланади. Бундай тараққиётнинг асосий омили тинчлик, барқарорлик ва жамиятдаги қонуннинг устворлигидир.

Шундай бир даврда, VIII асрнинг бошларида Форс ва Хуросон кучларини ўз армияси сафига бирлаштирган араблар Мовароуннаҳр ерларига бостириб киради. Ўзига нисбатан бир неча баробар кучли душманга тенг кела олмай маҳаллий давлатлар бирин-кетин мағлубиятга учрай бошлайди. Қутайба бошлиқ араб аскарлари шаҳар ва қишлоқларни талаб, ибодатхоналарга ўт қўяди. У ердаги бойликларга эга чиқиб, китоблар ва хужжатларни йўқ қиладилар. Араблар бой - бадавлат оилаларни уйларида қувиб чиқиб, уларнинг турар жойларини ўзиники қилиб олади. Масалан, Қутайба Самарқандни эгаллагач, подшо Ғуракдан (Ғурак) ўз саройини арабларга топшириб, шаҳардан чиқиб кетишини талаб қилади (Смирнова, 1970. С. 207). Савдогарлар шаҳри Пойкендни олганда, араблар саркардаси Қутайба, у ердаги бойликни кўриб, бундай бойликни Халифалик хазинаси Бағдодда ҳам кўрмаганлигини айтади. Пойкендлик бадавлат оилалардан бўлган Хина Қутайбага ўзи ва оиласи озодлиги учун 1 млн. дирҳам таклиф қилади. Араблар томонидан олиб борилган босқинчилик сиёсати авж олган шароитда маҳаллий халқларнинг маълум бир қисми хорижий давлатлар ҳудудида бошпана топишга мажбур бўладилар. Айниқса, чет эл билан яқиндан алоқада бўлган бадавлат деҳқонлар ва бой савдогарлар бу ишни уддасидан тезроқ чиқадилар.

Маълумки, Хитойнинг бир неча шаҳарлари ва Силла (Қурия) давлати пойтахти Кенҷжуда суғд-турк савдогарларининг қароргоҳлари бўлган. Шунинг учун араблар босқини даврида суғд-турк аристократларининг маълум бир қисми биринчи навбатда Хитой ва Силла давлатларида доимий бошпана топадилар. Улардан баъзилари, кейинчалик Хитой императори ва Силла қироли хизматида бўлиб, алоҳида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган бўлиши мумкин. Бунга Силланинг 38 ва 42 қироллари қабри олдидан топилган ҳайкаллар ичида суғд ва турк аристократ вакилларига тегишли ҳайкалларнинг мавжудлиги гувоҳлик беради.

Силланинг 38 қироли Wonseog (785-798гг) қабри олдидан топилган 4 та гранитдан тайёрланган ҳайкалнинг 2 таси (2-расм; 3-расм) Ўрта Осиёлик этник гурпуга тегишли (Anarbaev, 2013a. P. 5-6, 11-14; Anarbaev, 2015. P. 2013-2014). Уларнинг бири қирол мазорига қараганда ўнг томонда, иккинчиси чап томонда. Ўнг томондаги ҳайкал соқолли эркак киши бўлиб, бошини чап томонга бироз буриб турибди (2-расм). Антропологик нуқтаи-назардан юзи европоид қиёфада. У чап қўлида ҳассага ўхшаш предметни ушлаб, ўнг қўлини мушт қилган ҳолда букиб, кўкрагига қўйиб турибди (2-расм; 4-расм). Бош кийимсиз, сочи орқага таралиб, махсус лента билан пешонасидан олиб, орқага бойланган. Лентанинг икки учи орқада сочга ўхшаб осилиб, елкасига тушиб турибди (5-расм). Устидаги кийими узун, товонигача етган, икки томони оёғини тепа қисмидан то пастигача кесилган, очиқ. Белида чарм камар, унга ўнг томондан думалоқ кўринишдаги ҳамён, чап томондан чарм лента осилган. Ҳайкал устидаги костюм комплексига ички кўйлак, шим ва этик ҳам киради.

Иккинчи ҳайкал ҳам соқолли эркак киши, бош кийимсиз европеоид қиёфада бўлиб, биринчи ҳайкалдан фарқи, боши ўнг томонга бироз бурилган (3-расм). Соқоли биринчи ҳайкалникидан узунроқ. Ўнг қўлида ҳассага ўхшаш предметни ушлаб, чап қўлини мушт қилган ҳолда букиб, кўкрагига қўйиб турибди. Белида чарм камар-белбоғ. Бу ерда, биринчи ҳайкалдан фарқ қилган ҳолда, ҳамён камар-белбоғнинг чап томонига осилган, ўнг томонда чарм лента осилиб турибди. Ҳайкалнинг қолган атрибутлари биринчи ҳайкалникига ўхшаш.

Ушбу костюмга ўхшаш кийимлар Суғд, Бактрия ва Хоразмда милоддан аввалги I -милодий эранинг III асрларда кенг тарқалган. Кушон подшоларининг устида ҳам

шундай костюмларни кўриш мумкин. Айниқса, VI-VII асрларга мансуб Панжикент (Беленицкий, 1973. С. 15-16, рис. 21) ва Афросиёб (Альбаум, 1975. С. 21, рис. 4: 2-4, 27) деворий расмларда бунга ўхшаш костюмлар кўп учрайди. Қиёсий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Костюмнинг тикилиши ва умумий кўринишида юз- икки юз йил ичида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмайди. Лекин, костюм комплексидаги предметларда баъзи бир ўзгаришларни кўрса бўлади. Масалан, VI-VII асрни бошларига мансуб Панжикент деворий расмларда белбоғдаги ҳамённинг асосий қисми тўртбурчак, фақат биргина суръатда ҳамённинг таг қисми ярим думалоқ кўринишда тасвирланган, холос. VII асрнинг ўрталари ва унинг иккинчи ярмига оид Афросиёб деворий расмларидаги ҳамёнларнинг асосий қисми думалоқ кўринишда тасвирланган. Фақат икки расмда ҳамён тўртбурчак кўринишда тасвирланган.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, костюмлардаги сезиларли ўзгаришлар VII асрнинг ўрталарига тўғри келади ва шу кўринишда араблар босқини давригача етиб келади. Ўзга юртларда бошпана топган Мовароуннаҳрлик бой-бадавлат оилалар ўз урф одати, кундалик турмуш тарзи ва усти-бошини сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Демак, Силла давлати 38-қиролининг қабри олдида топилган икки ҳайкалнинг антопологик қиёфаси ва усти бошини ҳар томонлама қиёсий изоҳлаб, қуйидаги хулосага келиш мумкин: биринчидан, ушбу ҳайкаллар суғдийларга тегишлилиги аниқ; иккинчидан, ҳайкаллар VII асрнинг иккинчи ярми ёки араблар босқини даврида Силлага бориб қолган суғдийлар вакилларига бағишлаб ўрнатилган бўлиши мумкин.

Иккинчи объект - бу Силланинг 42 қиролининг қабри ва унинг олдидаги ҳайкаллар комплекси ҳисобланади. Қирол Neungdeok 826-836 йилларда хукмронлик қилган. Унинг қабри Кёнчжу шаҳрининг ёнида жойлашган. Қирол қабрининг олдида гранитдан ясалган 4 та ҳайкал сақланган бўлиб, ундан 2-таси ҳақида тўхталамиз. Ҳайкаллар одам бўйидан баланд бўлиб, юқорида тилга олинган ҳайкалларга ўхшаш стилда ясалган (6-расм; 7-расм). Қирол қабрига қараганда ўнг томондаги ҳайкал (6-расм), аввалги ҳайкаллардан фарқи, соқол-муйлаби олинган. Устидаги кастюми аввалги ҳайкаллардаги кастюмларга ўхшаб ҳайкалнинг товонигача тушиб турибди, икки ёни кесилган-очик. Енглари шимарилган. Чап кўлида хассага ўхшаш предметни ушлаган. Ўнг кўлини мушт қилиб, кукрагида ушлаб турибди. Бош кейими йўқ, сочи орқага таралган бўлиб, маҳсус лента билан пешонасидан олиб, орқасига гул банд кўринишида тугилган. Лентанинг икки учи ўрилган икки соч кўринишида орқасида белигача осилиб турибди (8-расм). Ҳайкалнинг белида камар-белбоғ. Ўнг томонда ханжар осилган, чап томонда эса думалоқ кўринишда ҳамён ва лентасимон предмет осилган. Ҳайкалнинг оёғидаги этикка шимнинг пастки қисми киргизилган.

Чап томондаги ҳайкал ҳам биринчи ҳайкал стилида ясалган (7-расм). Эғнидаги кийими - костюми ва бошини лента билан боғланиши бир ҳил. Лекин, бу ерда ҳассасимон предмет ҳайкалнинг ўнг кўлида. Чап кўлида эса қандайдир нарсани ушлаган ҳолда эгиб, кўкрагида ушлаб турибди. Белида камар-белбоғ, унга чап томонда ханжар, ўнг томонда думалоқ кўринишда ҳамён ва лентасимон предмет осилган.

Таҳлилий тадқиқотнинг натижасига қараганда, ўнг томондаги ҳайкалнинг юзи оз бўлсада кенгроқ, бурни ҳам нисбатан кенг. Чап томондаги ҳайкалнинг бурни қирралироқ бўлиб, юзининг кўринишидан ёшроққа ўхшайди. Ҳайкалларнинг антропологик қиёфаси европоид ирқинининг икки дарё оралиғи типига мансуб бўлиб, этник жиҳатдан туркийдир.



1-расм



2-расм



3-расм

Хитойнинг Шанси вилояти пойтахти Сиань халқаро аэропорти яқинидаги Тан династияси даврига (аниқроғи VII асрнинг иккинчи ярми—VIII асрни бошлари) оид мавзолейда олиб борилган археологик қазилмаларда ҳам тошдан ясалган ҳайкаллар топилган. Бу ҳайкаллар тўлиқ сақланмаган (9-расм; 10-расм). Бу ерда ҳам юқорида тилга олинган белбоғ ва унга осилган ҳамённи кўриш мумкин. Шунинг учун ушбу ҳайкалларни ҳам Тан династияси давлат идораларида хизмат қилган, келиб чиқиши суғдлик, тошкентлик ва фарғоналик тарихий шахсларга атаб ўрнатилган ёдгорлик, дейиш мумкин.



4-расм



5-расм



6-расм



7-расм



8-расм

Ўзбекистоннинг тарихий ўлкалари ҳисобланган Суғд, Тошкент ва Фарғонанинг Хитой билан ўзаро алоқалари икки минг йилдан узоқроқ тарихга эга. Бу ҳақида Хитой ёзма манбаалар ва археологик топилмалар гувоҳлик беради. Милодий эранинг биринчи асрларида Хитойнинг бир неча шаҳарларида суғд аристократларининг халқаро савдо билан боғлиқ вакиллари, савдо расталари ва турар-жойлари бўлган. Масалан, VI-IX асрларда Хитойнинг 30 га яқин шаҳарларида суғдийлар савдо-сотик ишлари билан шуғулланганлар (Rong Xinjiang, 2000. P. 119, see map 1). Аниқланишича, маълум бир гуруҳ суғдлик, тошкентлик ва фарғоналиклар Хитойнинг бир неча шаҳарларида истиқомат қилиб, савдо билан



9-расм



10-расм

шуғулланганлар. Пойтахт шаҳарлар Chang'an ва Luoyang-да уларнинг алоҳида маҳаллалари бўлган. Айниқса, уларнинг Luoyang шаҳридаги ўрни жуда катта ҳисобланган. Бу даврда (VIII аср) самарқандлик Ап Lushan ва тошкентлик Shi Siming суғдийларнинг сардорлари сифатида Хитойда машҳур бўлишган (Rong Xinjiang 2000, p. 118, p.152; Rong X. 2007, p. 20-136). Ан Лушан этник келиб чиқиши турк бўлиб, 9 тилни билган, довьюрак ва моҳир жангчи, қатор вилоятларда ҳоким лавозимида фаолият кўрсатган. Хубилайхон даврида (XIII асрнинг иккинчи ярми) тошкентлик Аҳмад Фанокатий ва бухоролик Умар Камолиддин давлатнинг юқори лавозимларида ишлаб, катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлишган (Хўжаев, 2007. Б.173, 233-240). Айниқса, Ан Лушан ва Умар Камолиддинлар Хитой тарихида муҳим из қолдирганлар.

Араблар босқини юз йилга яқин давом этади. Бу давр ичида Мовароуннаҳрда форслашиш процесси давом этади. Дастлабки йилларда бошқарув ва ҳисоб-китоб ишлари араб ва форс тилларида олиб борилган бўлса, кейинчалик, асосан, форс тилида олиб борилади. Бу процесс шаҳарларда тезроқ кечади. Натижада, шаҳарларда аста-секинлик билан суғд тилини ўрнини форс тили эгаллайди. Маҳаллий аристократларнинг баъзи бир вакиллари араблар хизматида ўтиб, юқори мартабаларга эришади. Масалан, уструшонлик, келиб чиқиши турк Хайдар ал-Афшин Халифалик армиясининг кўмондони даражасига кўтарилади. Аббосийлар даврининг дастлабки йилларидаёқ Халифалик маркази Бағдодда хоразмликлар, суғдийлар, уструшонликлар, фарғоналиклар жойлашган маҳаллалар пайдо бўлади. Арабларгача шаклланган фан ва маданият бутунлай йўқ бўлиб кетмади. Аксинча, унинг ютуғи халқ орасида сақланиб қолди. Шу асосида вояга етган ал-Фаробий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний ва ал-Беруний каби буюк алломалар араб фани номи билан дунёга машҳур бўлган илм-фанни юқори чўқкиларга кўтардилар.

Хулоса

Маълум бўлишича, милодий эрнинг биринчи асрларидан бошлаб Ўзбекистоннинг тарихий ўлкалари ҳисобланмиш Суғд, Тошкент ва Фарғонадан чиққан савдогарлар Хитойнинг бир неча шаҳарларида савдо-сотик билан шуғулланишган. Араблар босқини арафасида улар Хитой ва Силланинг аксарият

хамма шаҳарларида савдо қилганлар. Хусусан, Хитойнинг 30 га яқин шаҳарларида Мовароуннаҳрлик савдогарлар савдо қилишган. Айниқса, Хитойнинг пойтахт шаҳарлари Чанъан, Луоуанг ва Силла пойтахти Кенчжу да уларнинг катта маҳаллалари бўлган. Араблар босқини туфайли самарқандлик, бухоролик, уструшоналик, тошкентлик ва фарғоналик кўплаб бой-бадавлат оилалар Хитой ва Силла давлати шаҳарларида доимий бошпана топадилар. Улар ичидан етишиб чиққан Ан Лушан сингари буюк шахслар Хитой ва Силла давлатлари сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Бизнинг фикримизча, юкорида изох берилган ҳайкаллар, келиб чиқиши Ўзбекистоннинг тарихий ўлкаларидан ҳисобланган буюк шахсларнинг Силла қироллиги ва Хитой империяси олдидаги хизматлари эвазига ўрнатилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Альбаум Л.И.* Живопись Афрасиаба. Ташкент, 1975.
- Анарбаев А.* Средневековые города Ферганы по письменным источникам // История, культура и экономика юга Киргизстана. Материалы Международной научной конференции. Т. I. Ош, 2000.
- Анарбаев А.* Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона ва Ахсикент // Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Самарқанд, 2001.
- Анарбаев А.* Столичные города Ферганы и их локализация (античность, раннее средневековье) // Цивилизация скотоводов и земледельцев Центральной Азии. Самарканд-Бишкек, 2005.
- Анарбаев А.А.* Ещё раз о локализации столичных городов Ферганы (Давань-Даюань) и некоторые спорные вопросы, связанные с ними // Археология Узбекистана, 2010. №1.
- Анарбаев А.* Ахсикет - столица древней Ферганы. Ташкент, 2013.
- Анарбаев А.* Узбекистан и Корея (Силла) на Великом Шелковом пути // Another of the Silk Road. Korea Silk Road Project. Geong Gi, 2013.
- Бернштам А.Н.* Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алтая // МИА. №26. М.-Л., 1952.
- Беленицкий А.М.* Монументальное искусство Пенджикента. М., 1973.
- Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. II. М.,-Л., 1950.
- Большаков О.Г.* Город в конце VIII – начале XIII вв. // Средневековый город Средней Азии. Л., 1973.
- Распопова В.И.* Жилища Пенджикента. Л., 1990.
- Смирнова О.И.* Очерки из истории Согда. М., 1970.
- Табари.* История ат-Табари // Избранные отрывки. Пер. с арабского В.И. Беляева. Ташкент, 1987.
- Хўжаев А.* Буюк ипак йўли. Тошкент, 2007.
- Анарбаев А.* Самарқандский Согд и Фергана на Великом Шелковом пути // Another Silk Road. Korea Silk Road Project. Geong Gi, 2012.
- Анарбаев А.* Buyuk ipak Yulunda Sogdiylar ve Turkler // Uluslararası Turklerde Tarih Bilinci ve Tarih Yariciligi Sempozyumu. Bildiriler kitabı. Turkey. Zonguldak, 2015.
- Rong Xinjiang.* The Migrations Settlements in the Sogdians in the Northern Dynasties, Sui and Tang // China Archaeology and Art Digest. IV.I 2000.
- Rong Xinjiang.* Further Remarks on the Migrations and settlements of the Sogdians in the Northern Dynasties, Sui and Tang // Eurasian Studies I Edited by YU Taishan & LI Jinxiu.

УДК: 902. (903.02)

К ИССЛЕДОВАНИЮ КЕРАМИКИ КУВЫ XI-XII вв.

© 2016. Б. Абдулгазиева

Институт археологии Академии наук Республики Узбекистан

Ключевые слова: Кува, бадраб, кружки, кувшины, горшки, крышки, миски, чаши, блюда, тагора, котлы, хумы

Мақола Кувада XI-XII асрларда сопол ишлаб чиқаришнинг қисқа тафсилотларига бағишланган. 1998 йилда Кува ёдгорлигида олиб борилган археологик қазималарда шаҳристоннинг шимолий қисмида кўплаб сирли ва сирланмаган сопол буюмлар топилган. Буюмларнинг ишланиш технология ва техникаси бир бирига ҳам шакл, ҳам безак бўйича ўхшайди, бу эса уларнинг бир даврга тегишли эканини кўрсатади. Қўлга киритилган сопол буюмлар мажмуаси Кувада кулолчиликнинг юқори даражага чиққанини ва унинг Марказий Осиёдаги бошқа ҳудудлар билан алоқасини кўрсатади.

ON STUDYING CERAMICS OF QUVA OF THE 11TH-12TH CENTURIES

B.Abdulgaziyeva

The article presents a short characteristics of ceramic production of Quva in the 11th-12th centuries, which is less studied to the moment. A large amount of glazed and unglazed pottery was obtained during the excavations in 1998 on the Quva site Object 4A located on the northern part of the shahristan. The pottery consists of hand-made and wheel-made, glazed and unglazed pottery. This gives an opportunity to evaluate the ceramic art of Quva during the Qarakhanids. The potters of Quva reached high levels of production of high quality products, also known from other Central Asian centers. The analysis of pottery from cultural-economic relations point of view shows wide connections of Quva with other regions of Central Asia and outside it.

Кува один из древнейших городов Центральной Азии. В эпоху средневековья он переживает экономический и культурный подъем. Кува находилась на трассе Великого Шелкового пути, проходившего через Фергану и далее в Китай. По сведениям письменных источников в X в. в городе были цитадель, шахристан и рабад. В рабаде располагались базар, дворец и тюрьма (Бетгер, 1957. С. 26).

Археологические исследования, проведенные еще в 50-х годах прошлого века на территории города, свидетельствуют о том, что здесь были развиты разные виды ремесла, и самое массовое из них керамическое, и, тем не менее о керамическом производстве Кувы XI-XII вв. исследований недостаточно.

И. Ахраровым защищена кандидатская диссертация в 1966 г. на тему «Керамика Ферганы IX-XII вв.», (1960) однако материалы не опубликованы, кроме статьи о кухонной керамике IX-XII вв. (Ахраров, 1966а). В последнее время Б.Х. Матбабаевым и А.А. Грициной опубликована статья о результатах раскопок в 2000 г. в юго-западной части шахристана Кувы. В материалах имеется глазурованная и неглазурованная керамика, но ассортимент изделий в незначительном количестве (Матбабаев, Грицина, 2000).

Большое количество глазурованной и неглазурованной керамики было получено во время раскопок в 1998 г. на городище Кува из раскопа 4А, что в некоторой степени является дополнением для характеристики керамического производства Кувы




Рис. 2. Таблица керамики из бадраба № 13

Неглазурованная керамика

Кружки - археологически целые и фрагменты, лепные и гончарные. Лепная кружка представлена фрагментом верхней части. Она изготовлена с включением большого количества песка, черепок в разрезе твердый, плотный, обжиг равномерный, с обеих сторон кремевый ангоб. Тулово сосуда округлой формы с плавным переходом к цилиндрической горловине, с одной дуговидной ручкой округлой формы в сечении, на ручке и под ней по дисковидному налепу (рис. 7. 1). Кружки гончарные подразделяются на 2 типа. Первый тип округлой формы с плавным переходом к вертикальной горловине, венчик заострен, на плечике рельефный валик, покрыта тусклым жидким ангобом. Кружки этого типа имели петлевидную ручку с прямоугольным плоским налепом наверху (рис. 3. 14, 15). Аналогичные кружки характерны для эпохи раннего средневековья. В бадраб они могли попасть из нижних слоев во время рытья бадраба. Второй тип - разной величины, но по форме они одинаковые - тулово конической формы, с вертикальной горловиной, с одной каплевидной ручкой, прикрепленной к горловине (рис. 7. 3, 4).

Кувшины - (фрагменты верхних частей и донцев), подразделяются на гончарные и лепные. Лепные формованы из теста с включением измельченной керамики, по-

крыты кремовым ангобом, поверх которого расписной орнамент красной и черной краской. Они подразделяются на 2 типа. Первый тип - типа «мургоби», роспись нанесена красной краской. Второй тип - большой кувшин с высокой цилиндрической горловиной, венчик с оттянутым сливом, на горловине одна дуговидная ручка. Тулово украшено геометрическим орнаментом, состоящим из двух поясов. Верхний пояс - вдоль плечика ряд заштрихованных треугольников, на тулове орнамент расположен вертикальными рядами между широких полос, в виде заштрихованных в сетку ромбиков. В росписи использован красный и черный цвета (рис. 7. 13).

Гончарные кувшины подразделяются на 6 типов. Первый тип - почти археологически целый сосуд типа «мургоби», изготовлен из хорошо отмученной серовато-зеленой глины, обжиг равномерный, сосуд с одной стороны имеет цилиндрическую горловину, с противоположной - слив в виде морды животного с круглыми глазами, переданных наклепками. Ручка наверху дуговидная, круглая в сечении (рис. 6.10). Второй тип фрагмент верхней части, кувшин с широкой цилиндрической горловиной, тулово округлой формы, дуговидная ручка овальной формы в сечении, венчик с горизонтальным ребром (рис. 4.6). Третий тип - фрагмент верхней части, крупные кувшины вытянутых пропорций, с высокой цилиндрической горловиной, с плавным расширением к венчику, слегка вогнутому, верхний край плоский, ручка коленчатой формы с продольным ребром. Тулово сосуда украшено поясом прочерченных волнистых линий (рис. 6.7). Четвертый тип - фрагмент верхней части, кувшин с высокой узкой цилиндрической горловиной, тулово округлой формы, с одной коленчатой пластинчатой ручкой, одним концом прикрепленной к венчику, другим к плечу. На плечике и горловине пояс волнистого орнамента (рис. 4.9). Пятый тип - фрагмент верхней части, небольшой кувшинчик сферической формы тулово с плавным переходом к узкой цилиндрической горловине (рис. 6.8). Шестой тип археологически целый, миниатюрный кувшинчик, изготовленный по образцу крупных, приземистой формы, тулово грушевидное, с широким плоским дном, венчик с вытянутым сливом, с одной пластинчатой ручкой (рис. 4.14). Стенки конические, круто поднимались вверх (рис. 4. 11; рис. 5.9).

Горшки - в основном представлены фрагментами верхних частей, подразделяются на 7 типов. Первый тип - горшки средних размеров, округлой формы, с круто отогнутым заостренным внешним краем, с двумя плоскими петлевидными ручками, прикрепленными к плечикам (рис. 4.13). Второй тип - крупные горшки, встречены два варианта. Тулово округлой формы с выделенной шейкой, с двумя дуговидными ручками (рис. 4. 8; 7. 5). Третий тип - горшки средних размеров, с округлым резко сужающимся ко дну туловом, с выделенной цилиндрической шейкой, венчик круто отогнут. Вдоль шейки проходят параллельные ряды из косо расположенных насечек (рис. 3. 7). Четвертый тип горшки с округлым туловом, с выделенной почти цилиндрической шейкой, венчик прямой, в верхней части плоский, с двумя петлевидными ручками, шейка профилирована (рис. 6. 1). Пятый тип - горшки средних размеров. Со сферическим туловом, с двумя каплевидными ручками с продольным ребром, венчик круто отогнут, прямоугольной формы в сечении, верхний край плоский (рис. 7. 6). Шестой тип - сосуд средних размеров, с округлым туловом, венчик плавно отогнут, профилирован (рис. 7. 2). Седьмой тип - небольшой археологически целый горшочек со сферическим туловом, дно небольшое, венчик отогнут (рис. 6.6).




Рис. 3. Таблица керамики из бадрабов №13 (1-5, 7-21) и №23 (6)




Рис. 4. Таблица керамики из бадрабов №14 (7,9); №15 (8, 10, 11); №20 (12, 13); №21 (14, 15); №26 (1-6)




Рис. 5. Таблица керамики из бадраба №23




Рис. 6. Таблица керамики из бадраба №23

Крынки - фрагментарны, изготовлены из лессовой глины сероватого цвета. Выделены два типа. Первый тип - нижняя часть тулова цилиндрической формы, с плоским дном, на трех невысоких конических ножках. На тулове штампованный орнамент в виде круглых медальонов с прямым крестом (рис. 7. 2). Второй тип - тулово округлой формы, с широкой горловиной. Они украшены поясом волнистого прочерченного орнамента и рифлением (рис. 3. 20, 21).

Чирок - целый, гончарный, округлой формы, на плоском дне, венчик слегка отогнут, с одной стороны край венчика оттянут для размещения фитиля (рис. 7. 13).

Льячка - целая, лепная, в виде площадки диаметром 11 см, с вертикальными стенками, с одной стороны венчик оттянут для удобства при сливе содержимого (рис. 3. 18).

Памятником средневековой городской культуры в периферийной зоне Республики Каракалпакстан является городище Пульжай, расположенное в Кунградском районе. Археологический объект состоит из трех частей: крепости домонгольского времени, неукрепленного поселения занимающий более 100 га неукрепленного золотоордынского города и некрополя (30 га). На территории неукрепленного поселения кроме общественных и жилых помещений исследованы следы ремесленной промышленности: керамические, кирпичеобжигательные, медеплавильные и др. На поверхности городища господствуют материалы эпохи Золотой Орды. Впервые памятник Пульжай открыт в 1946 г. сотрудниками Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР (РАН) под руководством С.П. Толстова (1948 б. С.248). В 60-х годах XX в. здесь свое кратковременное изыскание проводит В.Н.Ягодин сотрудник отдела археологии ИИАЭ ККО АН РУз (ныне ККНИИГН) (Ягодин, 1963. С.90-95). В 2003 г. городище Пульжай по намеченным задачам проекта «INTASARAI...» посещают члены международной экспедиции во главе С.Р. Баратовым (Ширинов, Алимов, Баратов и др., 2004. С.197). Однако, все исследователи, за исключением В.Н. Ягодина, ограничились сбором подъемного материала, раскопчных работ не проводили. В целом, изыскатели, писавшие о городище Пульжай, в основном вели визуальное наблюдение, собирали сведений о топографическом облике памятника. В ходе археологических работ 2004, 2012-2014 и 2015 гг. археологами КГУ им. Бердаха в различных частях памятника заложены десять раскопов. Цель этих исследований - изучение планировки и назначения отдельных построек, уточнение стратиграфии и хронологии объектов неукрепленного поселения, выяснение архитектурно-строительных приемов изучаемых сооружений.

В 2014-2015 гг., в юго-восточной части неукрепленного поселения, за старой дельтовой рекой (старицы) были расчищены несколько новых объектов (Раскоп V-IX). Среди них раскопаны мечеть, жилище и остатки двух кирпичеобжигательных печей. В раскопе V открыты остатки мечети. Результаты начальной стадии работы

выявили наружные размеры сооружения (7,50x8,10 м). Дальнейшие раскопки обнаружили внутреннее очертание здания, размером 7,05x7,65 м. Таким образом, определялась толщина стен постройки—0,45 м. Высота стен сохранилась до 0,50 м. В середине южной стены выявляется полуразрушенная михрабная ниша. Стены здания в основаниях сооружены из обработанных с трех сторон каменных плит. Кроме того, местами для постройки стен использованы сырцовые и жженые кирпичи размером 23x23x5; 25x25x5 см. Пол здания покрыт жженым кирпичом размером 23x23x5 см. Связывающим веществом для прикрепления кирпичей использовался алебастр. Некоторые участки пола были также замазаны алебастром (рис.2). Внутри помещения в трех местах сохранились остатки базы колонн, сооруженные из жженных и сырцовых кирпичей. Два из них стояли в одном ряду, вдоль юго-восточной стены. Место основания третьей базы, в виде квадратного углубления-прогиба на полу открыто в западном углу. Кирпичные базы служили опорой для колонн, на которых покоилась куполообразное перекрытие. Об этом свидетельствуют детали алебастровой панджары. Такие оконные панджары ранее, в 2012 г. были обнаружены в караван-сарая Пульжая (Кдырниязов, Саипов, Кдырниязов О.-Ш., 2013.С.85, рис.10). К северу от зимнего зала мечети были расчищены контуры большого помещения-айвана (9,80x13 м), конструкция которого полностью определяется (рис.1). Разделяющая стена между мечетью и айвана сохранилась только штукатурка. В этом участке также выявлены основания базы колонны и погребение в «каменном ящике». Постройка в нижней части, его толщина 0,23 м, с толстой алебастровой прослойкой имеет два входа. Один в северо-западном углу, это вход в зимний зал. Другой проход, в юго-западном углу, ведет к полуоткрытому айвану. В ходе раскопок обнаружено, что это большая площадь айвана разделяется стеной из жженого кирпича на две отдельные участка. Длина внутренней, разделяющей стены 7,10 м, ширина 0,45 м, она возведена из жженого кирпича размерами 23x23x5; 25x25x5 см. Основания базы колонны размером 0,55x0,47x0,15 м сложены также из жженого кирпича. Здесь отметим, что полуоткрытый айван (летний зал) мечети имел плоское перекрытие, опирающиеся на колоннаду.

Культурный слой незначительной толщины раскопан до материка (- 0, 32 м от дневной поверхности). Здесь культурный слой состоит в основном из надувных песков, незначительными фрагментами керамических черепков, жженого кирпича, зольными останками и других материально-культурных образцов относящихся к золотоордынскому времени. Кроме того, встречаются и архитектурные детали фигурные кирпичи, фрагменты алебастровой панджары с округлыми ячейками для вставки стекол и золотоордынские медные монеты середины XIV в.

В ходе археологических работ, на внешней стороне зимнего зала, ближе к западному углу полуоткрытого айвана мечети было обнаружено погребение в «каменном ящике», сооруженное из каменных плит размерами от 0,40x0,50x0,25 до 0,75x0,45x0,27 м. В качестве прикрытия каменного гроба использованы также плиты из песчаника. Внутри «ящика» костяк лежал на правом боку с согнутыми ногами и руками, ориентирован головой на запад с поворотом лица на юг. К ящику с восточной стороны вплотную погребен детский костяк. Погребение в каменных ящиках в этом регионе характерно для кочевнических памятников, особенно для огузского (IX-XI вв.) и кыпчакского (XIII-XIV вв.) времени (Жарынкудук-4, Казган-4) (Ягодин, 1991. С.136, 145). Таким образом, мечеть Пульжая имеет два помеще-




Рис.1. План и разрез мечети Пулжая

ния: внешняя – зиаратхана и внутренняя собственно мечеть.

В целом, этот участок раскопа является полуоткрытым пространством типа айван, использовался в качестве летнего зала мечети. Здесь сочетается замкнутый объем мечети (зал) с полуоткрытым навесом айвана. Такая конструктивная планировка характерно для многих квартальных мечетей Средней Азии. Однокамерные купольные мечети с односторонним айваном, выполняющие роль зиаратханы с захоронением являются: Таш-мечеть (Бешкент), Гумбаз (Кашкадарья), Боло-хауз и Бозори-джой (Бухара) (Маньковская, 1980. С.107-108). Предположительно данное общественное здание Пулжая относится к типу двухчастной мечети (т.е две зальные мечети) с купольным залом и полукрытым айваном. В южноприаральском регионе, как и в других провинциях Золотой Орды известны две зальные мечети, подобно пулжайским. Это мечети Кедера X в. на Средней Сырдарье и мечеть XII-нач. XIII в. на городище Каваткала в Южном Каракалпакстане (Хмельницкий, 1992. С.



Рис. 2. Зимний зал мечети




Рис.3. Аксонометрия мечети




Рис.4. Реконструкция мечети

70,71; 1996. С.84-85). По мнению Л.Ю. Маньковской «этот типологический признак имеет множество видовых проявлений в зависимости от конструкций (монументальные, легкие и их сочетания) и положения айвана». Мечеть Пульжая имеет некоторые признаки характерные также и для других поминальных памятников Средней Азии. Мечеть, вероятно, является поминальной. На это заключение наталкивает присутствие в полуоткрытом айване погребение в каменном ящике. Здесь айван, выполняет роль зиаратханы, захоронение расположено сбоку общей продольной оси. Такие мечети на территории центральноазиатского региона относятся к разряду «поминальных мечетей-киосков с айваном», при этом в них имелись захоронения. Подобные полуоткрытой формы айваны при мечетях известны в архитектурных сооружениях Средней Азии, и в Хорезме. В частности, в Хорезмской области таковыми являются квартальная мечеть Сеид ата и мечеть Богбонлы (Хива) (Маньковская, Булатова, 1978. С.70). Такие мечети в последние годы были открыты в низовьях Сырдарьи, городище Дженде (Джан/а – кала) (Байпаков, Войкин, Умарходжиев, 2010. С.106). В них, как и мечети Пульжая присутствует замкнутый объем с полуоткрытым навесом айвана.

Возникновение Пулжая связано с оборонительной политикой и торговым связям хорезмшахов. Начиная со времен Хорезмшахов-Мамунидов в северных границах Хорезма возникает ряд населенных пунктов (X-XI вв.). В начале XIII в. произошло перемещение крупных племенных групп, спасаясь от грабежей монголов, часть тюркских племен откочевали в оседлоземледельческие районы. Центром обитания тюркских народностей явились, прежде всего, периферийные города Хорезма, здесь было сосредоточено большое количество разноэтнического населения. Приток в оазис новых масс кочевого населения, оседание их не только приграничной зоне, но и вглубь области, иммиграция населения из Низовьев Сырдарьи привело к

инновации в городской культуре Хорезма. Городская культура на периферийной зоне области, хотя развиваются под влиянием оседлого населения, здесь, как и раньше параллельно с местными традициям распространяются новшества в домостроительстве, керамике, украшениях и погребальном обряде. Об этом свидетельствуют раскопанные материалы домостроительства, погребения в мавзолеях с кочевническими элементами и лепная керамика не свойственные оседлого населения. Крайние города области XIII-XIV вв. способствовал исламизацию кочевого мира Арало-Каспийского региона. Для этого в периферийных городах были построены Жума мечети. В последние годы кроме Пульжыя они открыты в Топраккале (Кунградской) и Бограхан (Туребеков и др., 2002. С.156).

Использованная литература

- Байпаков К.М., Воякин Д.А., Умарходжиев А.А.* Исследование городища Дженд // Известия НАН РК. № 1. Алматы, 2010.
- Кдырниязов М.-Ш., Искендерова А.Дж, Турганов Б.К.* Археологические работы на городище Пульжай // АИУ в 2004-2005 годы. Вып.5. Самарканд, 2006.
- Кдырниязов М.-Ш., Саипов С.Т, Амиров Ш., Кдырниязов О.-Ш.* Археологические работы на городище Пульжай // АИУ-2012 год. Вып.9. Самарканд, 2013.
- Маньковская Л.Ю.* Типологические основы зодчества Средней Азии (IX- начало XX в.). - Ташкент, 1980.
- Маньковская Л, Булатова В.* Памятники зодчества Хорезма. Ташкент, 1978.
- Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации. М., 1948.
- Туребеков М.Т, Хакимниязов Ж, Утепбергенов Ф.* Работы Кунградского отряда // АИУ-2001 г. Тошкент, 2002.
- Хмельницкий С.* Между арабами и тюрками // Архитектура Средней Азии IX-X вв. Берлин-Рига, 1992.
- Хмельницкий С.* Между Саманидами и моголами // Архитектура Средней Азии. Ч.1. Берлин-Рига, 1996.
- Ширинов Т.Ш., Алимов У., Баратов С., Бороффка Н., Вюннеманн Б., Кривоногов В.С., Райнхарт Хр., Рахимов К., Сапаров Н., Сорель Ф.* Полевые работы по проекту INTAS AralNo. 00-1030: «Климатические изменения в эпоху голоцена и развитие поселений человека в бассейне Аральского моря» // АИУ – 2003 г. Вып. 4. Тошкент, 2004.
- Ягодин В.Н.* Маршрутные археологические исследования в левобережной части дельты Амударьи // Материалы Хорезмской экспедиции. Вып.7. М., 1963.
- Ягодин В.Н.* Стреловидные планировки Устюрта // Археология Приаралья. Вып.V. Ташкент, 1991.

УДК: 908 (502.8)

**АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ МУЗЕЙЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ
(Фарғона водийси ёдгорликлари мисолида)**

© 2016. Ж.З. Ахмедов, Х.Б. Хошимов

*Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти*

Калит сўзлар: Фарғона водийси, Поп, Мунчоктепа, Ахсикент, Кува, Мингтепа

В статье рассматриваются вопросы музеефикации археологических памятников узбекской части Ферганской долины. В частности археологические музеи в Андижане, Папе демонстрируют материалы из раскопок последних лет. Предстоит организовать музей “под открытым небом”.

THE PROBLEMS OF MUSEIFICATION OF ARCHEOLOGICAL MONUMENTS

Ahmedov J.Z., Hoshimov H.B.

The article considers the issues of museification of archaeological monuments in the Uzbek part of the Ferghana Valley. In particular, the archaeological museums in Andijan and Pap show the materials of the last years. Organizing an open air museum is discussed.

Ҳар бир тарихий обида, археологик ёдгорлик ёки археологик топилма унинг катта-кичиклиги, паст-баландлигидан ва қандай сақланишидан қатъий назар у биринчи навбатда ўз давридаги илм-фан, турли билимлар ва технологик кўникмалар сингдирилган илмий, бадиий, технологик маълумотлар акс этган қимматбаҳо тарихий манба ҳисобланади. Шунинг учун улардан олинган ҳар бир маълумот ва натижалар кечмиш тарихимизни тўғри, объектив ва ҳаққоний ёритишда катта роль ўйнайди. Тарихимизни ёритишда ёзма манбалар, археологик топилмалар, этнографик маълумотлар асосий роль ўйнайдилар. Лекин, буларнинг ичида энг муҳими археологик топилмалардир. Илмий имкониятлар ва таҳлилий усулларни такомиллашиб ривожлангани сари бундай ашёвий далилларнинг аҳамияти шубҳасиз ортиб боради.

XIX аср охиридан бошлаб Ўзбекистон ҳудудидаги маданий мерос объектларини илмий асосда ўрганиш, таъмирлаш ва таснифлаш ишлари амалга оширила бошланди. Бироқ, бу даврда динга, ўзга халқлар маданияти ва тарихига бўлган муносабат натижасида, кўп ҳолларда эса турли сиёсий-мафкуравий “найранглар” таъсирида кўплаб ёдгорликлар бузиб ташланди.

«Тарихчилар яхши билади, одатда тепаликлар қаърида тарихий обидалар, бутун бир шаҳар қолдиқлари ястанган бўлади. Шўро даврида, фақат томлардагина пахта экилмай қолган бир пайтда ана шундай қадимий тепаликларни ҳам текислаб, пахта даласига айлантиришдек бемаъни сиёсат авж олган эди» (Каримов И.А., 2008). Манбаларнинг гувоҳлик беришича ўтган асрнинг 50-йиллар бошларидан 80-йиллар охиригача бўлган давр ичида Ўзбекистонда 20 мингга яқин тарихий ёдгорлик йўқ қилиб юборилган ҳамда 2,5 мингга яқин янги топилган ёдгорликлар давлат химоясига олинмаган (Рахматуллаев Т., 1994). Бузилиб кетган қадимий ёдгорликларнинг кўпчилиги янги қурилиш ишлари олиб борилаётган майдонлар ва деҳқончилик мақсадида ўзлаштирилаётган ерларда жойлашган эди. Ҳозирга кунда республикамиз ҳудудида археология ёки археология билан боғлиқ музейлар Фарғона водийсида (Андижон, Кува, Поп), Жб. Ўзбекистонда (Сурхондарё вилоятидаги Жарқўтон, Термиз, Фаёзтепа ва Қоратепа буддавийлик

марказлари), Зарафшон воҳасида (Пайкенд – Бухоро вилояти Қорақўл тумани, Добусия – Самарқанд вилояти Пахтачи тумани), Оролбўйида (Қорақалпоғистон Республикаси, Беруний тумани) бор. Шулардан Жарқўтон, Фаёттепа, Қораттепа, Пайкенд, Беруний туманида музейлар “Очиқ осмон остидаги музей”лар сирасига киради.

Шулар қаторида Фарғона водийсида ҳам кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар сақланган. Улар ҳар бир тарихий даврда бажарган вазифаларга кўра маконлар, қишлоқлар, шаҳарлар, қабристонлар, ибодатхоналар, алоҳида уйлар, мудофаа иншоотлар, қалъалар қабиларга ажратилади. Улар орасида жаҳон цивилизациясида ўзига хос ўринга эга бўлган археологик ёдгорликлар ажралиб туради. Буларга Қува шаҳристон (мил. авв. III-II - мил. авв. I–II асрлар), Далварзин шаҳар харобаси (мил. авв. XII–VII асрлар), Эйлтон (мил. авв. VI–III асрлар), Мингтепа (мил. авв. III–мил. V асрлар), Ахсикент (I–XIII асрлар) шаҳар харобалари, Мунчоктепа (I–VIII асрлар), Муғтепа (I–VIII асрлар) каби машҳур ёдгорликлар киради (Матбабаев, 2009).

Бу ёдгорликларни ҳалқимизга ва келажак авлодга етказиш учун баъзиларида айрим ишлар амалга оширилган. Масалан, Андижон ва уни яқинидаги тарихий ёдгорликларда Археология институти ва Бобур халқаро жамоат фонди билан биргаликда кўп йиллардан буён илмий текшириш ишлари олиб бормоқдалар. Олиб борилган ишлар самараси натижасида фонд ёрдамида «Андижон шаҳарсозлик маданияти тарихи» музейи ташкил этилди (Матбабаев, 2011). Мазкур музейда Андижонни тарихий ривожланиш босқичларини археологик материаллар асосида ёритиб берилган. Ушбу музей топилмалар учун махсус омборига ҳам эга. Бобур номли халқаро жамоат фонди музейни янада кенгайтириш ва кўргазма материалларини кўпайтириш ва уларни алоҳида каталог тарзида нашр этишни режалаштирмоқда. Фонд билан кейинги йилларда йилларда Фарғона водийсида олиб борилаётган археологик қазув ишлари анча кенгайди. Бу ишларда маҳаллий мутахассисларимиздан ташқари чет эллик археологлар ҳам фаол қатнашмоқдалар. Тадқиқотларнинг катта қисми Ўзбекистон (ЎЗР ФА Археология институти) ва Хитой олимлари (Хитой Ижтимоий ФА Археология институти, Пекин) ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Жумладан, Мархамат туманидаги Мингтепа археологик ёдгорлигида икки давлат мутахассислари ҳамкорлигида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳамкорлигида бажарилаётган бундай илмий таҳлиллар ёдгорликларимиз билан боғлиқ бўлган бир қатор жумбоқларни ҳал қилишда катта самара бермоқда. Мингтепадаги археологик объектларни устидан ёпиб “Очиқ осмон остидаги музей” ташкил этиш масаласида вилоят ҳокимлигига тегишли мурожаат билан чиқилди. Ҳозирча ўз кучларимиз билан битта кузатув минорасининг усти ёпилди. Бу лойиҳани амалга оширишда: консервация, реставрация қилиш ва ҳужжатлаштиришда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва ИКОМОС (International council of monuments and Buildings) ташкилотларини жалб этишни режалаштирганмиз. Бироқ Мингтепанинг 40 гектар жой кадастр қилинишига қарамай ёдгорликларни сақлаш инспекцияси ҳали 1 метр ерни ҳам ўз ихтиёрига ололгани йўқ. Мудофаа деворлари билан ўралган ерларда экинлар экилмоқда, ҳатто мудофаа деворлари устидаги замонавий биноларни битта гишти ҳам олингани йўқ.

Яна бир диққатга сазовор ёдгорлик Ахсикентнинг музейлаштирилиши эса ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ачинарли ҳол шундаки, вақт ўтган сайин Сирдарё Ахсикент ёдгорликларини емириб бормоқда. Бунинг устига харобанинг шимолий томонидаги ариқлардан тушган оқова сувлар ҳам кўшилиб, уни ҳар томондан қулатмоқда. Шаҳристон ва рабоднинг айрим қисмлари одамларга томорқа сифатида берилиб, фойдаланилмоқда (Аҳмедов, 2013).

Поп туманидаги Мунчоктепа ёдгорлиги асосида ташкил топган «Поп археология» музейининг ҳолати ҳам ачинарли аҳволда (Аҳмедов, 2014). На ёритиш, на иссиқлик, на ҳаво алмаштириш тизими ишламайди. Жаҳоншумул материалларни Наманган вилоят ўлкашунослик музейига ёки Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи давлат музейига бериш керак.

1998 йили ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилеи муносабати билан Қувада олиб борилган қазилмалар асосида шахристонга туташ жойда музей ташкил этилган (Аҳмедов, 2013). Ёдгорликда археологик қазилмалар усти махсус конструкция асосида ёпилган эди, лекин уларни ёдгорликка нафи тегмади, ҳозирда қазилмалар уқаланиб йўқ бўлиб кетиш даражасига тушиб қолган. Юқорида номлари келтирилган музейларда миллатимизнинг узок ўтмишига дахлдор бўлган ноёб ва нодир, моддий ва маданий ёдгорликлар сақланмоқда. Улар халқимизнинг энг қадимги тош даврларидан тортиб ҳозирги кунгача бўлган бой тарихи, юксак маданияти ва моҳир ҳунармандчиликлари соҳасидаги ютуқларини намоён этади. Шундай экан биринчи навбатта бизгача етиб келган археологик ёдгорликларимиз ва музейларимиз тақдирига бефарқ бўлмаслигимиз керак.

Табийий-иқлим муҳити, вақт ҳамда инсон фаолияти таъсири (асрлар давомида таъсир этиб келган ҳаво ҳарорати ва намликнинг ўзгариши, зилзилалар) натижасида ёдгорликларнинг моддий эскириши, ўзгариши ва ёмонлашувига олиб келмоқди ва уларни сақлаб қолиш вазифасини долзарблаштирамоқда. Кенг қамровли консервация-таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ва амалга ошириш имконияти чекланган. Ҳам молиявий ҳам техник жиҳатдан мураккаб ҳисобланган ушбу амалиёт, шунингдек, ёдгорликларнинг ҳолатини илмий асосланган усуллар ёрдамида мунтазам назорат қилиш катта маблағни талаб этади.

Археология институтида ёдгорликларни кимёвий консервация қилиш усулларининг бир неча турлари ишлаб чиқилган. Ихтиро қилинган бу усуллар анча арзон, оддий ва самаралидир. Уларни асосида тайёр полимер моддаларни девор сатҳига сингдириш орқали эмас, балки уларни дастлабки хомашёси бўлмиш мономерларига органик эритувчи ва реакцияни тезлаштирувчи катализаторлар аралашмасини сингдириш ётади. Кимёвий эритмалар девор ичига маълум миқдорда киритилгандан кейин кўёш нури ва ҳаво ҳарорати таъсирида тупроқ заррачаларини қотирувчи полимерлар ҳосил қилади. Натижада девор юзидаги паҳсаларни қаттиқлик даражаси ва об-ҳаво факторларига чидамлилигини кескин оширувчи қатлам юзага келади. Бундай ишлов бериш билан қотирилган майдонларнинг қаттиқлиги (78 кг/см^2) пишиқ ғиштлар даражасигача кўтарилиши ҳамда узок йиллар об-ҳаво таъсирида бузилмай туриши маълум бўлди (Абдураззоқов, 2012).

Фарғона водийсидаги айрим археологик ёдгорликлар аста-секин емирилиб, йўқолиб кетмоқда. Бунинг асосий сабаби об-ҳавога чидамсиз бўлган лой, паҳса ва хом ғиштлардан қурилганлиги бўлса, иккинчидан улар очилгандан кейин сақлаш чоралари кўрилмаслигидадир. Бундай кўнгилсиз ҳолатнинг олдини олиш учун археологик ўрганиш сметасига очилган жойни кимёвий консервация қилиш сарф харажатлари киритилиши зарур. Ўзбекистонда дунёда биринчи бўлиб лойдан ишланган археологик ёдгорликларни кимёвий қотириш усуллари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ҳозир бу усуллар АҚШ ва Исроил давлатларида қадимги ёдгорликларни сақлаб қолишда кенг қўлланилмоқда (Абдураззоқов, 2007)

Кейинги йилларда ўтмиш ёдгорликларимизни ўрганишда аниқ фанлар усулларига асосланган замонавий ускуналар ёрдамида ажойиб кашфиётлар қўлга киритилмоқда. Бунга даврлаштириш, таркибларни аниқлаш, тасвирларни 3D форматда расмга олиш соҳаларидаги усулларни келтиришимиз мумкин. Булар сўзсиз ўтмишдаги технологиялар ва ҳунармандчилик тарихини тўғри талқин қилиш имконини беради.

Музейларимизни материаллар билан бойитиш ва туризмни ривожлантириш ишлари археология ёдгорликлари орқали амалга оширилиши яхши натижалар беради. Ҳозирги кундаги ҳисоб-китобларга кўра, Фарғона водийсида 328 та археология ёдгорликлари мавжуд. Улардан 113 таси Фарғона вилоятида, 79 таси Андижон вилоятида, 136 таси Наманган вилоятида жойлашган (Аҳмедов, 2013). Бу ёдгорликларни археологик қазилмалар жараёнида бутун бир кўҳна шаҳар ёки қишлоқ топографик элементлари, яшаш уй-жой даҳалари, кўчалари, ҳунармандчилик маҳаллалари ва ибодат жойлари қайд этилган

(Далварзин, Мингтепа. Кува, Ахсикет ва б.). Ана шундай ёдгорликларнинг базасида очик осмон остидаги музейлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Қатор давлатларда археологик ёдгорликлар “очик осмон остидаги музей”ларга айлантирилиб, туризм маршрутига киритилган. Масалан, Қозоғистоннинг Ўтрор, Хитойнинг Лоян, Чанан, Е қадимги шаҳарларида катта майдонда “Очик осмон остидаги музей”лар ишлаб турибди.

Бутун мамлакатимиз худудидаги дунё цивилизацияси ривожланишида катта ўрин тутган, асрлар давомида шаклланган тарихий шаҳарлар, меъморий обидалар ва тарихий ёдгорликларни сақлаш, ҳисобга олиш, ўрганиш, босқичма-босқич таъмирлаш ва консервациялаш юзасидан тузилган дастурлар асосида иш олиб бормоқда.

Шу муносабат билан Андижонда Эски шаҳарни тарихий қисмини ЮНЕСКОнинг “Ипак йўли бўйидаги Бутунжаҳон мероси рўйхати”га киритиш учун ва айрим археологик ёдгорликларни музейлаштириш бўйича қўйидаги таклифларни билдирамиз (2007 йил Душанбедаги семинарда Б.Х. Матбобоев томонидан Андижонни Эски шаҳар тарихий қисми “Бутунжаҳон маданий мероси” дастлабки рўйхатига номзод сифатида киритилган):

1. Эски шаҳарни Арк ичи маҳалласида Арк шимолий мудофаа деворини камида 100 метрини шахсий уйлардан тозаланиб намойиш этиш учун музейлаштириш (Матбобоев, Машрабов, 2014).

2. Қўшариқ худудида жойлашган Эсон Давлат бегим чорбоғини тиклаш ва ёдгорлик ўрнатиш.

3. Андижон шаҳрини 3 та тарихий дарвозасини тиклаш.

4. Бозор кўчасидаги “Ҳунармандчилик маркази” расталарини қайтадан жиҳозлаш. Бобур даври билан алоқадор ягона тарихий обида Хожар Ноиб мадрасасини (хозирги Бобур музейи) жиҳозлаш.

5. Мархамат туманидаги Мингтепа шаҳар харобасида қовлаб очилган мудофаа деворларидаги минораларни таъмирлаб устини ёпиб музейлаштириш.

Келтирилган ёдгорликлар маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун муҳим зиёрат объектлар бўлиши мумкин. Уларни музейлаштириш эса бир томондан мазкур минг йилликларга таалуқли обидалар келажак авлодларга етказилса, иккинчи томондан боболаримиздан бизларгача етиб келган цивилизациямиз гувоҳлари бўлиб қолишини таъминлайди. Буларни барчаси маданий мерос ёдгорликларини таъмирлаш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ўта муҳимлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Каримов И.А. Юқсақ маънавият - енгилмас куч. Тошкент, 2008.

Абдураззоқов А. Ўзбекистон археология ва архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, музейлаштиришдаги айрим муаммолар // Ўзбекистоннинг бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар ва истикболлар. Республика илмий-амалий конференцияси. Тошкент, 2012.

Аҳмедов Ж. Ахсикент ёдгорлигини музейлаштириш масаласига доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 2013. №3.

Аҳмедов Ж. Мунчоктепа – қадимги Попнинг ноёб маданий ёдгорлиги // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 2014. №1-2.

Аҳмедов Ж. Буюк Ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари ва уларнинг музейлаштирилиши ҳақида // Буюк Ипак йўлининг ўтмиши ва ҳозирги куни: Ривожланишининг ижтимоий-маданий, тарихий, сиёсий ва иқтисодий йўналишлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2013.

Рахматуллаев Т. Ўзбекистон халқлари тарихини ўқитишда археология материалларидан фойдаланиш. Тошкент, 1994.

Матбабаев Б.Х. Раннесредневековая культура Ферганы (На основе исторического анализа археологических источников V–VIII вв.) // Автореф. дис... докт.ист. наук. Самарканд, 2009.

Матбобоев Б.Х., Маишрабов З.З. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларигача). Тошкент, 2014.

ФАН ТАРИХИ

ИСТОРИЯ НАУКИ

HISTORY OF SCIENCES

УДК: 902 (930.2)

ПОЙКЕНТНИНГ ИЛК ИЗЛАНИШЛАРИ ТАРИХИДАН
(Л.А. Зимин тадқиқотлари ва расмий ёзишмалари асосида)

© 2016. О.А. Қличев

Бухоро давлат университети

Ключевые слова: Бухоро, Пойкент, ёзишмалар, хисоботлар, Туркистон археологик ҳаваскорлар тўғараги, Хайробод, В.В. Бартольд, Абдулхамидбек, Н.Ф. Ситняковский, Яккатур темир йўл бекати

В данной статье на основе архивных и исторических источников рассматриваются вопросы истории изучения древнего города Пайкента членом Туркестанского кружка любителей археологии Л.А. Зиминым. В том числе раскрываются факты на основе переписки Русского политического агентства в Бухаре с правительством эмирата об оказанных содействиях со стороны местных властей связанных с изучением археологического объекта Пайкент.

FROM HISTORY OF FIRST RESEARCH OF PAYKENT (On the basis of research and official correspondence of L.A. Zimin)

O.A. Klichev

In given article on the basis of archival and historical sources questions of history of studying of the ancient city of Paykent by L.A. Zimin - a member of the Turkistan's circle of fans of archeology are considered. Including the facts on the basis of correspondence of Russian political agency in Bukhara with the government of the Bukhara Emirates about the rendered assistance are discovered from local authorities connected with studying of archaeological object of Paykent.

Бухоро ҳудуди археологик ва меъморчилик ёдгорликлари Ўрта Осиё минтақасидаги шаҳарсозлик маданияти тарихини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга. XIX аср охири XX аср бошларида фаолият юритган Туркистон археология ҳаваскорлик тўғараги Бухоро воҳасидаги моддий маданият намуналарини ўрганиш ишига раҳбарлик қилган.

Буни тўғарак аъзоларининг Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли вилоятларда жойлашган археологик объектларни ўрганиш ва Бухоро амирлиги ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни тадқиқ қилиш ишига алоҳида аҳамият билан ёндашганлигидан билиш мумкин. Амирлик ҳудудидаги қадимги шаҳар, кўрғон, кўшк, тепа ва девор қолдиқларини ўрганишда ҳамда археологик текширув ишларини олиб боришда ҳукуматлараро ёзишмалар ва расмий рухсатномаларнинг аҳамияти катта эди.

Бухоро амирлиги Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирмаганлиги сабабли, Туркистон археология ҳаваскорлик тўғараги раҳбарияти ҳудудда археологик изланишлар олиб бориш учун Бухородаги рус сиёсий агентлигига ва у орқали амирлик маъмуриятига мурожаат қилишга мажбур бўлган. Тадқиқот доирасига тортилган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар, шунингдек, сиёсий агент ва кўшбеги ўртасида олиб борилган расмий ҳукуматлараро ёзишмалар амирликдаги моддий маданият намуналарини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тарихий ёдгорликларни ўрганиш масаласига оид мактубларнинг гувоҳлик беришича, амирлик ҳудудидаги археологик объектларни ўрганиш учун амирнинг тегишли рухсати ҳамда тадқиқотчиларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида кушбегининг беклар-

га юборган махсус кўрсатмалари керак бўлган. Бу кўрсатмалар ўз навбатида ҳукуматлараро дипломатик муносабатлар натижасида амалга оширилганлигини дадил айтиш мумкин.

Шундай кўрсатмалардан бири рус сиёсий агентлиги ва кушбегининг ўзаро ёзишмалари асосида 1913 йилда Пойкент харобаларида изланишлар олиб бориш учун Туркистон археология ҳаваскорлик тўғараги аъзоси Л.А. Зиминга^[1] берилган эди. Мазкур даврда олим тўгарак котиби лавозимида фаолият юритган ва Туркистон минтақасининг ижтимоий- сиёсий тарихи, қадимги кўрғон ва археологик ёдгорликлар хусусида алоҳида ҳисобот ва қайдларни ёзиб қолдирган.

Л.А. Зиминнинг Пойкентни ўрганишга доир фаолияти дастлаб, 1912 йил 8 ноябр санасида Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги аъзоларининг "Яккатут ва Қорақўл темир йўл бекат(станция)лари оралиғида жойлашган ҳудудларни ўрганиш" масаласига бағишланган йиғилишидан бошланган (Зимин, 1913а. С. 59).

Пойкент ҳудудида текширув ишларини олиб бориш учун Л.А. Зимин дастлаб В.В. Бартольдга мурожаат қилади^[2]. В.В. Бартольд ўз навбатида Россия Императорининг ҳомийлиги остида фаолият олиб бораётган Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганишни мақсад қилган рус комитети билан алоқа ўрнатиб, Л.А. Зимин ва И.А. Костаньеларнинг илмий изланишлари учун 500 рубл миқдорда маблағ ажратишни сўрайди. Бу маблағ Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги жамғарма кассасида 1912 йил 1 декабр санасида қайд этилган^[3].

Бу экспедиция дастлаб икки олим томонидан бир вақтда бошланиши режалаштирилганлигини кўрсатади. Аммо Л.А. Зимин В.В. Бартольддан ҳудуднинг фақат топографик жойлашуви ҳақидаги маълумотларнигина тўплаш хусусида кўрсатма олганидан сўнг, Пойкентга уюштирган илмий сафарига фақат ўзи йўл олган эди [И.А. Кастанье эса Шоҳрухия харобаларини ўрганишга жалб қилинади—О.К]. Юқорида қайд этилганидек, олим бу даврда Бухоро амирлигида жойлашган тарихий ёдгорликларни ўрганиш учун тегишли дипломатик қоидалар ҳамда расмий муассаларнинг рухсати асосида иш олиб боришни ташкил этиши керак эди.

Бу хусусда Л.А. Зимин қуйидагича хотирлайди "...Комитет томонидан ажратилган маблағ ва очиқ хат тақдим этилди, аммо буларнинг амирлик ҳудудида қўлланилишини билиш масаласи муҳимдир". Шунинг учун Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонасида Бухородаги рус сиёсий агенти ва амирлик кўшбегисидан тегишли ёрдам кўрсатишни сўраб хат йўллади. Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги мурожаатини сиёсий агент амирлик кўшбегисига билдирган ҳолда ижобий ҳал қилган (Зимин, 1913б. С.2).

Бу ҳолат Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси билан сиёсий агент ўртасида 1913 йил 5 апрел ёзишмаларида ўз аксини топган. Амирлик ҳукуматида рухсат олган сиёсий агент Л.А. Зимин номига Пойкент ҳудудида фаолият олиб боришга рухсат берувчи №2297 рақам остидаги очиқ хатни тақдим этган.

Л.А. Зимин Тошкентдан шу йилнинг 9 апрел санасида йўлга чиқиб, 10 апрелда Янги Бухорода жойлашган агентлик биносида бошқарувчи Петровдан ўзи номига берилган очиқ хатни олади ва унга бириктирилган бухоролик амалдор Абдулҳамидбек жевачи билан учрашади. Олим 11 апрелда Яккатут темирйўл бекатига келганида уни экспедиция учун керак бўлган барча буюмларни ҳозирлаган ҳолда амирлик амалдори Хожа Мирзо Икром кутиб олади (Зимин, 1913б. С. 3).

Л.А. Зимин Пойкентга биринчи марта келганида ҳудуд яхши сақланганлигини алоҳида таъкидлаган эди. У дастлабки изланишларни топографик ўлчов ва ҳатто глозаметрик усулида расм олиш ишидан бошлайди. Олим ёдгорлик билан боғлиқ

ўлчовларни ўз кадамлари билан белгилаган эди. У ўзининг илк изланишларини 48 та расм илова қилинган "Развалины Старого Пайкента" номли ҳисоботида баён этади^[4].

Бу ҳисобот "Муқаддима [Предисловие]", "Пойкентнинг қисқа тарихий очерки [Краткий исторический очерк Пайкента]", "Пойкент харобалари ва уларнинг ҳозирги ҳолати [Развалины старого Пайкента в их современное состояние]" каби қисмлардан ташкил топган. Ҳисоботнинг муқаддима қисмида экспедициянинг дастлабки йўналиш ва мақсадлари ўз аксини топган бўлса, "Пойкентнинг қисқа тарихий очерки" қисмида эса муаллиф Пойкент ҳақида ўзи тўплаган манба ва бир гуруҳ муаллифларнинг қайдларини келтириб ўтган. Олим Хитой манбалари, Ибн Хурдодбек, Ёқубий, Ибн ал Фақир Ҳамаданий, Қудам, Наршахий, Ибн Баттута, Ҳофиз Абру, Табарий, Н. Хаников, В.В. Бартольд, Томошенко ва Марквардларнинг шаҳар хусусидаги фикрларини таҳлил этган. Олим ўз ҳисоботида бу каби ёзма манбалардаги маълумотлар билан танишиб чиққандан сўнггина, дастлабки тахминий археологик қазув ишларини олиб бориш кераклигини таъкидлаган. Ва бу усулдан ўз тадқиқоти доирасида фойдаланган.

Ҳисоботнинг "Пойкент харобалари ва уларнинг ҳозирги ҳолати" қисмида эса олим, Пойкент хусусидаги биринчи маълумотларни Н.Ф. Ситняковский 1896 йил 11 декабрда Туркистон археология ҳаваскорлар тўғараги аъзоларига баён қилганлигини^[5] шу билан бирга, Помпели ўзининг тадқиқотида тўхталиб ўтганлигини қайд этган.

Олим ўз изланишлари даврида Н.Ф. Ситняковскийнинг фикрларини тасдиқлайди, шаҳар деворининг қолдиқларини ва топилган сопол қувурларнинг ишлатилиш мақсади хусусида ўзининг дастлабки фаразини билдиради. Л.А. Зимин Пойкентдаги қазув ишларини В.А. Жуковский томонидан Султон Санжар ёки Марвддаги Султонкул ёдгорликларида қўлланилган текшириш усули намунасида амалга оширган. Жумладан, у дастлаб, шаҳарнинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмидаги девор қолдиқларини ўрганган.

У ўз ҳисоботида кўҳна ёки кўнё Пойкент худудида топилган буюмлар ўзига хос санъат намуналари эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Олим ёдгорликдан сопол, шиша ва темир буюмлар билан бирга кумуш танга намуналарини ҳам топган. У бу каби топилмалар ҳақида А.К. Марков, Н.Ф. Ситняковский ва В.В. Бартольдларга билдирган ва уларнинг илмий хулосалари билан танишган^[6].

Олимнинг бу изланишлари даврида қўлга киритилган кумуш тангаларнинг кўп қисми Ўрта Осиё темирўллари тизимига кирувчи "Қоракўл" бекатининг бош телеграфисти И.Н. Одинцов томонидан тақдим этилган. У Пойкент худудига бир неча бор ташриф буюрган ва шу ташрифлари даврида бу каби тангаларни топган. Кейинчалик И.Н. Одинцов 14 та танга тасвири туширилган фото нусхани ҳам юборган. Олим бу фото ҳужжатни В.В. Бартольдга кўрсатади. Бу тангаларнинг 3 тасида Мансур ибн Нуҳ деган ёзув қайд этилган эди. Қолган тангаларда Муҳаммад ибн Тохирнинг Бухородаги вакили Холид ибн Аҳмад, Нуҳ ибн Аҳмад, Амир Гассан ибн Аббос (Халифа Муовийа замондоши) каби номларни ўқиш мумкин. Бир тангада эса фақат 350 йил деган ёзув сақланганлигини Л.А. Зимин алоҳида таъкидлаб ўтади (Зимин, 1913а. С. 87).

1913 йил май ойида И.Н.Одинцов олимга яна бир неча танга намуналарини юборади. Улар Пойкентнинг маркази ва шаҳар девори яқинида топилган 12 та анга эди (Зимин, 1913б. С. 29). У олимга жами 30 та мис танга тақдим этади.

Олим ўз навбатида бу тангаларни А.К. Марковга тақдим этган. У эса тангалар қачон ва қайси даврда зарб қилинганини аниқлаб, уларни Эрмитажда сақланиб ке-

линаётган шу даврги оид тангалар билан таққослайди^[7]. Тангаларнинг таҳлили асосида Л.А. Зимин Пойкент харобалари араблар босқинига қадар мавжуд бўлганлиги, Сомонийлар даврида ривожланиб, Арслонхон даврида эса ташландиқ ҳолга келиб қолганлиги хусусидаги тахминини илгари сурган.

1913 йилги изланишлари якунида олим ўзининг қуйидаги хулосаларини билдирган. 1. Кўхна ёки Кўнё Пойкент харобалари номи остидаги ҳудуд Пойкент шаҳри эканлигини тасдиқлаш мумкин. 2. Шаҳарни сув билан таъминланиш тарихини ўрганиш билан боғлиқ текширишлар олиб бориш режалаштирилган, аммо қум уюмининг кўплиги бу фаолиятни амалга оширишга тўсқинлик қилган. 3. Келгусида шаҳарнинг айрим қисмлари, айниқса, шахристон қисмида текшириш ишлари олиб бориш шаҳар ичининг аниқ топографик чизмалари ва шаҳар деворининг қай даражада қадимий эканлигини аниқлаш имконини беради.

Л.А. Зимин ўз ҳисоботини якунлаб, "келгусидаги археологик изланишларни имкон борича яқин муддатларда амалга ошириш керак, чунки мазкур ҳисоботнинг нашр этилишидан сўнг ҳали харобаларга қўли етмаган ўғри ва хазина изловчилар ўз ишларига киришишлари мумкин" деб қайд этади (Зимин, 1913а. С. 31).

Олимнинг бу хулосалари унинг ҳудудни ўрганиш иши қандай мақсад ва ёндашувлар асосида ташкил этилганлигидан далолат беради. Яъни унинг амирликдаги шаҳарсозлик анъаналари ва унинг ўзига хослик жиҳатлари, ҳудудда муҳим геосиёсий мақсадлар учун фойдаланиш мумкин бўлган сув ҳавзалари ва ирмоқлар тарҳи билан боғлиқ қайдлари, чор ҳукуматининг Ўрта Осиёда юритган кўчириш сиёсати ва бу ҳудудларда деҳқончилик, айниқса, пахта хом-ашёси етиштириш имкониятларини ўрганиш мақсадида олиб борилган десак хато бўлмайди.

Л.А. Зиминнинг Пойкентдаги изланишлари 1914 йилда икки маротаба амалга оширилган текширув ишлари доирасида давом этди. Бу масала Бухородаги рус сиёсий агентлигининг 1914 йил 22 март санасида амирлик кўшбегиси номига йўллаган мактубида баён қилинган эди (ЎзР МДА И-126-фонд, 7392-иш, 1-варақ).

Бухоро кўшбегиси Л.А. Зиминнинг кўмак бериш мазмунидаги хатига жавобан 30 март санасида Пойкентда изланишлар олиб боришга рухсат беради ва бу хусусда Хайдаробот қозисига тегишли кўрсатма ҳам юборади (ЎзР МДА И-3-фонд, 1-рўйхат, 374-иш, 234-варақ). Бу ҳолатнинг ўзи бир томондан Пойкентдаги изланишлар ҳукуматлараро ёзишмалар натижасида амалга оширилганлигини билдирса, иккинчи томондан амирлик ҳукуматининг бу йўналишда ишлар олиб боришга қарши бўлмаганлигини кўрсатади.

Л.А. Зиминнинг бу йилги экспедицияси 12 кун давом этиши керак эди. Шунинг учун олим сиёсий агентликка учрашмасдан тўғри Яккатут станциясига қараб йўл олади. Олим 1 апрелда Пойкентда бўлган. Унинг қайд этишича, "шу куни бизнинг олдимизга 3 отлиқ киши ташриф буюрди. Уларнинг бири кўшбеги вакили, иккинчиси Жанопар қишлоғи қозиси ва бири маҳаллий амалдор эди. Улар бизга Пойкент ёки Панжа қишлоғига бориб жойлашишни таклиф қилишди" (Зимин, 1915а. С. 65). Бу ҳол амирлик ҳукумати томонидан юқорида номлари келтирилган шахсларга тегишли кўрсатма берилганлигидан ва унинг ижроси ўз вақтида таъминланганидан далолат беради.

Л.А. Зиминнинг 1914 йил баҳорги экспедицияси техник нуқтаи-назардан тўлиқ таъминланган эди^[8]. Мазкур изланишларни олиб боришдан олдин шаҳар ҳудудининг беш жойида хандак қазилган ҳамда улардан фақат сопол идиш ва буюмлар топилган. 3-4 апрелда олим шаҳар девори қолдиқларини ўргана бошлайди. 6 апрелда эса баландлиги 21 см ва диаметри 17 см бўлган кўза топилади. Шунингдек, унинг яқинида оч сариқ лойдан тайёрланган ва қандайдир бир ҳайвон тасвири ту-

ширилган сопол қолдиқлари ҳам топилган (Зимин, 1915в. С. 15). Тадқиқот давомида худуддаги бир неча хоналар ва уларнинг тошдан ётқизилган сатҳи билан боғлиқ таҳлилий текширув ишлари ҳам олиб борилган.

Л.А. Зиминнинг бу йилги фаолияти Пойкентдаги мавжуд хоналарни очиш натижасида қўлга киритилган маълумот ва ашёвий далиллар асосида амалга оширилган эди. Бу ҳол ўз навбатида олимга сопол буюмларни бир неча турларга ажратиш ва ўрганиш имконини берди. Жумладан, 1. Қизил, оч сариқ ва кумуш каби бир рангли ҳамда расмли тасвир акс этган ва этмаган сополлар. 2. Фақат бир хил рангли сополлар. 3. Ҳар хил рангли, расмли ва ёзув намуналари мавжуд сополлар ва ҳ.к. Шундан келиб чиқиб, олим биринчи гуруҳга кирувчи буюмларга - сув ва дон маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган кўза ва хумлар, иккинчи гуруҳга эса ликопча, дастали пиёла (чашка) ва қалин дастали кўзалар тегишли эканлиги тўғрисида ўз хулосаларни беради.

Л.А. Зимин бундай буюмларни профессор Помпелли томонидан Анов ёдгорлигида топилган буюмлар билан ҳам таққослайди. Олим расм ва ёзув намуналари акс этирилган нафис буюмларни ҳам гуруҳларга ажратиш мумкинлигини таъкидлайди. Улар оч ва тўқ сариқ, кўк ва тўқ жигарранг бўлиб, араб, паҳлавий ёзувидаги рақам ва харфлардан иборат эди. Олим уларни А.А. Семёновга тақдим этади, у эса бу буюмлар Сомонийлар салтанати даврига тааллуқли эканлиги хусусида ўз фикрини билдиради.

Л.А. Зиминнинг баҳорги археологик кузатув ишларининг яна бир аҳамиятли жиҳати, бу қалин ва ингичка шаклга эга шиша буюмларнинг топилиши эди. Бу буюмлар хусусида Л.А. Зимин мутахассис А.П. Ростковский билан маълумот алмашган. А.П. Ростковский топилган ингичка шиша буюмлар тайёр маҳсулотларнинг қолдиғи эканлиги, қалин бўлаклари эса шу худудда шиша буюмлар тайёрланганлигини ва улар тайёр маҳсулотдан ортиб қолган шиша қолдиқлари эканлигини таъкидлаган.

Топилмалар ичида темир буюмлар ҳам мавжуд эди. Улар қаторида катта қалпоқли ва араблар даврига оид деб тахмин қилинган миҳ қолдиқлари ҳам учрайди (Зимин, 1915б. С. 87). Изланишлар натижасида ўқилиши қийин бўлган тангалар ҳам аниқланган. Шунингдек, суякдан ясалган икки тугма, қандайдир буюмнинг даста қисми ва тақинчоқлар ҳам топиб тадқиқ этилган.

Мазкур экспедиция давомида бино ва хона қолдиқлари дастлаб нима мақсадда қурилганлигини аниқлашга ҳам ҳаракат қилинган. Л.А. Зимин араб сайёҳларининг Пойкент масжид, сарой ва қамокхоналардан иборат бўлган, деган фикридан келиб чиқиб, бир гуруҳ кичик ҳажмга эга хоналар - шаҳар қамокхонаси вазифасини бажарганлигини тахмин қилади (Зимин, 1915в. С. 26). Аммо бу тахминий фикрлар кейинчалик ўз амалий исботини топмади.

Л.А. Зимин ўзининг баҳорги изланишлари натижасида, моддий маданият ашёлари Самонийлар даври санъатининг юксак намуналаридан бири эканлигини қайд этади.

1914 йилнинг 10 ва 14 апрел саналарида Л.А. Зимин ва Н. Остроумовлар Пойкент худудида 31 мартдан 14 апрелга қадар давом этган изланишлар якунланганлиги хусусида Бухородаги рус сиёсий агентлиги номига телеграмма ва мактублар йўллаганлар.

Н. Остроумов ўз мактубида Л.А. Зиминнинг Пойкентдаги март-апрел фаолиятининг якунига биноан - олим томонидан уч аршин чуқурликда деворлари пишиқ ғиштдан қурилган бино қолдиқлари аниқланганлигини, худудда маҳаллий аҳоли томонидан қазув ишларини амалга оширмаслик ва қазув натижасида қўлга кири-

тилган мавжуд буюмларни олиб кетмасликни таъкидлайди. Шу билан бирга, Пойкентда рухсатсиз қазув ишларини олиб бориш ёки буюмларни олиб кетиш ҳолати кузатилса, унга жазо чораларни кўллаш кераклигини ҳам билдирган. Хатнинг сўнгида бу ҳолатлар хусусида Пойкент яқинидаги Шўрабод, Қизилрабат, Жанопар, Кулонч, Алекия, Саёт, Салор ва Дўрмон каби қишлоқлар аҳолисига алоҳида билдириш ҳам сўралган эди.

Н. Остроумовнинг бу илтимоси хусусида Бухородаги рус сиёсий агенти 1914 йил 16 апрел (ЎзР МДА И-126-фонд, 2-рўйхат, 7392-иш, 3-варақ) ва 5 майда (ЎзР МДА И-3-фонд, 1-рўйхат, 374-иш, 258-259-варақ) Бухоро қушбегиси Мирзо Насруллобий номига йўллаган хатида Пойкент ҳудудини кўриқлаш тўғрисида Ҳайдаробод қозисига тегишли кўрсатма беришни сўраган. Мирзо Насруллобий қушбеги ўзининг 1914 йил 20 апрелда сиёсий агентликка юборган жавоб хатида мазкур масала тўғрисида Ҳайдаробод қозисига тегишли кўрсатма берганлигини таъкидлайди (ЎзР МДА И-3-фонд, 1-рўйхат, 374-иш, 252-варақ). Бу каби кўрсатмаларнинг амирлик ҳукумати томонидан берилганлигининг ўзи давлаталараро муносабатларда амирлик ҳукумати ўзига юклатилган ва халқаро умум эътироф этилган норма ва қонуниятларга қай даражада риоя қилганлигини кўрсатади.

Л.А. Зиминнинг 1914 йил ёзги изланишлари унинг баҳорги текширувлар хусусидаги ҳисобот ва расмлар тақдими ҳамда В.В. Бартольднинг саъй-ҳаракатлари натижасида ташкил этилди. Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганишни мақсад қилган рус комитети 10 июнь санасида экспедиция учун 500 рубль маблағни ажратган. 12 июнь санасида Л.А. Зимин ўз хотини билан Яккатут станциясига келади ва у ерда уни Пойкент ёки Панжа қишлоғи қозисининг ёрдамчиси мулла Ражаб кутиб олади. У экспедициясига 18 кишини жалб қилади. Уларнинг катта қисми эса баҳорги текширишларда ҳам иштирок этишган эди.

Ёз ойларида Бухоро воҳасида иссиқ ҳаво қайд этилиши муносабати билан Л.А. Зимин қазиш ишларини эрта тонгда ва кечки пайтга яқин амалга оширишига тўғри келган^[9]. Олимнинг 1914 йил июн ойидаги изланишлари ўн тўрт кун, яъни 13 июндан 26 июнга қадар давом этди (Зимин, 1915в. С. 2). Бу экспедиция даврида Л.А. Зимин апрель текширувларидан фарқли равишда ҳудуднинг шимолий ва шимолий ғарбий қисмларини ўрганишга киришади. Шу билан бирга, олим аввал илгари сурган баъзи бир тахминларига ойдинлик киритади. Масалан, олимнинг кичик хоналар тўғрисидаги илгариги фикрлари кейинги тадқиқотлар натижасида ўзгарганлигини ва такомиллашганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

1914 йил ёзидаги изланишлари натижасида қўлга киритилган топилмалар ҳам ўзига хос хусусиятларга эга эди. Жумладан, расми ва расмсиз, тўқ оч сариқ лойдан тайёрланган сопол кўзалар диққатга сазовор. Сополларда араб ёзувлари мавжудлиги қайд этилган. Ёзги изланишлар темир буюмларнинг кўп топилиши билан ажралиб туради. 3см ҳажмдаги 2 та пуфакча шаклидаги кичик шиша буюмлар ҳам топилган. Буларнинг барчаси олим томонидан 1914 йил баҳор ва ёз ойларида амирлик ҳудудида амалга оширилган изланишлар ҳисоботларига 14 та расм кўринишида илова қилинган.

Л.А. Зимин ўз ҳисоботи якунида кейинги даврда Пойкент ҳудудида бундай изланишларни амалга ошириш керак ёки керак эмаслиги масаласида қуйидагиларни таъкидлайди: "Археологик текширув ишларини олиб бориш даркор, айниқса, шаҳар шаҳристонининг барча қисмларини очиб ўрганиш керак. Шаҳристон ва унга туташ биноларни ўрганишнинг муҳимлиги шундаки, бу нарса барча биноларнинг қурилиш тарихи ва ҳудуд топографиясини ўрганишга ёрдам беради. Шу билан бир-

га, бу каби фаолият катта имконият, маблағ ва бир эмас бир неча кишиларнинг саъй-ҳаракатини талаб этади" (Зимин, 1915г. С. 131).

Олимнинг 1914 йилги фаолияти ҳам Туркистон археология хаваскорлар тўғарагининг мажлисларида кўриб чиқилган. Жумладан, 1914 йил 19 май санасида тўғаракнинг Тошкентдаги Туркистон ўқитувчилар семинариясида ўтказилган йиғилишида унинг "Отчёты о весенних раскопках в развалинах старого Пайкенда" номли ҳисоботи эшитилди. Л.А. Зимин ўз ҳисоботида илова тарзида тарихий ёдгорликнинг тархи, у билан боғлиқ расм ва ашёларни тўғарак аъзоларининг диққатига ҳавола қилади (ЎзР МДА И-71-фонд, 1-рўйхат, 21-иш, 3-варақ). Мазкур йиғилиш натижасида Зиминнинг кейинги илмий изланишлари учун Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганишни мақсад қилган рус комитети маблағларидан ажратишга келишиб олинди. Шу билан бирга, 1914 йил 8 сентабрда бўлиб ўтган тўғаракнинг 5-йиғилишида Л.А. Зиминнинг "Отчёты о весенних раскопках в развалинах старого Пайкенда" номли ҳисоботи тингланди^[10].

Олимнинг 1913-1914 йиллар давомида Пойкент харобларида олиб борган археологик изланишлари ҳали ўз муносиб баҳосини олгани йўқ. Бухоро амирлиги ҳудудидаги қадимги шаҳар, қалъа, қўрғон ва қўшқлар Ўрта Осиё минтақаси ёдгорликларида олиб борилган археологик изланишлар билан бир вақтда тадқиқ этилган. Бунинг исботини биз Л.А. Зиминнинг Пойкент ҳудудида топилган моддий маданият намуналарининг тарихий аҳамияти масаласида Н.Ф. Ситняковский, А.К. Марков, В.В. Бартольд, А.А. Семёнов ва А.П. Ростковский каби ўз даврининг етакчи олимлари билан фикр алмашганлигидан ҳамда ўзи топган археологик ашёларни шу даврда Ўрта Осиёнинг турли жойларида аниқланган топилмалар билан таққослаганлигидан билишимиз мумкин.

Изоҳлар

[1] Лев Александрович Зимин 1886 йил 16 июл санасида Орёлда титул муҳандис-технолог оиласида туғилган. 1904 йилда Орловскадаги гимназияни битирган. 1904-1909 йилларда Санкт-Петербург университети шарқ тиллар факультетининг араб-форс-туркий-татар бўлимида таҳсил олган. Тошкент реал училишида маҳаллий (ўзбек) тилдан дарс берган. Ўз фаолиятининг сўнгида Озарбайжон давлат университети шарқ тиллар факультети араб тили кафедраси доценти лавозимида фаолият юритган.

[2] Туркистон археология хаваскорлар тўғарагининг дастлабки йилларда эришган ютуқлардан бири бу Ўрта Осиё минтақаси тарихини ўзида акс эттирган ёзма манбаларни қўлга киритиш ва таржима қилиш билан боғлиқ ишларнинг йўлга қўйилганлиги ҳисобланади. Жумладан, 1896 йил 3 июнда бўлиб ўтган тўғарак аъзоларининг йиғилишида Наршахийнинг форс тилида ёзилган "Бухоро тарихи" китобининг таржимаси Н.С. Ликошин зиммасига юклатилган эди. У ўз вазифасини бажарди ва мазкур манба В.В. Бартольд таҳрири остида нашр этилди. Бу манбанинг таржимаси тўғарак аъзоларига Зарафшон воҳасидаги қадимги қўрғонлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имконини яратди. Бунинг натижаси сифатида тўғарак аъзолари "Пойкент" шаҳри харобаларини ўрганишга киришди.

[3] Жозеф (Иосиф) Антуан Кастанье –1912 йилдан бошлаб Туркистон ўлкасига кўчиб келган. Туркистон археология хаваскорлар тўғараги ва Россия Императори география жамияти Туркистон бўлими аъзоси. У дастлаб Тошкент реал училишида француз тилидан дарс берган. 1913-1916 йиллар оралиғида Тошкент, Фарғона ва Бухоро воҳаларида тарих, археология, этнография йўналишида изланишлар олиб борган. Унинг Бухоро воҳаси тарихига оид "Бухоро ҳудудидаги археологик кузатувлар" [Археологические разведки в Бухарских владениях] ном остидаги ҳисоботи 1915 йил 30 декабр санасида Туркистон археология хаваскорлар тўғараги йиғилишида тингланган ва нашр этилган. 1917 йилдан бошлаб Туркистондаги ижтимоий ва сиёсий вазият воқеаларига бағишланган асарлар ёзган.

[4] Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Нодир китоблар жамғармасида сақланиб келинаётган бу манба титул варағининг юқори ўнг қисмида шахсан Л.А. Зимин томонидан "1913 йил 7 ноябр санасида Николай Петрович Остроумовга" деб ёзилган қайд учрайди.

[5] Мазкур мажлисда Н.Ф. Ситняковский Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап соҳилларида жойлашган Кампир девор колдиклари, Шаҳри вайрон, Абу Муслим, Ганчхона, Хазора каби тепалар, Жумабозор худуди яқинидаги икки аҳоли манзилгоҳи, Зиёвуддин қалъаси ва Пойкент харобалари, Узулишкент, Кумушкент, Зандана, Ромитан каби жойларнинг умумий жойлашуви ва ҳолати хусусида атрофлича маълумот берган.

[6] Пойкент худудидан топилган дастлабки кумуш тангалар Н.Ф. Ситняковский номи билан боғлиқ бўлиб у 6 та тангани топган. Улар Нух ибн Мансур (976-997) ва Мансур ибн Нух (961-976) лар даврида зарб қилинганлигини аниқланган.

[7] Бу тангаларнинг 3 таси Арслонхон даврига тегишли (1102-1130 йиллар), 1 тасида Халифа Махдий номи сўқилган 725-785 йиллар деб ёзилган, 5 тасида юз тасвири қайд этилган бўлса, 4 тасида профел ҳолатдаги тасвирлар ўз аксини топган. Шу билан бирга, И.Н. Одинсон юборган танга тасвирларининг бирини ўрганган олим А.А. Семёнов уларнинг бири Нух ибн Наср даврида, яъни хижрий 333-йилда чўқилганлигини қайд этган.

[8] Олим ўз ҳисоботида унинг 1914 йил баҳорги изланишларига Н. Нехорошев, Д. Пчеровитинов, В.Н. Милонов ва А.П. Ростковскийлар ўз илмий ва амалий фаолиятлари билан ёрдам кўрсатганликларини ҳамда ўзининг ихтиёрида 9x12,8x14 ўлчамда расм олиш имконини берадиган фото қурилмага эга эканлигини қайд этган.

[9] Олим иш вақтини куйидагича жорий қилишга ҳаракат қилган. Яъни иш соат 5:30 дан 12:00 гача. Бу давр оралиғида 20 дақиқани нонуштага ажратиш. 12:00 дан 15:00 гача дам олиш, 15:00 дан 19:00 гача иш вақти. Олим ўз ҳисоботларида июнь ойини археологик изланишлар олиб бориш учун кулай бўлмаган вақт сифатида қайд этган.

[10] Тўғарак ўз аъзоларининг ҳисоботларини нашр этиш учун маблағ ажратмаган. Аммо, Л.А. Зиминнинг ҳисоботлари унга экспедиция учун ажратилган маблағдан қолган 160 рубль юзасидан нашр этишга рухсат берилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента // Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год восемнадцатый (11 декабр 1912г.—11 декабр 1913 г.) Протокол №4, 30 апрел 1913 г. Ташкент, 1913а.

Зимин Л.А. Развалины Старого Пайкента. Ташкент, 1913б.

Зимин Л.А. Отчёты о весенних раскопках 1914 г. в развалинах Старого Пайкента. Ташкент, 1915а.

Зимин Л.А. Отчёты о весенних раскопках в развалинах Старого Пайкента // Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год двадцатый (11 декабря 1914 г. - 11 декабря 1915 г.). Ташкент, 1915б.

Зимин Л.А. Отчёты о весенних и летних раскопках 1914 г. в развалинах Старого Пайкента. Ташкент, 1915в.

Зимин Л.А. Отчёты о летних раскопках в развалинах Старого Пайкента // Протокол заседания и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии год двадцатый (11 декабря 1914 г. - 11 декабря 1915 г.). Ташкент, 1915г.

ЎзР МДА. И-126-фонд, 2-рўйхат, 7392-иш.

ЎзР МДА. И-3-фонд, 1-рўйхат, 374-иш.

ЎзР МДА. И-71-фонд, 1-рўйхат, 21-иш.

ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

КРИТИКА И БИБЛИОГРАФИЯ

CRITIQUE AND BIBLIOGRAPHY

ИККИ ҚАДИМШУНОСНИНГ БИР МУАММОГА ДОИР БАҲСЛАРИ ҲАҚИДА

DUSCUSSION OF A PROBLEM BY TWO RESEARCHERS

А. Сагдуллаев Мирзо Улуғбек номидаги ТМУ Тарих факультетининг “Марказий Осиё тарихи ва маданияти” номли илмий тўпламида (2016 йил) “Бир баҳс-мунозаранинг қисқача таърифи” мақоласида А. Асқаровнинг 2007 йилда шу “Университет” нашриётида чоп этилган “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” ўқув қўлланмасига иккинчи бор¹, эски эътирозларини қайтариб, ишга салбий муносабат билдиришга интилган. У қадимги Хитой ёзма манбалари аслиятида ўз аксини топган тарихий ҳақиқат ҳақида лом-лим демай, яна эскича қарашлар асосида орийларни эрон забон эканлигини қатъий ҳимоя қилади, орийлар бронза даврининг туркий аслзодалари эканлиги ҳақидаги янги ғояни инкор этишга уриниб, китобхонни чалғитмоқчи бўлади. Қўлланма муаллифи, - дейди танқидчимиз, “фанда эътироф этилмаган ғояларни талабаларга тарихий ҳақиқат сифатида баён этиб, тарихий жараёнларни ўз қарашлари асосида талқин ва таҳлил этган”.

Расмий тарих концепциясига ёпишиб олган “танқидчимиз” асоссиз, шахсий эътиросларга берилиб, Истиклол туфайли эскича ғояларга қарши янги ғоялар асосида чоп этилган “Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи” ҳақидаги ўқув қўлланмаси Юртбошимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асари руҳида ёзилганлигини ҳамон тушуниб етмаган.

Мустақиллигимизга 25 йил бўлишига қарамай, “танқидчимиз” ҳамон тарихга эскича, большевистик ғоялар руҳидаги қарашлар асосида фикр юритади. У ўзи ишлаётган университет нашриётида бундан 10 йил аввал чоп этилган ўқув қўлланмасидан камчиликлар кидириб, бу ўқув қўлланма А. Асқаровнинг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ҳақида кейинги йилларда турли илмий тўплам ва журналларда чоп этилган мақолаларини умумлашмаси ҳолос, улар баҳсли бўлиб, улар ҳали фанда тан олинмаган, деган асоссиз мулоҳазаларга боради.

Аввалом бор, асоссиз илмий фикрлар, ғоялар фанда, илмий журнал ва тўпламларда чоп этилмайди. Тарихий ҳақиқат ғоялар қарама-қаршилиги асосида туғилади. Талабалар, ёш тадқиқотчи ва соҳа мутахассислари буни билиши керак. Тақобирларча, асоссиз, илмий янгиликни инкор этиш, янги ғояларни туғилишига илмий озуқа берувчи бирламчи ёзма манбаларни тан олмаслик тадқиқотчига хос одат эмас. Бу масалада ўзини “ўзбек” ҳисоблаб, аслида ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи ҳақидаги янги концепцияга қарши руҳда яшаш ва чиқиш қилиш мустақиллик даври тарих фани учун аллақачон эскирган. Бироқ, жаноб А. Сагдуллаев миллий ғоявий тарбияга муҳтожга ўхшайди. Унинг анъанавий қарашлари илмий мантиқдан узоқ, шу боисдан қадимги Хитой манбаларининг аслиятига асосланган хитойшунос профессор А. Хўжаев ва унинг билан ҳамнафас А. Асқаров мулоҳазалари унга тинчлик бермайди. Шу боисдан, у “Бир баҳс-мунозаранинг қисқача таърифи” мақоласида аввалги (2012 йилдаги) эътирозларини

яна қайтарган. Уларга ўз вақтида тегишли жавоблар қилинган. Мақолада техник сабаблар билан йўл қўйилган хатоликлар тан олинди, танқидчи эътирозларининг аксарият кўпчилиги асоссиз эканлиги кўрсатилган.²

Фан қотиб қолган эмас. Бугун тарихий ҳақиқат, деб тан олинган қараш, шу соҳада пайдо бўлган янгилик, кашфиётлар туфайли ўзгариши мумкин. Масалан, анъанавий қарашларга кўра, юқори палеолит даврининг қуйи санаси жаҳон кашфиётларига кўра, ҳозирги кунда 20-30 минг йилга қадимийлаштирилиб, фанга “илк юқори палеолит” хронологик босқичи киритилди. Homo sapiensларнинг пайдо бўлиши эскича қарашларга зидли ўлароқ, мил. авв. 40-минг йилликдан 100-минг йилликка қадимийлаштирилмоқда. Одамзоднинг пайдо бўлиш макони аввал полецентрик характер касб этган бўлса, ҳозирга келиб, бу муаммо ечими моноцентрик характер касб этмоқда. Шунинг учун профессор унвонига сазовор олим, масалага кенгроқ қараб, олимга хос танқидчилик билан шуғулланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Унинг Амиробод маданияти, Авесто хорасмийлари, Ҳирот воҳаси, илк темир даври қалъа-қўрғонларидаги “жоме масжиди”ни қурилиши ҳақидаги танқидий мулоҳазалари ҳам китоб матни мазмунига тўғри келмайди. Чунки ўша 48-бетда “Илк темир даврига келганда қалъа фундаменти устига монументал иншоотлар қурилиши жуда кенг ёйилди”, деб ёзилган. Шу жумланинг қавс ичига олинган объектлари каторидаги “ибодатхоналар” сўзи китоб таҳрирчиси томонидан “жоме масжиди”, деб ўзгартирилган. Мен китоб қўлёзмаси билан ушбу сатрларни солиштириб, аслида ҳато менга тегишли эмас, бу китоб таҳрирчисининг ҳатоси эканлигига амин бўлдим. Қадимги Хоразмдаги Қўзалиқир ва Қалъалиқир ёдгорликлари мил. авв. VI асрда хорасмийлар Амударё қуйи ҳавзаларига кўчиб келганда қурилган Авесто варлари типидagi илк шаҳарлардир. Шу боис уларда туб маънодаги арки аъло шаклланмаган. Бу ҳақда С.П. Толстов ёзган. Шунинг учун А.Сагдуллаевнинг бу ҳақдаги эътирозлари асоссиздир. Авестода, қадимги шимоли-шарқий эроний тилда “Маури” номи билан тилга олинган ўлка аҳолисини марғуш, деб аташ мантиқан тарихий ҳақиқатдир. Бу ҳақда Марғиёна тарихининг чуқур билимдони В.И Сарияниди “В поисках страны Маргуш”, деб номланган асарини эълон қилган. У билан яна бир бор танишиб чиқишингизни маслаҳат бераман.

Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларида ўтроқлашган саклар Авестода “Гава Суғуда”, яъни суғдийлар номини олган, деган муаллифнинг ибораси танқидчига ёқмаган. Аммо, бу ҳақда ўз вақтида Шарқ халқлари тарихининг дарғаларидан проф. К.В. Тревер суғдийларнинг аждоди сакларнинг ўтроқлашган гуруҳларига бориб тақалишига ишора қилади. Бироқ, А. Сагдуллаев бу иборани ўзича талқин қилиб, “суғдийлар саклардан таркиб топмаган”, “Суғуда” атамаси эса қадимги форс ёзувларида ўз аксини топган”, деб мени танқид қилади. Биринчидан, у сакларни маълум қисми яшаб турган худудининг табиий-географик имкониятларига кўра ўтроқ ҳаётга ўтганлигини тасаввур қила олмайди. Аксинча, сак этник номи остида фақат кўчманчи чорвадорни кўради. Иккинчидан, “Гава Суғуда” атамаси Авесто термини, Авестонинг тили эса, танқидчи тақидлаганидек, форс тили эмас, балки шимоли-шарқий эроний тилдир. Китобимнинг 239 бетида қўлёзмадаги “неолит ва бронза даврларида Ўзбекистон худудининг тубжой аҳолиси эроний тиллар оиласининг шарқий лаҳжаларида сўзлашувчи суғдийлар, бохтарийлар, хоразмийлар ва саклар каби қадимги эроний тилнинг шимоли-шарқий лаҳжаларида сўзлашганлар” мазмунидаги ибора таҳрир вақтида бузилган. Танқидчи эса, “бирок санаб ўтилган элатлар ва сак қабилалари неолит ва бронза даврларида номаълум бўлганлар”, деб эътироз билдиради. Тўғри, ёзма манбаларда неолит ва бронза даври

аждоқларимизнинг номлари зикр этилган ёзма манба йўқ. Аммо, бронза даври воқеалари Авесто китобининг Гат қатламида ўз аксини топган. Авестонинг тили эса қадимги шарқий эроний тил. Бу жойда танқидчи расмиятчиликка бориб, у хабарлардан мантиқий хулоса чиқаришни унутган. Сак ва санаб ўтилган элатлар қадимги эроний тиллар лаҳжаларида сўзлашган бўлсалар, уларнинг аждоқлари қайси тилда гапиришлари керак? Қани бу ерда мантиқий хулоса.

А. Сағдуллаев тирноқ орасидан кир қидиришдан ташқари қўлланма муаллифини асоссиз кўчирмачиликда айблаш ўтади. Бу менга нисбатан асоссиз айбловдан бошқа нарса эмас.

Маълумки, талабаларга тавсия этилаётган ўқув қўлланма авлоддан авлодга ўтувчи манбалар хабарлари асосида ёзилади. Уларнинг баёни ўзбек тили бойлиги асосида, асл мазмуни ўзгартирилмай ифодаланади. Ўқув қўлланмаси номзодлик ёки докторлик тадқиқоти эмас. Унда манба маълумотлари эркин баён этилиши туфайли баъзи бир ўхшашликларнинг бўлиши кўчирмачиликни англамайди. А. Сағдуллаевнинг 1996 йилда чоп этилган “Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда” ўқув қўлланмаси ҳам бирламчи манбаларнинг аслиятдан ўзбек тилига муаллиф томонидан ўгирилган эмас, уларнинг таржималаридан кўчириб тўплаган иш эканлини ҳам унутмаслик керак.

Агар ўз ҳақлигингизда қатъий туриб, илмий этикага риоя қилган бўлсангиз, у ҳолда, 1996 йилда чоп этилган ўқув қўлланмангизда 16 та чизмалар, таблицалар, фото суратлар берилган. Уларнинг остида қайси муаллифдан, қайси китоб ва мақоладан кўчириб олганлигингиз ҳақида лом-лим демайсиз. Гуё, улар сизнинг материалларингиз ва сизнинг шахсий чизмаларингиз!? Бу кўчирмачилик эмасми? Мен талабага ёзилган қўлланмага бундай ёндашишни ўзимга ор биламан. Сизга ўхшаб, жаноб Сағдуллаев пашшадан фил ясамайман. Чунки, биз муаллифларнинг мақсади ёш авлодга манбалар асосида кўпроқ маълумот бериш экан, у маълумотларни кенгроқ тарқалишидан мамнун бўлишимиз керак эмасми?

Энди айбловни кўчирмачилик фактига ўтадиган бўлсак, А. Сағдуллаев бу масаладаги эътирозларига менинг аниқ жавобимни олган бўлсада³, эски гапларни яна қайтаришга жазм қилган. Унинг даъвосининг мазмуни шуки, муаллифнинг 1996 йилда чоп этилган ўқув қўлланмасининг 24-26, 30-32, 34-36, 39, 58-60, 63-65, 70-73 бетлардаги сўзлар, гаплар, матн, масалани илгари суриш ва мавзуларнинг баёни, рус тилидан ўзбек тилига илк ёзма манбаларнинг таржимаси ҳамда айрим изоҳлар 11 йилдан сўнг... Асқаровнинг ўқув қўлланмасидаги 126-127, 132, 133, 136-137, 139, 140, 145-149, 153-155, 158-160 саҳифаларида (бироз ўзгартирилган, кўшимчалар киритилган ва таҳрир қилинган) ҳайратда қолдирадиган аниқ ҳолда ўрин топиб, 1996 йилги менинг қўлланмамнинг мазмуни такрорланган⁴. Аввалам бор, танқидчи қавс ичига олиб, ўз сўзлари билан тасдиқлаганидек, “манбалардан олинган парчалар айнан кўчирилмай, мазмуни бузилмай ўзгартирилган, кўшимчалар киритилган, таҳрир қилинган”, деб ёзади. Сағдуллаев жаноблари, яна сизга нима керак? Бир томондан ахлоқ ва одоб нуқтаи назаридан, матнингиз мазмунини ўзгартирмай, кўшимчалар киритган, таҳрир этган меҳнатимни тан оласиз, иккинчи томондан эса, жазавангиз тутиб, “ҳайратда қолдирадиган аниқ ҳолда ўрнини топиб қўлланма мазмунини такрорлаган” деб мени айблайсиз! Сўзларингизда мантиқ борми ўзи!?

Кўчирмачилик маҳсули сифатида кўрсатилган сонлар оралигига тире қўйиб, гўё қўлланманинг 20 бети менинг матнимни ўзгинаси, деган хулоса чиқаришга ишора қиласиз. Мен қимматли вақтим кетса ҳам уларни синчиқлаб текшириб чиқдим. “Кўчирмачилик” ёппасига 20 бетни олмайди, ўша 20 бетнинг айрим абзацларида

умумий ўхшашлик кузатилади. Масалан, китобингизни 24 бетида бир афзада ўхшашлик бор. Матни келтираман:

Сагдуллаев, 1996, 24 бет. “Чорвага яхши эга керак. Ушбу ердаги чорва эгаларига мен эркин юришни ва эркин ҳаётни таъмин қиламан” (Ясна, 24, Готалар). Сиз бу иборани И.М. Стеблин-Каменскийнинг Авестонинг “Танланган гимнлар” таржимасидан олгансиз. Мен ҳам бу матни ўша ердан олдим. Таржимамиз бир хил чиққан. Буни нимаси ёмон. Бу кўчирмачиликка кирмайди. Яна бир-икки мисол:

Сагдуллаев, 1996, 25 бет. “Зардуштийларнинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб (яхшилик худоси Аҳурамазда билан ёмонлик худоси Анхро-Манё—Ахриман ўртасида) табиатда ва инсоният ҳаётида ҳам давом этади. Аҳоли жойлашган дунёни зардуштийлар 7 та табиий қисмларга (каршарвар)ларга бўлганлар. Бу дунёнинг тарихи 12 минг йил давомида ривожланади, деб фараз қилинган. Зардуштийлар фикрига кўра, дунё ривожланиши тўрт босқичга бўлиниб, ҳар бир давр 3 минг йилдан иборат бўлган”.

Асқаров, 2007, 126-127 бетлар. “Заратуштранинг диний фалсафаси қарама-қарши кучларнинг курашига асосланган. Бу кураш худолар ўртасида бошланиб, табиат ва одамлар ҳаётида давом этади. Аҳоли жойлашган дунёни зардуштийлар 7 табиий қисмларга бўлганлар. Бу дунёнинг тарихи 12 минг йил давомида ривожланади, деб фараз қилганлар. Улар дунё ривожини тўрт босқичга бўладилар, ҳар бир босқич 3 минг йилни ўз ичига олган”. Қисқароқ, яна бир мисол келтираман:

- Сагдуллаев, 1996, 73 бет. “Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган сайхон ерларда йирик давлатга асос солинади. Бу давлатнинг пойтахти қилиб Искандар Бобил шаҳрини эълон қилади. Аммо унинг асосчиси вафотидан сўнг (милоддан аввалги 323 йил) бу давлат айрим қисмларга бўлиниб, парчланади. Дунё тарихида янги жараёнлар бошланади”.

- Асқаров, 2007, 160 бет. “...Македония, Кичик Осиё, Миср, Сирдарё ва Ҳиндистонгача чўзилган кенгликларда йирик давлатга асос солинади. Бобил шаҳри бу давлатнинг пойтахти деб эълон қилинади. Аммо унинг асосчиси буюк Искандар ўлимидан сўнг бу давлат қисмларга бўлиниб, парчланади. Дунё тарихида янги жараёнлар бошланади”.

Қиёсий солиштиришда қизил ва сариқ рангларда акс этган сўз ва ибораларда ҳар икки муаллиф матнидаги фарқлар кўрсатилган. Улар мазмун жиҳатидан бир хил, аммо ибораларни ифодалашда фарқлар яққол кўзга ташланади. Буни ақлли муаллиф кўчирмачилик, деб атамаган бўларди.

Сагдуллаевнинг кўчирмачиликда айблаган бошқа эътирозлари ҳам булардан фарқ қилмайди. Шу жойда 2007 йилда чоп этилган “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи” ўқув қўлланмаси юзасидан 10 йилдан кейин танқидчи томонидан айтилган мулоҳазаларга нукта қўйиб, менинг 2015 йилда чоп этилган “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи” бўйича унинг билдирган эътирозларига ўтамиз.

Ушбу фундаментал асарнинг ўзбек этногенезига бағишланган бўлими бўйича А.Сагдуллаевнинг “Ozbekiston Tarixi” журналининг 2015 йил №3 сонидан танқидий мақоласи чоп этилди. Журналнинг шу сонидан т.ф.д., профессор-этнолог А.Ашировнинг китобга ижобий мақоласи ҳам чоп этилган. Шу журналнинг 2016 йил №1 сонидан уларга жавоб сифатида менинг “Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихий асаримга А. Сагдуллаевнинг ўзбек халқи этногенези концепцияси юзасидан билдирган баъзи бир мулоҳазалари ҳақида” мақолам эълон қилинди. Шунинг учун фақат мақолада кўтарилиб, икки олим ўртасида баҳс объектига

айланган янги ғоя хусусида китобхонга қисқа маълумот бериш билан чекланмоқчиман.

Мен ҳар икки китобимда мил. авв. II-минг йиллик ўрталаридан Авесто ривоятларига кўра, орийларнинг Евроосиё даштларидан жанубга миграцияси ҳақида сўз юритиб, расмий тарихда ўрнашиб қолган ғояга қарши, яъни орийлар эрон забон бўлган, деган концепцияни археологик материаллар ва қадимги хитой ёзма манбаларининг аслиятига асосланиб, орий қабилалари этник келиб чиқиши жиҳатидан прототурк аслзодалари эди. Мил. авв. III-II минг йилликларга тегишли қадимги хитой ёзма манбалари туркийларнинг аجدодлари тиек (хитойча “ди”), ғуз (хитойча “ху”)лар эканлиги ҳақида маълумот беради. Ди ва ху қабилалари чорвадорлар бўлиб, улар шимолий хитой “Шя” (мил. авв. 2205-1766 йй.), “Шонг” (мил. авв. 1766-1122 йй.) кичик подшоликларининг шимоли-ғарбий, шимолий ва шимоли-шарқий томонларида, яъни Жанубий Сибир даштларида яшаганликларит аҳлил этилган. Ди ва Хуларнинг авлодлари хуннлар бўлиб, улар туркий тилли қабилалар сифатида расмий тарихда тан олинган. Шунинг учун орийлар жанубга қадимги эроний тилни шимолдан олиб келмаган. Аксинча, прототурк орийлар маҳаллий, туб жойли эроний тил муҳитида 2-3 авлод ўтгач, эронийлашиб кетган. Авесто китоби эса, прототурк орийлар тил жиҳатидан эронийлашиб бўлгач, эронийларнинг муқаддас китоби сифатида қадимги шимоли-шарқий эроний тилларнинг қайси бир лаҳжасида расмийлашди. Бу жараёни тарихий ва мантиқий таҳлил этиш ўрнига, тарихий лингвистика вакиллари орийлар жанубга эроний тилни олиб келган, деган сохта концепцияни ишлаб чиққанлар. А. Сагдуллаев ва унинг гумашталари ҳамон ўша концепция асосида мулоҳазалар юритиб, мени асоссиз танқид қиладилар. Мен эса ўз асарларимда бу муаммо ечимига қадимги Хитой ёзма манбаларининг маълумотларига асосландим. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги юзасидан хулоса чиқаришни китобхонларга ҳавола этаман.

Изоҳлар

¹А.Сагдуллаев. Проблема инноваций в учебном процессе (на примере изучения этногенеза и этнической истории). “Ўзбекистон тарихи фанидаги инновациялар” тўплами. Тошкент, 2012. 267-278 б.

²А.Асқаров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалаларини ўқитиш муаммолари. “Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари” илмий тўплам. Тошкент, 2014. 82-91 б.

³А.Асқаров. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи масалаларини ўқитиш муаммолари. “Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари” Тошкент, 2014. 82-91 бетлар.

⁴А.Сагдуллаев. Бир баҳс-мунозаранинг қисқача таърифи. “Марказий Осиё тарихи ва маданияти” тўплам. Тошкент, 2016. 12-13 бетлар.

А.А. Асқаров

Тарих фанлар доктори, профессор
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

A.A. Askarov

Doctor of history, professor,
Academician of the Uzbek Academy of Sciences

АХБОРОТ

ХРОНИКА

CHRONICLES

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА 2016 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА
ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ ТАДБИРЛАР ХУСУСИДА**

**ON SCIENTIFIC EVENTS ORGANIZED DURING THE FIRST HALF
OF 2016 AT THE INSTITUTE OF ARCHAEOLOGY UZBEKISTAN
ACADEMY OF SCIENCES**

Институтда жорий йилда бир қатор илмий анжуманлар ўтказилдики, бундай анжуманлар янги материаллар билан танишиши, уларнинг муҳокамаси ва таҳлили, юртимиз ва жаҳон археологиясида қўлланилаётган янги услубиятлар билан танишиш, археологларнинг ўзаро фикр алмашиши имконини беради.

Дастлабки анжуман 28-29 апрел кунлари эса ЎЗР ФА Археология институти раҳбарияти ва Ёш олимлар кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 январдаги № 33-ф-сонли фармойишидан келиб чиққан ҳолда «Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари ёш тадқиқотчилар талқинида» мавзуидаги Республика илмий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда юртимиздаги ОЎЮ, илмий тадқиқот муассаларида фаолият юритувчи 50 дан зиёд ёш олимлар, катта илмий ходим изланувчилар, магистрантлар ўз маърузалари билан иштирок этишди. Маърузалар юртимиз тарихининг энг қадимги даврдан ўрта асрларгача бўлган даври археологияси, нумизматика, археология фанининг умумий масалалари жумладан, услубият, фан тарихи, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, фанда замонавий технологияларни қўллаш каби масалаларини қамраб олган бўлиб, ҳар бир маъруза мунозара, баҳс остида ўтиб бу ёш олимларга ўз соҳалари бўйича янги маълумотлар олиш, тажриба ва кўникмага эга бўлиш имконини берди.

Конференция якунида бундай илмий анжуманларнинг ўтказилиши ёш олим ва мутахассисларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг илмий фаолиятидаги ютуқларини намоён этиш, археология соҳасидаги мавжуд долзарб муаммоларни тизимлаштириш ва уларнинг ечимини топишда илмий ёндашиш, ёшлар ўртасида ижодий ва илмий алоқаларни юзага келтириш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш имкониятини яратиши алоҳида қайд этилди.

Айни вақтда институтда мунтазам равишда институтнинг юқори малакага эга мутахассислари, хорижлик олимлар томонидан турли хил семинар, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, май ойида Болония университети мутахассиси Симоне Мантеллини томонидан Кофиркалья ёдгорлиги ва унинг туризм объекти сифатида тарғиб этиш усуллари борасида, 22 июлда МАФАНАК экспедицияси аъзоси, Тулуза шаҳри (Франция) лабораторияси профессори, трассолог Бернард Гассин Оёқоғитма тош қуроллари таҳлили бўйича чиқиш қилидилар. Хусусан, институт ходимлари, СамДУ, ФарДУ, Франция миллий

тадқиқотлар Маркази, Нью Йорк уиверситети илмий ходимлари иштирок этган йиғилишда профессор Бернард Гассини 2014-2016 йилларда 500 га яқин тош қуроллар устида олиб борилган илмий изланишлар устида сўз юритар экан, бундай тадқиқот ўша давр ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш мумкинлигини таъкидлади.

23 июн куни ўзбек ва хитой олимлари иштирокида “Ўзбекистон-Хитой Буюк ипак йўлида: археологик ва тарихи тадқиқотлар” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Хитой Ижтимоий Фанлар академияси президенти Wang Weiguang, Пекин Археология институти директори Wang Wei, Хитойнинг бир қатор илмий тадқиқот, ОЎЮ лари тадқиқотчилари ва Археология институти илмий ходимлари иштирок этган давра суҳбатида 20 га яқин маърузалар тингланди. Хусусан, давра суҳбатида Rong Xinjiang нинг “ Суғд савдогарларининг Буюк Ипак йўлида қўшган ҳиссаси”, Д.К. Мирзаахмедовнинг “Ғарбий Суғд шаҳар марказлари—Бухоро, Пойкенд, Варахша Буюк Ипак йўлида”, Wang Yaogongнинг “Буюк ипак йўлидаги топилмаларни қайта ишлаш ва сақлаш”, Li Xiaoning “Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Турфан воҳаси”, Meng Xian Shining “Танг сулоласи ва Ўрта Осиё ўртасидаги от савдоси” А. Анарбаевнинг “Араблар босқини ва Суғд-Турк аристократларининг тақдири” борасидаги маърузалари иштирокчилар орасида катта қизиқиш ўйғотди. Давра суҳбти сўнгида иштирокчилар ўзбек-хитой илмий ҳамкорлигини ўзаро самараси ҳақида сўз юритиб, уни келажакда давом эттиришга келишиб олинди.

Хулоса қилиб айтганда 2016 йилнинг биринчи ярмида Археология институтида ўтказилган илмий тадбирлар самарали бўлиб, Ўзбекистон Археологияси фанини юксалтиришига ва ривожланишига ўз ҳиссасини қўшди.

М. Саидов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Археология институти

M. Saidov

Institute of Archaeology Academy
of Sciences Republic of Uzbekistan

УДК:

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА 2015 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛГАН
АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ҲИСОБОТ
СЕССИЯСИ” ҲУСУСИДА**
(Самарқанд, 19-20 апрел 2016 йил)

**"REPORTING SESSION ON ARCHAEOLOGICAL RESEARCH IN 2015 ON
THE TERRITORY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN"**
(Samarkand, 19-20 April 2016)

Республикамиз ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган йиллик ҳисобот сессияси ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Зеро, бундай анжуманларни ўтказилиши археологларнинг янги тадқиқот материаллари билан танишиш, уларнинг илмий таҳлили борасида ўзаро фикр алмашиш, археологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш каби долзарб муаммоларни ечишга мустаҳкам замин яратади.

Шу муносабат билан ЎзР ФА Археология институти раҳбарияти ва “Дала тадқиқотлари қўмитаси” ташкилотчилигида жорий йилнинг 19-20 апрел кунлари 2015 йилдаги археологик дала тадқиқотларини натижаларига бағишланган ҳисобот сессияси ўтказилди.

Йиллик ҳисобот сессиясининг ялпи мажлисини институт директори А.Э. Бердимуродов очди ва ўз сўзида сессиянинг барча қатнашчиларини кутлаб, ўтган 2015 йилда мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар ва қўлга киритилган натижалар ҳусусида қисқача маълумотлар берди.

Икки кун давом этган ҳисобот сессиясининг биринчи кунда тош даврига тааллуқли Очилғор (Н.Ў. Холматов), Кўлбулоқ ва Катгасой (М. Хўжаназаров), сўнгги бронза даврига мансуб Бургутепада (Ш.Б. Шайдуллаев), антик ва ўрта асрларга оид Мингтепа (М.Х. Матбобоев), Пулжой (М.Ш. Кдирниязов), Жампикқалъа (С. Саипов), Сазоғон Мозор-қўрғонлари (М. Ҳасанов), Кўхна Ховос (А.А. Грицина), Қофирқалъа (Г.И. Богомоллов), Шерозқалъа (С.С. Суюнов, Қирқхужра (А.А. Анарбаев) ёдгорликларида олиб борилган археологик казишма ишларининг натижалари тингланди. Шу билан бирга А.А. Раимқулов томонидан Қашқадарё вилояти Ғузор туманида, С. Ильясова ва Ф.А. Мақсудовлар томонидан Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ёдгорликларини рўйхатга олиш борасида амалга оширилган ишларнинг ҳисоботи муҳокамадан ўтказилди.

Ҳисобот сессиясининг иккинчи кундаги давом этган маърузаларда Қўштепа-2 (Б.М. Абдуллаев), Қаршаул (Г.П. Иванов), Афросиёб (М.М. Саидов), Қалиятепа (М.Х. Пардаев), Қўйтепа (Ш.М. Пардаев), Тошбулоқ (М.Х. Пардаев) ёдгорликларида олиб борилган қазув ишлари ва Сурхондарё вилоятида ўтказилган дала кидирув ишларига оид ҳисоботлар тингланди. Бундан ташқари, А. Атаҳўжаев-

нинг Самарқанд вилояти худудидан топилган ўқ-ёй учларини илмий таҳлилига бағишланган маърузаси эшитилди. Ҳар бир ҳисобот мутахассислар томонидан қизгин кутиб олиниб, мунозараларга жуда бой бўлди, кенг муҳокама қилинди ва қўлга киритилган моддий ашёлар Марказий Осиё археологиясини ривожига муҳим манба бўлиб хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

Илмий сессия сўнгида ЎЗР ФА Археология институти “Дала тадқиқотлари қўмитаси” нинг 2015 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот тингланди. Ҳисоботга кўра, йил давомида республикамиз худудида археологик тадқиқотлар, яъни қазув, қидирув ва назорат ишларини олиб бориш учун 50 га яқин мутахассисларга “Очик варақа” ва “Рухсатнома” расмийлаштирилган бўлиб, шундан 10 таси дала қидирув, 2 таси назорат ишлар ва қолганлари эса қазилар ишлари амалга ошириш режалаштирилган эди. Шундан 15 та отряд томонидан 2015 йилда маблағ ва вақт етишмаганлиги сабабли археологик дала тадқиқот ишлари олиб борилмаганлиги қайд этилди.

Маълум бўлишича, 2015 йили республикамиз бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобидан 10 та археологик отряд экспедицияси қазилар ва дала қидирув ишлари олиб бордилар. Ажратилган маблағлар Самарқанд вилоятидаги Афросиёб, Қофирқалъа, Шерозқалъа, Жиззах вилоятидаги Қалиятепа, Наманган вилоятидаги Ахсикент, Андижон вилоятидаги Қўштепа-2, Сурхондарё вилоятидаги Талитоғора, Сирдарё вилоятидаги Эски Ховос ёдгорликларида қазилар ишларига ҳамда Қашқадарё вилояти Ғузор тумани, Тошкент шаҳри ва унинг атрофида, Сурхондарё вилоятидаги археологик ёдгорликларни рўйхатга олиш борасида олиб борилган тадқиқотларга сарфланган.

Ўтган 2015 йил давомида маҳаллалар ва фуқаролар томонидан тақдим этилган аризаларга асосан Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш Бош бошқармасининг Самарқанд ва Жиззах вилоятлари бўйича минтақалараро Давлат инспекцияси мутахассислари билан ҳамкорликда Самарқанд ва Жиззах вилоятидаги археологик ёдгорликларни бузилишини олдини олиш ва уни атрофида қурилиш ишларини амалга ошириш ишларини тўхтатиш борасида йигирмага яқин археологик ёдгорликлар ўрганилиб, уларнинг илмий хулосалар тайёрланди.

Бугунги кунда Республикамиздага ёдгорликларда ўндан ошиқ халқаро ҳамкорликдаги экспедицияси археологик тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон-Россия экспедициясининг икки гуруҳи Кулбулоқ ва Пойкент ёдгорликларида, Ўзбекистон-Польша экспедицияси Каттасой ёдгорлигида, Ўзбекистон-Америка экспедициялари Тошбулоқ ва Кампирдевор ёдгорликларида, Ўзбекистон-Япония экспедицияси Қофирқалъа ёдгорлигида, Ўзбекистон-Хитой экспедициясининг икки гуруҳи Мингтепа ва Сазоғон қишлоғидаги Мозор-кўрғонларда, Ўзбекистон-Италия экспедициясининг уч гуруҳи Кўйтепа, Қўрғон Варданзе ёдгорликларида қазилар ишларини олиб борди ва Пастдарғом туманидаги археология ёдгорликларини рўйхатга олиш борасидаги археологик қидирув ишларини амалга оширдилар.

Отряд бошлиқлари томонидан 2015 йилда олиб борилган археологик тадқиқот натижаларига бағишланган ҳисоботларнинг бир қисми ҳисобот сессиясига қадар топширилди ва бу ҳисоботларни айримларини расмийлаштиришда отряд бошлиқлари томонидан баъзи бир камчиликлар қайд қилинди. Мисол учун айрим илмий ҳисоботларга норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда археологик

ашёлар давлатга топширилганлигини тасдиқловчи хужжат, археологик топилмарнинг рўйхати, паспорти ва ёдгорликларда тадқиқот ишлари тугагандан сўнг уларни консервация қилинганлигини тасдиқловчи маълумотлар илова қилинмаган. Шу билан бирга “Очиқ варақа” худудий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказилмаган ҳолда топширилган. Ўйлайманки, келтириб ўтилган камчиликлар жорий 2016 йилда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижаларига бағишланган ҳисоботларда экспедиция бошлиқлари томонидан бартараф қилинади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, 2015 йилда олиб борилган археологик тадқиқотларга бағишланган ҳисобот сессияси баҳс-мунозара ва тортушувларга бой тарзда, қизиқарли ўтди. Муҳокамада сўзга чиққан А.Э. Бердимуродов, Б.Ҳ.Матбобоев, М.Ҳ. Пардаев, М. Ҳўжаназаров, Ш.Б. Шайдуллаев, Т. Аннаев ва Н.Ў. Холматов каби етакчи мутахассислар томонидан сессияда йилдан-йилга ёш олимларни чиқишлари сони ошаётгани, келгусидаги археологик тадқиқотлар сифатини янги замонавий технологиялар асосида янада яхшилаш, ёдгорликларни сақлаш борасида ўзларини аниқ фикрларини билдирдилар ва сессия ишини ижобий баҳоладилар. Яқунда археологик ёдгорликларни асраш ва уларни қайта рўйхатга олиш ва замонавий технологиялар асосида уларнинг каталогини яратиш борасидаги ишлар бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар сессия қарорига киритилди.

К. Раҳимов

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Археология институти

K. Rahimov

Institute of Archaeology Academy
of Sciences Republic of Uzbekistan

ЮБИЛЯРИМИЗ

НАШ ЮБИЛЯР

OUR JUBILAR



К 60 ЛЕТИЮ ШУХРАТА ТЕШАБАЕВИЧА АДЫЛОВА

TO 60TH ANNIVERSARY OF Dr. SHUHRAT TESHABAEVICH ADYLOV

Адылов Шухрат Тешабаевич родился 18 мая 1956 года в городе Ташкенте, в семье известного ученого, долгие годы проработавшего на биофаке ТашГУ (ныне НУУ), и затем в Институте ботаники АН РУз Тешабая Адылова и Ишанходжаевой Саиды, является одной из первых женщин дипломированного специалиста по акушерству и гинекологии.

Выбору профессии в большой степени способствовала духовная атмосфера в доме, традиционный уклад в жизни семьи, богатая домашняя библиотека, в том числе исторические романы, научно-популярные издания по истории, археологии и культуре, которые в течение многих лет любовно собирались в семье.

В 1973 году Ш.Т. Адылов поступил на исторический факультет Ташкентского государственного университета и с тех пор полностью связал свою жизнь с археологией Средней Азии. Он с большим уважением отзывается о своих преподавателях из кафедры "Археологии Средней Азии", которая на долгие годы стала настоящей кузницей кадров для нескольких поколений археологов Узбекистана.

В 1978 году, сразу после окончания учебы в университете, он познакомился со своим научным наставником, академиком АН РУз А.Р. Мухаммеджановым - общепризнанным ученым, знатоком истории и культуры Бухары. В том же году он был принят в Институт археологии АН РУз, где и продолжает работать в должности старшего научного сотрудника.

Исследователь участвовал при раскопках г. Бухары и определении его юбилейного возраста в 2500 лет, при раскопках на городищах Пайкент, Рамитан, Варданзе и других объектах как на территории западной Бухарского оазиса, так и за его пределами. Основными направлениями его научных изысканий является политическая история, историческая география, нумизматика, ремесло и духовная культура Западного Согда в древности и раннем средневековье.

В 1987 году исследователем защищена кандидатская диссертация на тему “Становление и развитие городской культуры Бухарского Согда по материалам стратиграфических исследований (IV в. до н.э. - VIII в)”.

Ш.Т. Адылов является автором более 50 научных публикаций, и в том числе двух монографий, написанных в соавторстве.

Коллектив Института археологии АН РУз и редакция журнала «Археология Узбекистана» желает ему крепкого здоровья, творческих успехов и новых открытий в археологии и истории нашей Республики.

**Коллектив Института археологии АН РУз
и редакция журнала «Археология Узбекистана»**